


566


# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ  
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4/2011





## Президент ИСЛОМ ҚАРИМОВнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидан

Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилатлар бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик қайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исботланган.

(53-бет)

Ўз она тилини билмаган одам ўзининг шаҳарасини, ўзининг ил-дизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади.

(60-бет)

Қайси раҳбар, қайси амалдор ўз обрўсини тўқмоқчи бўлса, у зийлилар билан орасини бузади. Тарихда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам бунга мисол кўп. Катта-кичик барча амалдорлар кўзларини каттароқ очиб, зийли зотига эътибор билан қарашни ўзига шараф деб билмоғи керак.

(141-бет)

Ўзбекистоннинг наҳоти фақат ўзимизда, шу заминда.

(284-бет)

Ўз авлодлари тақдири ҳақида қайғурадиган бирорта мамлакат хомашё ресурсларини сотиш ҳисобидан кун кўрмаслиги керак.

(287-бет)

Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди. Тенглар ичра тенг бўлиш – халқимизнинг асрий орзусидир.

(402-бет)

Дунё харитасида энди катта ҳарфлар билан “ЎЗБЕКИСТОН” деб ёзиб қўйиладиган бўлди.

(426-бет)





# ТАФАККУР



## Тафаккур

ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

*Тахририят:*

Муҳаллиддин РАҲИМ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Дамин ЖУМАКУЛ  
(масъул вотиб)  
ШОҲСАНАМ  
(булим мудари)  
Ольга ЖОЛДАСОВА  
(булим мудари)  
Наргиза УСМОНОВА  
(техник муҳаррир)  
Гулнора ФАТТОҲОВА  
(муҳассиҳ)  
Машраб НУРИНБОЕВ  
(фотомуҳбир)

*Жамоат кенгаши:*

Дилдором АЛИМОВА  
Абдулла АЪЗАМ  
Хуршид ДАВРОН  
Нуриддин ЗАЙННОВ  
Баходир ЗОКИР  
Нажмиддин КОМИЛ  
Султонмурод ОЛИМ  
Шухрат РИЗО  
Хайриддин СУЛТОН  
Нуриддин ТУҲЛИЕВ  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Муртазо ҚАРШИБОЙ  
Фарход ҲАМРОЕВ  
Иброҳим ҲАҚҚУЛ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Мабуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матнларда фойдаланилган мисол, қўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан қўчириб босилганда маънавий ҳақ тўлини шарт.

Шеърний асарлар журналнинг ўз ташвибуси билан чоп этилади.

Манзилимиз: 100047, Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик шоҳўчаси, 59-бino



233-10-68  
239-46-16  
233-79-40

Журнал андозаси тахририятнинг компьютер бўлимида тайёрланади.

"Шарқ" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳасниси. 100029, Тошкент шаҳри, Буво Турон кўчаси, 41-уй.

2011 йил 27 сентябрь кунин босмаҳаснонага топширилди. Қроз бичими 70x100 1/4, 6 босма тобоқ, 1901-бувортма. Нашр адиди 2517 нуска. ISSN 2010-649

### НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?

"Адолат борлиққа ёлғиз онадир..." Эколог олим, биология фанлари доктори, профессор Абдуқодир ЭРГАШЕВ ва журналист Мурод АБДУЛЛАЕВ сўҳбати..... 4



### ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ

Маҳмуджон ҲОЖИМИРЗАЕВ. Етуқ жамият бунёдкори..... 14

### МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Иқбол ҚЎШШАЕВА. Дарвозасиз қолган дунё..... 20

### ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Шодмонқул САЛОМ. Мезон торларига дилни боғладим..... 26

Ориф ТОЛИБ. Шаббода гул билан ўйнар эринчак... .. 32

### РОСТЛИК – ХАЛОСЛИК

Муаллифга ҳамнафас. Таржимон Низом КОМИЛ билан сўҳбат..... 36

# SAHIFALARIDA

## саҳифаларида

### ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУР

Абдухалил РАЗЗОҚОВ. Теран томирлар.....42

### МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Муҳаммадҷон ХОЛБЕКОВ. “Онг оқими” – ривоя шаклими ёки жанр?.....50

### ТАҚДИРДАГИ ТАДБИРЛАР

Ҳамидҷон ҲОМИДИЙ. Хотира қатидан ҳикоятлар.....56

### МУҲАББАТНИНГ САРОЙИ

Гулнора АБДУЛЛАЕВА. Севги ва маърифат...60

Зайнобидин АБДИРАШИДОВ. Исмоилбек суйган аёллар.....63



Боқасарой. Исмоилбек Гаспринский уй-музеи

### МОҲИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Турсун АЛИ. Кўнгили ёришганда.....70

### ЖАВОНДАГИ ЖАВОҲИР

Фарҳод ҲАМРОЕВ. Янгича идрок эҳтиёжи...72



### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Раъно САЙДУЛЛАЕВА. Оммавий маданият: мазмун ва тадриж.....78

Соҳиба ОДИЛОВА. Маънавиятга таҳдид – ўзлигимизга таҳдид.....80

Аслиддин СУЛТОНОВ. Манфаатлар муш- тарақлиги – тараққиёт омили.....82

Наримон ДЕҲҚОНОВ. Давлат ҳокимияти- нинг таянчи.....83

Раҳима МАМАТҚУЛОВА. Маъно инкишофи ва шахс камолоти.....84

Бобур АМИНОВ. Тарих фанининг “дастёр”и.....85

Вячеслав КАРИМОВ. Жанубий Корея: оилавий холдинглар.....87

Динора ОРИФОВА. Экрандаги Навоий.....88

Малоҳат ОРТИҚОВА. Семиотиканинг ижтимоий-фалсафий қирралари.....89

Абдурахмон БОДИРОВ. Шўроларнинг бирёқлама ер-сув ислоҳоти.....90

Лазизжон БАҲРАНОВ. Бадиий танқид муаммолари.....91

Бобомурод ИНАТОВ. Сирли ультиматум.....93

Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95

# “ADOLAT BORLIQQA YOLG‘IZ ONADIR...”



**Эколог олим, биология фанлари доктори,  
профессор Абдуқодир ЭРГАШЕВ ва  
журналист Мурад АБДУЛЛАЕВ суҳбати**

**Журналист:** Экология асида тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатини ўрганувчи фан – биологиянинг атиги бир соҳаси бўлса-да, аммо у XX асрда гоят кенг мазмун-моҳият касб этди. Гарчи бу фан табиатдаги мувозанатни бузмаслик, инсон ва табиат мутаносиблигини сақлаш муаммоларини назарда тутса-да, ана шу табиатнинг ажралмас қисми сифатида инсон тақдири – унинг Ер юзида яшаб қолиш ё қолмаслиги ҳам кўп жиҳатдан экологик мувозанатга боғлиқдир.

Инсон фаолиятининг оқибати бўлган антропоген ўзгаришлар табиат билан бирга инсоннинг ўзига ҳам дахл қилаётганидан ташқари, одамга табиатан берилган туйғу ва ҳиссиётларда ҳам эврилишларни келтириб чиқармоқдаки, бу ҳол инсон туйғулари экологияси масаласини кун тартибига қўяётир. Аждодлардан мерос инсоний туйғулар қашшоқлашиб, ҳиссиётлар дағаллашаётгани кузатилмоқда. Инсоннинг ҳиссий дунёси ғариблашгани, бинобарин, бир вақтлар аждодларни ҳаяжонлантирган туйғулар бугунга келиб авлодларга бегона бўлиб бораётгани таъкидланмоқда. Ёки, дейлик, бир вақтлар сизу биз инсоният тафаккури яратган буюк мўъжизалардан ҳайратга тушган, улардан илҳом олган бўлсак, ҳозирги авлодда бу ҳол камроқ сезилади. Шу ўринда атоқли болқор шоири Қайсин Кулиевнинг “Ҳайрат” шеърисидаги қуйидаги мисралар беихтиёр ёдга келади:

*Гуллар бош эгади, юлдуз чарақлар,  
Қор эриб, тоғлар ҳам товланар турлик.  
Мен учун дунёда ҳаммадан баттар  
Ҳайратни билмаган одамлар шўрлик.*

Ҳайрат нелигини билмаган шўрликлар бугун ҳаддан зиёд кўпаймадимми?! Уларни Навоий, Фузулий, Шекспир, Толстойларнинг буюк асарлари, ўтли сатрлари ҳайратга солмаслиги, аксинча, тагин ўша тафаккур мўъжизаси

Бўлган интернет тармоғи ёки энг сўнги русумдаги мобил телефон табиатнинг бетакрор жозибасидан кўра кўпроқ ҳаяжонга солиши мумкин. Бу жараён нафақат инсоннинг ўзи ёки у яшаётган муҳит – она табиатнигина муҳофазага олиш лозим, балки инсон ҳайратларини, ирсият механизмлари орқали қондан қонга ўтиб келаётган олий, муқаддас туйғуларни ҳам муҳофаза қилиш керак, деган фикрни келтириб чиқармайдими? Инсоннинг табиий сезгилари



айнишга учраса, у эртага ўзини ёки келгуси наслларини ҳалок этадиган фожа қаршисида қўл қовуштириб, бугунги манфаатлар қулига айланиб қолиши мумкин. Бундай дейишимга сабаб, таниқли математик олим Алексей Карнаухов шундай фаразни илгари суради. Унинг ҳисоб-китобига кўра, ҳавони булғовчи чиқинди – тутунлар атмосферага ҳозирги миқдорда чиқиб турса, яқин 200-300 йлда Ердаги ҳарорат юзлаб даражага кўтарилади ва оқибат сайёрадаги тирик мавжудот ҳалок бўлади.

Саноат чиқиндилари таъсирида фақат атмосфера эмас, баҳри муҳит, дарёю уммонлар ҳам ўз тароватини, саломатлик учун хавфсизлигини йўқотиб бормоқда. Охири хабарларга кўра, биргина Европа мамлакатларида денгиз соҳиллари ифлосланиши сабаб йигирмадан ортиқ пляж ёпилган. Ёки бўлмаса, қушлар, балиқларнинг қирилишини бир эсга олинг. Мисоллар бисёр. Сиз Ер, инсон ва коинот билан боғлиқ экологик жараёндан хабардор олим, айти чоқда, Экологик хавфсизлик халқаро фанлар академияси ҳамда Антик тарих халқаро фанлар академияси академиги сифатида Карнауховнинг башоратига қандай қарайсиз? Ердаги шарт-шароитнинг ҳаёт учун хатарли даражага келиб қолганига инсон феъл-атворидаги ўзгариш ва унинг ички оламида кечаётган емирилишнинг таъсири борми? Бу икки ҳолнинг бир-бирига боғлиқлиги қандай?

**Олим:** Ўша математик олимнинг хавотирида жон бор. У 200-300 йил кейинни гапиряпти, биз БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти экспертлари маълумотига асосланиб, ҳозирги вақтда сайёрамиздаги унумдор ерлар қай даражада тез эрозияга учраб бораётганига эътибор қаратайлик. Ахир, одамларни боқувчи, кийинтирувчи, яшаши учун ягона манба шу-ку!

Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги тамаддун асрида 5 миллион 800 минг квадрат километр майдонда тропик ўрмонлар кесиб олинган; 6 миллион 800 минг квадрат километр майдонда чорва моллари ҳаддан зиёд кўп боқилган; 1 миллион 370 минг квадрат километр майдонда дарахтлар ўтин учун кесилган; 1 миллион 95 минг квадрат километр майдон йўللар ва заводлар қуришга ажратилган; 5 миллион 500 минг квадрат километр ер эса ирригация ва мелиорация ишларида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани сабабли деградацияга учраб, зироатчи-

лик, озиқ-овқат етиштириш учун мутлақо яроқсиз ҳолга келган. Мана шу далилнинг ўзиёқ вазиятни мутлақо ойдинлаштиради. Шундан сўнг ҳам бу башоратни эътиборга олмаслик мумкинми? Ҳозирги вазиятга аҳоли тез ўсиб, саноат беқиёс даражада ривожланаётгани эмас, балки одамлар руҳиятидаги ўзгаришлар, лоқайдлик, маънавий емирилишлар кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Шундай бир тоифа бор: мендан кейин қиёмат кўпмайдими, деб яшайди. Мени ҳайрон қолдирадигани – уларни ҳатто зоту зурриёди қисмати ҳам хавотирга солмайди...

**Журналист:** Атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг “Баҳор” шеърисида шундай мисралар бор:

*Дилбар келинчакнинг кўксига ғулу,  
Зардоли шохига ташлар кўз қирин.  
Барг аро шуълалар кафтлармикан у,  
Баҳор тетапоя гўдакдай ширин.*

Кўклам кезлари келинчакнинг ўрик шохига ийманиб “ўгринча” кўз қирини ташлаши унинг бўйида бўлганидан нишона. Шунинг учун барглар орасидан қуйилаётган нур унга туғилажак фарзанди кафтларидек бўлиб туюлади. Шоир бу туйғу суратини бетакрор рамзда ифода этиб, баҳорнинг яна бир фалсафасини кашф этаётир. Мен бу мисрани соф инсоний-миллий туйғу суврати катта истеъдод билан чизилгани учун тилга олдим. Яқинда Миллий академик драма театримиз Дельмарнинг “Ғариблар” спектаклини “Омон бўлгин, азизим” номи билан қайтадан сахналаштирди. Спектаклда ўғил бир нима демоқчи, она унинг қариялар уйдан сизга жой топамиз демоқчи эканини ички бир туйғу билан сезади ва бундан изтироб чекади. Йўқ, қариялар уйига боришдан эмас, фарзанди шундай дейишини истамай қийналади. Чунки у – она! Фарзандни дунёга келтирган, оқ юзиб, оқ тараб вояга етказган. Ундан шафқат тилайди, шафқатсизлик эмас... Қанчалар нозик ҳолат!.. Ўғил эса бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайди ҳатто.

Бугун инсон ҳиссиётлари нақадар саёзлашиб бораётгани ҳар қадамда намоён бўлаётир. “Аргументи и факты” шарҳловчиси Вячеслав Костиков миллатнинг маънавий инқирози, руҳият олами емирилиши ҳақида куйиниб ёзади. Унинг қайд этишича, бугун Россия аҳолисининг етмиш фоизи жамиятдаги маънавий муҳитдан норози. Одамлар жамиятдаги одоб-ахлоқ ва маданият таназзули жиноятчилик урчишига сабаб бўлишидан ташвишга тушмоқда экан. Ҳатто насроний дини руҳияти ҳам эндиликда ҳеч нарсага ярамай қолаётир, деб ёзади у. Бу дин ўз қавмини риёкорликдан, бағритошлиқдан сақлаб қола олмаётир. Кам харажат қилиб, кўп даромад олишга мук кетиш ва мўмай даромад ортидан кувиш инсонларни одамгарчиликдан чиқармоқда. Ва қизиги, бу ҳол ҳамманинг кўз олиндида рўй бермоқда. “Хўш, одамларни, халқни ким бузмоқда?” деб ҳаққоний савол қўяди у. Ҳатто буни аниқлаш учун бир тадқиқот ҳам ўтказибди: журналист талабаларга телевидение каналларида берилётган барча кўрсатувлардаги зўравонлик ва бағритошлик ҳолатларини ҳисобга олиб боришни топширибди. Талабалар юзлаб қотиллик, жангарилик, зўравонлик ва албатта, қон тўкиш ҳолатини қайд этибди. Аммо инсоннинг маънавий тарбиясига таъсир этувчи бирон бир ижобий мисол тилга олинмабди. Бу – жуда хунук манзара!

Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида сайёраимиз аҳолисининг ҳар тўртинчи ё бешинчиси бирон бир руҳий хасталикка чалинган, дейилади. Бу ҳол турмушнинг оғирлиги, турли бўҳрон ва инқирозлар, уй-

жой муаммоси ёки бойлик орттириш ҳою ҳаваси билан эмас, балки телевидение зўравонлик, ваҳшийлик ва қаттолликни узлуксиз тарғиб этиши билан изоҳланади, демоқда мутахассислар. Чунки бу томошабин асабига таъсир этади, руҳий ҳолатини мувозанатдан чиқаради. Айни жараён инсон ва унинг туйғулари экологиясини кескинлаштира керак?

**Олим:** Бир воқеа хотирамга муҳрланиб қолган. Ўтган асрнинг 50-60-йиллари. Мен мактаб ўқувчиси эдим. Эрта баҳор, катталар қатори ер чопиб, ариқ қазиймиз, далага гўнг чиқарамиз. Биласиз, чигит экишдан олдин дала яна шудгор қилиниб, борона ва мола босилади. Бу тупроқда нам сақлаш билан бирга бегона ўтларни йўқотишга ҳам ёрдам беради.

13-14 ёшли ўспиринмиз, мактабдан келишимиз билан бир бурда нонни кўлтиққа уриб, далага чопардик. Шундай кунларнинг бирида, кечаси билан мола миниб чарчаган болалардан бири – менинг ёнимда ўтирадиган Жўравой жойида йўқлигини сезиб қолдим. Одатда биз, чанг-тўзондан қочиб, бош-кўзимизга аёлларнинг оппоқ дока рўмолини ўраб олар эдик, унда ҳеч нарса кўриб бўлмайдди. “Скафандр”ни ечиб қарасам, ёнимда дўстим йўқ. Жон ҳолатда бақириб юбордим. Тракторчига ҳар қанча овоз бермай, у мени эшитмасди. Ахийри, кесак олиб отдим. Қаттиқ силтовдан мола устида ўтирган болалар олдинга – ўт-ўлан, илдииз ва кесакка кўмилиб қолган бороналар устига қулаб тушдик. Кўзлари қонталаш, қорамой ва чангга беланган тракторчи бир қўлида пачоқроқ катта алюмин чойнакни ҳавода силкитганча биз томон ўдагайлаб келди. Мени кўрқув босди. У бизга яқин келди-ю, кесакни ким отди деб бақириб ўрнига, йиқилган жойидан туришга ҳоли келмаётган, тупроққа беланиб ётган болаларга қараб, тош қотиб қолди. Балки шу пайт ўтган йили дала шийпонида бўлган бир гап унинг эсига тушгандир. Ушанда у раисга “Ҳов, раис бува, ахир булар ҳам ўзимизнинг жигарларимиз-ку, буларда нима гуноҳ? Қўйинг-да, уларни. Мактабига борсин, ўқисин, ахир. Ўнтаси ўрнига мана бу битта бетон кундани молага симласак оғирроқ бўлади-ку” деган. Раисимиз Убайд Маҳсум эса унга юзланиб “Ҳов Умарвой, бўтам, менга қара, нима бало бугун пиён-миён эмасмисан?! Сен билган шу гапни мен билмайманми? Биламан, жуда яхши биламан-да! Ахир мен, деҳқон боласи ҳам ўзимизга ўхшаб, бир оз тупроқ чангини ютиб улғайса, оқ билак, такасалтанг бойвачча бўлиб қолмасмиди, ер билан тиллашадиган, меҳнатсевар одамлар бўлармиди, деб шўйтаяпман-ку, жигар. Ўша, сен тарафини олаётган болалардан биттаси ўзимнинг тўнғичим-ку”, деган эди. Раисдан энгилгани эсига тушиб, Умар тракторчи қўлидаги чойнакни улоқтириб юборди. Шахт билан оғир ёғоч молани бир учидан баланд кўтарди-да, бороналар устига суриб ташлади. Мола остида, тупроққа қоришиб ётган бола-кайни даст кўтариб уватга олиб чиқди ва ажриқ устига ётқизди. Жўравойнинг чанг босган лабларини камзули энги билан артиб, ўлкасини тўлдириб нафас олди ва унинг оғзига энгашганча пуфлай бошлади. Бир оз ўтгач, Жўравой ўқчиб-ўқчиб нафас олди, кейин кўзини очиб бизга жовдираб қаради.

Умар тракторчи тупроққа беланиб ўтирган бошқа болаларни ҳам дала четига олиб чиқди. Шундан кейин ҳали ўзи улоқтирган алюмин чойнакни қидира бошлади, топиб, ариқ томон югурди. Сув тўла чойнақдан болаларга юз-қўлларини ювдириб, оғиз-бурунларини фар-ғара қилдирди ва трактор кабинасида осиглиқ халтадан бир оз суви қочган нон олиб келди. Ноннинг чангини тозалади ва белбоғини ёзиб устига ушатди, “Қани олинглар, ўзимизнинг ернинг нони”, деб жилмайди. Ажаб, ўша нон таъми оғзимда қолган, жуда ширин эди.

Умар аканинг ўша оддий, меҳр силққан муомаласидан қаттиқ таъсирланганман. Шу воқеадан бир оз вақт ўтгач, унга шогирд тушиб, мактабни битиргунча тракторда ер ҳайдаганман... Балки шу сабаб халқимизнинг, “Эрларини йўқотган эл ўн йил йиллар, Эрларини йўқотган эл минг йил!”, деган ҳикмати менга бошқача таъсир қилар. Одамзотни боқиб, тўйдириб, кийинтириб келаётган она ерга бўлган муносабатимизни тубдан яхшилашимиз, азалий мувозанатни янада чуқурроқ англаб етиб, бу уйғунликнинг бузилишига йўл қўймаслигимиз лозим.

Эҳтимол, одам боласи туйғулар тарбиясини фақат ирсият механизмлари орқали олмас, ҳаётда кўрган-билганлари, ибрат бўлган одамлар ва таъсир ўтказган бадий асарлар орқали кўпроқ ўзлаштирар. Шу маънода, талабаларнинг телевидение каналлари намойиш этаётган кўрсатувларни таҳлил этиштиру шунга кўра журналист чиқарган хулосада катта ҳақиқат бор. Ўсиб келаётган ёш авлод туйғуларининг экологик мувозанати телевидение ва интернетнинг шарм-ҳаёсиз каналу сайтларига боғлиқ бўлиб қолаётгани, бу жараён назоратдан чиқиб кетгани жуда хатарли, деб ўйлайман.

**Журналист:** 2010 йили Европанинг ўрта кенгликларида ёзнинг одатдагидан анча иссиқ ва қурғоқчил келиши ўрмон ёнғинларига сабаб бўлгани, бутун-бутун қишлоқлар ёниб кули кўкка совурилгани кўпчиликка аён. Россия матбуотида айрим олимлар бу ҳодисани нотабиий жараён деб, яъни уммон ортидаги экстрасенс “илми” билан қуролланган ва уни ўз манфаатига сафарбар этган ҳарбийларнинг иши деб баҳолашди. Агар бу қарашни асосли деб билсак, шўро замонида махсус топшириқ билан валламатлар сунъий зилзила содир этгани ҳақидаги хориж матбуоти даъвосини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Хусусан, “АиФ” Спитак зилзиласи тасодифий эмас, деб ёзган. У ҳолда 1966 йилги Тошкент зилзиласи ҳақида ҳам шундай фикрга бориш мумкин. Бундай офат ва балолар кейинги вақтда жуда кучайди. Турли инқилоблар, террорлар, цунами ва зилзилалар кўз очирмай кўйди. Инсониятни ўз ҳолига қўймай, ўз манфаати мурватига айлантиришга бўлаётган уринишлар, кишилар ички оламига таҳдидлар ҳар қандай цунами ёки “Катрина” тўфонидан кам зиён етказаяётгани йўқ. Инсоният йўқотишлар туфайли хатарли экологик муаммоларни унутиб қўймайдими? Демократия ўрнатиш шиори остида портлаётган замонавий бомбалар, вайрон бўлаётган шаҳар ва қишлоқлар, тўкилаётган қонлар сайёра экологиясига ҳам салбий таъсир кўрсатиши аён. Бундай пайтда Киото Баённомасининг кучи қоладими? Инсоният ўзининг эзгу ниятларига қачон етади?

**Олим:** Бизнинг ҳозирги замон индустриал ёки технократик тараққийимиз (буғук адиб Лев Толстой ибораси) саноатда, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, уй-рўзгор ишлари, қўйинги ҳар соҳада “кимё”лаштиришни ниҳоятда юқори даражага олиб чиқди. АЭСларнинг радиоактив чиқиндилари, қирғин мақсадида яратилаётган “кимёвий”, “биологик” ва “физикавий” қуролларни айтиб ўтирмайлик. Табиатга бундай мутлақо ёт, фан тилида “ксенобиотик” омиллар нафақат инсон саломатлиги ва ирсиятига, балки сайёра-миздаги барча тириклик ирсиятига ҳам ниҳоятда катта хавф солмоқда. Атоқли генетик олим, академик Н.Дубинин айтганидек, бугун сайёрамизнинг энг ноёб тизими – ҳаёт хилма-хиллиги, қолаверса, инсон генофонди – “ҳаёт занжири” олда узилиш хавфи кўндаланг бўлиб турибди.

Палеонтологик йилномаларнинг кўрсатишича, кейинги эллик йил мобайнида Ер юзидаги биологик турларнинг йўқотилиши олдинги асрларга қараганда юз,

хатто минг мартаба тезлашиб кетди. Табиатни асраш халқаро иттифоқи раиси Ж.Мартон-Левевер 2010 йили барча сут эмизувчилар турининг 22 фоизи; сувда ва куруқликда яшовчиларнинг 30 фоизи; қушларнинг 12 фоизи; чучук сувда яшовчи балиқларнинг 37 фоизи; ўсимликларнинг 70 фоизи; умуртқасизларнинг 35 фоизи; кишлоқ хўжалиги учун керакли бўлган ўсимликлар генетик хилма-хиллигининг 75 фоизи мутлақо йўқолиб кетганини маълум қилди.

Одамзот ҳаёти бошқа мавжудотлар билан чамбарчас боғлиқ, улар йўқолса инсоният ҳам яшаб қола олмайди. Биз бу қонуниятни тан олашимиз-йўқми, бу – ҳақиқат. Шунинг учун ҳам БМТ 2010 йилни дунёда биологик хилма-хилликлар йили деб эълон қилди ва ҳаммининг эътибори шунга қаратилди.

Вақт ўтгани сари тўпланиб бораётган янги экологик муаммолар инсоният олдига ўта мураккаб вазифалар қўймоқда. Уларнинг ечимини топиш зарур. Бунинг учун бутунлай янгича ёндашув лозим. Мутахассислар кўп қиррали, фанлараро билимлар мажмуасини, бошқача айтганда, "Барқарор тараққиёт таълими" назариясини пухта эгаллаган ёш авлод вакилларига умид боғламоқда.

Шунинг учун БМТ Бош Ассамблеяси 2005 – 2014 йилгача бўлган даврни "Барқарор тараққиёт таълими" ўн йиллиги деб эълон қилди. Бунга барча давлатлар қўшилди. Мамлакатимизда ҳам бу борада кўламли ишлар олиб борилмоқда. Марказий Осиёда биринчи бўлиб Урганч давлат университети қошида барқарор тараққиёт таълими бўйича ЮНЕСКО кафедраси очилгани бунга бир мисолдир.

Инсоният тамаддуни тараққиётининг технократик йўли бундан буён янги йўналишга бурилмоғи муқаррар. Чунки олдинги даврда ихтирочилар яратган ички ёниш двигателларидан бундан буён углеводород ёнилғилари камайиб кетаётгани, уларни қайта тиклаб бўлмаслиги сабабли секин-аста воз кечилади ва тараққиёт янгича энергия манбаларидан (кўёш, сув ва шамол энергияси) кенг фойдаланиш сари юз буради. Бу жараён аллақачон бошланган.

**Журналист:** Пойтахтнинг Профессорлар даҳасида Билол Аминов деган элшунос олим яшайди. У кишини кўпдан буён танийман. Билол аканинг ҳамма қатори уч-тўрт сўтихли ҳовлиси, икки-учта ўрик ва бир-иккита гилос дарахти бор. Бироқ ҳар йили баҳорда таҳририятимизга ана шу ўригу гилосларидан илинади. Бу одатини қанда қилмайди. Биз хижолат бўлсак, у киши "Бу халқимизнинг азалий одати, шу анъана йўқолиб кетмасин, гўзал одатларимиз сақланиб қолсин", дейди.

Олимхон Шарипов деган дўстимиз Чикагодан хат ёзиб айтадики, тоғалари янги уйга кўчиб келган куни тансиқ таом пишириб, қўшниларига чиқартирибди. Америкаликлар ҳайрон қолиб, "Бу нимаси?" деб сўрашибди. Жавобни эшитгач эса, "Одатларинг-ку яхши экан, фақат илтимос, иккинчи бундай қилманглар", дейишибди. Бу технократик тафаккур ғалаба қилиб, соф инсоний туйғулар завол топаётгани, маънавий экологияси, миллий ўзига хослик мувозанати бузилаётганидан далолат эмасми? Менимча, ҳар бир миллатда эзгу туйғулар, бир-бирига ўхшаш урф-одатлар, фазилатлар бор. Бироқ қайсидир миллат ундан тезроқ, бошқа бири эса шошмасдан воз кечаётир. Бу жараённи таҳлил этсангиз, инсоният ўзининг энг олий туйғуларини гўрга тика бошлаганига ишонч ҳосил қиласиз. Нега шундай бўлмоқда? Эътибор беринг, халқ дostonларида, исломиий ақидаларда инсоний мардлик, тантлики, дўстлик туйғуси бор бўйи билан улуғланган. Лекин туйғулар деградацияси шунга олиб келяптики, айримлар бу фазилатлардан ўз жирканч башарасини ниқоблаш учун фойдаланмоқда. Худбинлиқнинг авж олиши, тоза,

латиф туйғулар ўрнини ёвузлик эгаллаши инсониятни сергак торттириши керак. Абдулла Ориповнинг бундан неча ўн йиллар аввал ёзилган “Кўриқхона” шеърининг асл моҳияти шунда:

*Тўқайга ўт кетса ёнғай бус-бутун,  
Адолат борлиққа ёлғиз онадир.  
Дунё ҳам, инсонлар қалби ҳам бугун  
Ёвузликдан зада кўриқхонадир.*

Японияда бўлган кучли zilзила ҳаммани ҳушёр торттирди. Аммо биз бунинг илдизига етиб боролганимиз йўқ. Табиат бизни сергакликка ундамоқда. Нимага десангиз, шоир айтганидек, сайёрамизнинг ўзи – бутун бошли кўриқхона. Бу планетар кўламда идрок этила бошлади. Ва ниҳоят Германия жаҳонда биринчи бўлиб атом энергиясидан воз кечишга қарор қилди. 2012 йилдан бошлаб ўн икки йил ичида мамлакатдаги барча АЭСлар босқичма-босқич тўхтатиладиган бўлди. Французлар эса АЭСлар туфайли экологик мувозанатни ушлаб турибмиз, дейишмоқда. Қаранг, қанчалик парадокс ҳолатлар. АЭСлардан воз кеча олган инсоният ўзининг туйғуларига, миллий ўзига хослигига дахл этаётган деградациядан ҳам воз кеча оладими?

**Олим:** Чернобиль ва Японияда содир бўлган мудҳиш АЭС фожиасидан тўғри хулоса чиқарган баъзи давлатлар бу йўлдан қайтиб, бошқа энергия манбаларига ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. Буни жуда катта бурилиш десак бўлади. Радиоактив хавфни бошидан кечираётган кишиларни кўриб-билиб турибмиз. Маъмурлар аҳолини нима деб овутса овутаверсин, унинг оқибатларини бартараф этиш инсониятга жуда қимматга тушади. Бундан хулоса чиқариб олиш керак. Умуман, экологик тарбия, табиатга оқилона муносабат ғоят муҳим. Шу жиҳатдан, Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил топган, бугун сафи тобора кенгайиб бораётган Ўзбекистон экологик ҳаракати экологик билимларни кенг тарғиб этиш, экологик маданият даражасини кўтариш сари ташланган катта қадам бўлди. Шу ўринда яна бир фикр айтмоқчиман. Мустақилликка эришилгач, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ядро қуролидан холи ҳудуд бўлсин, деган ташаббусни илгари сурди. Ўзбекистоннинг бу ташаббуси катта минтақада бир овоздан ҳамжиҳатлик билан маъқулланди. “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд” деб эълон қилинди.

Жаҳон миқёсида АЭС масаласига муносабат кейинги бир неча даҳшатли оқибатдан сўнг ўзгарди. Биз табиатни суиистеъмол қилсак, ундан ниманидир юлиб олсак, у ҳам шунга яраша жавоб қайтаради...

**Журналист:** Чорак аср муқаддам атоқли рус шоири Андрей Вознесенский “Литгазета”да Лев Толстойнинг буюк дарёси “телевидение” ва “кино” деб аталмиш янги санъат турлари исканжасида бўғилиб, саёзлашиб бормоқда, одамлар Толстойни ўқимай кўяётди, тамаддон инсонни ёлғизлатиб қўймоқда, бунинг оқибати эса хатарлидир, деб ёзган эди.

**Олим:** Табиатда рўй бераётган ўзгаришлар билан жамият ўртасида, унинг энг муҳим қисми бўлган инсон ва унинг онги, қалби, руҳияти ўртасида қандайдир боғлиқлик борми ёки йўқми? Бу саволга жавоб асносида япон адиби, Нобель мукофоти лауреати Ясунари Кавабатанинг бир ҳикояси ёдимга тушади. Асарда инсон, табиат ва жамият ўртасидаги чуқур, нозик боғлиқлик маҳорат билан

кўрсатилган. Воқеа Японияда, шаҳарда, суд залида бўлади. Зал – тирбанд, диққинафас. Бутун мамлакат аҳолисини ларзага солган, бир неча ота-она ва болаларни қийнаб ўлдирган ваҳший устидан суд ҳукми ўқилмоқда. Судья қотилга олий жазо берилганини маълум қилади. Шу пайт залга эгни увада, жулдур; ирkit сочлари тўзгиган телбанамо бир аёл отилиб киради. У тарашадай қўлларини залда ўтирганларга, кейин ҳайъат томон чўзиб “Жаноб судья! – дея илтижо қилади. – Менга раҳм қилинг, илтимос, менга ҳам ўлим жазоси беринг! Сиздан ўтиниб сўрайман!” Ҳеч кутилмаган ва соғлом мантиққа зид бу муурожаатдан судья ҳам, залда ўтирганлар ҳам ҳайратда қолади. Судья бир оз ўзини қўлга олгач, аёлнинг бу илтимосини бажара олмаслигини айтади. Японияда қонунлар фақат жиноят содир этган кишини жазолаш учун қўлланади, дейди у. Аёл “Ахир шу жиноятчини дунёга келтирган мен-ку! – дейди. – Шунинг учун у қилган жиноятларга тенг шерикман!”

Судья унга қонуний жавоб қайтаради: “Тергов ҳужжатларида кўрсатилишича, у жиноят содир этган жойда сиз бўлмагансиз...” Шунда аёл залга ўгириладию кўйлагини чок ёқасидан шартта йиртади. Қон тусдаги қорамтир сийнасини одамларга кўрсатиб “Мен ҳам бир вақтлар, сиз нозанин хонимлар, барча бахтиёр кишилардек, турмуш қуриб фарзанд кўриш бахтига муяссар бўлганман, – дейди. – Менинг суюкли эрим темир йўл ишчиси эди. Фалакнинг ишини қарангки, ўша кеча мен тўлғоқ азобида қийналиб ётган маҳал фалокат рўй берган. Қоронғида эримни кўрмай қолган машинист тепловозда уни нақд иккига бўлаклаб кетган. Бу даҳшатни эшитиб мен ҳушдан кетдим. Ўзимга келгач, не кўз билан кўрайки, қонга беланган чақалоқ оёғим учида ётибди. Бир амаллаб уни ювинтирдим, ўраб-чирмаб, тирик қолсин, деб эмиза бошладим. Шунда у нозик лабчалари билан сийнамага ёпишган, мен биринчи бор оналик бахтини ҳис этганман. Аммо кўкрагимни қоплаб турган мана шу дағал қора туклар ва улар тағидаги қизил қондек туғма нор у кўз очиб кўрган дунёнинг илк ранглари бўлган. Ҳар гал эмизганида унинг нозик лаблари кўкрагимдаги шу ўткир туклардан озор чеккан, у ютган ҳар қултум сутга қон таъми аралашган бўлган. Ўша кунлар ижарада яшаётган уйимиздан ҳайдаб чиқаришган. Киссамда ҳеч вақо бўлмагани учун шаҳар четидаги тўкиндилар ташландигига қандай бориб қолганимни ўзим билмайман.

Мен боламини ўша уюм-уюм чиқинди ва ахлатлар орасидан бирор егулик қидириб топиб едириб-ичирганман, кийинтириб улгайтирганман. Уни ўқитиб, саводини чиқариш учун мактабга бера олмаганман... У кўрган илк ранг мовий эмас, қондек қизил бўлса, ахлатхонада улғайган, мактаб кўрмаган бола қалбида қердан раҳмдиллик, ҳиммат ва олижаноблик пайдо бўлсин?! У қандай қилиб қонхўр ва жаллод бўлмасин?!”

Бундан инсон маънавияти технократик тараққиёт таъсиридагина саёзлашиб бормаяптими, деган маънавий муаммо келиб чиқяпти. Наҳот, ўша поезд аёлнинг таянч тоғини эмас, одамзод туйғуларини ҳам икки бўлакка бўлиб ташлаган бўлса! Ўйлайманки, Ясунари Кавабата қўяётган бу саволга жавоб излашимиз керак.

Машхур олим, ядро физикаси ва нисбийлик назарияси асосчиси Альберт Эйнштейн “Сиз табиатга чуқурроқ назар солинг, шунда ҳамма нарса ни тушуниб етасиз”, деган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Қаранг, бир авлод кўз ўнгиде қуриб, гигант тузлик маконига айланган Орол денгизи ҳақида айтилмаган гап қолмади. Аммо табиатга нисбатан йўл қўйилган машъум хатони, минг афсуски, тузатишнинг иложи бўлмаяпти.

**Журналист:** Кўплаб олимлар, иқтисодчи ва эколог мутахассислар Оролбўйи аҳолиси эндиликда кўп сув талаб этадиган анъанавий зироатчилик тарзини бир оз ўзгартириши, бинобарин, пахта, ғалла, шоли, балиқчилик билан бирга уларга тенг ва улардан ҳам ортиқроқ даромад берадиган соҳаларни ўзлаштириши зарур, деган фикрни илгари сурмоқда. Хусусан, ЮНЕСКОнинг “Мир науки” журнали сиз олиб бораётган тадқиқотлар, жумладан, индиго ҳақида тўхталиб, самовий ранг берадиган индигофера ўсимлиги бу борадаги муаммоларни ҳал этишда қўл келиши мумкин, деб ёзади.

**Олим:** Кўпчилигимиз дастлаб жинси шим харид қилганда индиго билан тўқнаш келганмиз. У энг қадимий ранглардан биридир. Тўрт минг йил илгари қадимги Мисрда, фиръавн Тутанхамон даврида индигофера баргидан ранг олиб, мато кўк рангга бўялган. Ҳозирги даврда табиий ранг бериш усули жанубий Ҳиндистонда қўлланилади, холос. Бошқа жойларда амалда кимёвий синтез қилинган буёқ билан ранг берилади.

Агар ЮНЕСКОнинг Индиго лойиҳаси рисоладагидек амалга ошса, Орол денгизи минтақасида ҳам индигофера ўсимлигини етиштириш имконияти туғилади. Яқин-яқингача индигофера тинкториа ўсимлигини Оролбўйида етиштириш масаласига одамлар жиддий қараган эмас. Нимага уни ўстириш учун бу минтақа танланди? Нафақат ўсимлик ва ҳайвонот оламига, балки одамларга ҳам зарарли бўлган шўр босган далада уни ўстиришга не ҳолат?

Европа космик агентлиги сунъий йўлдошлари олган суратларга қараганда, Орол денгизининг Ўзбекистон қисмидаги ҳудуди уч йил мобайнида саксон фоизга қисқарган. 2020 йилга бориб денгизнинг жанубий қисми бутунлай йўқолиб кетиши мумкин. Бу вазиятга қарши саъй-ҳаракатлар бошланмоқда, яъни ҳалокат келтирувчи туз шамолига қарши шўрга чидамли ўсимлик ва дарахтлар экиш урф бўлаётир. Ҳар йили кучли шамол денгиз ҳудудидан 150 минг тоннага яқин туз чангини кўтариб, бир неча юзлаб километр кенгликка ёяди. Бу эса, ўз навбатида, шу минтақада яшаётган аҳоли, умуман, тирик жонзот учун хавфли бўлиб, минтақада қишнинг одатдагидан совуқ ва ёзнинг иссиқ бўлишига олиб келаётир.



Марказий Осиёда индиго ўсимлиги саноат мақсадида етиштирилгани ҳақида маълумот деярли учрамайди. 2005 йилдан бошлаб ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳимийлигида индиго лойиҳаси йўлга қўйилди. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятлари асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Минтақадаги ноқулай экотизим ва сув танқислигига қарамай, фермерларнинг яшаш тарзи пахта ва шולי билан боғлиқ. Олимларнинг фикрича, фермерларга яхшироқ шароит яратиш учун пахтадан ташқари муқобил экинлар етиштириш ва бунда инновацион технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Индигофера тинктория ўсимлиги бу борада қўл келади. Индигофера ва бошқа ўсимликларни ўстириш бўйича ЮНЕСКО гуруҳи фикрича, индиго нафақат минтақа иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади, балки шўрланган ерларни қайта тиклайди ҳам. Индигофера – фойдаланиш кўламига кўра, кўп қиррали ўсимлик. Баргидан ранг олингандан кейин унинг қолдиқлари ва илдизлари сабзавот етиштиришда, узумзор ёки мевазорда азотга жуда бой “яшил ўғит” сифатида ишлатилиши мумкин.



*Индиго пайкаллари*

Маҳаллий хунармандлар ва тўқимачилик саноатимиз ҳам бундан катта фойда кўради. Ташландиқ бўлиб ётган шўр ерларда ғўза, шולי қатори бошқа даромад келтирадиган муқобил экинлар, масалан, доривор ёки табиий ранг берувчи ўсимликлар, оқ жўхори, мевали ва ўрмонбоп дарахтлар экиб, катта иқтисодий фойда кўриш, аҳолини иш билан таъминлаш, сайёҳликни ривожлантириш мумкин. Шунинг учун бу лойиҳа Орол бўйида кучайиб бораётган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисобланмоқда.

**Журналист:** Демак, экологик муаммоларни ўз вақтида ҳал этиб бориш, нафақат соғлом турмуш тарзи ва фаровон яшаш учун имконият яратади, айна чоқда, одамларнинг руҳиятини бойитади, ички олами деградацияга учрашининг олдини олади. Бинобарин, суҳбатимиз бошида тилга олинганидек, гўзал сайёрамиз ўз жозибасини йўқотиши, тириклик учун яроқсиз бўлиб қолиши хавфини ҳам бартараф этади.

Эндиликда зилзилалар, тўфону қасирғалар АЭСларнинг фойда-зиёни ҳақида янгича муносабатини вужудга келтирганига ҳаммамиз гувоҳимиз. Модомики шундай экан, иддаоларини демократия ниқоби орқали тикиштиришга устаси фаранг бўлиб кетган, қиргин қуроллари сотиб бойишдан ор қилмаётган руҳий хаста кимсалар қўлида неча юзлаб одамлар ҳаёти барбод бўлаётгани, инсониятнинг аждодлардан мерос олий туйғулари саёзланиб, унутилиб, йўқолиб бораётгани бизни ҳам ташвишлантириши зарур.

Умид шулки, бу жараёни тўхтатиш, шубҳасиз, яхши ниятли одамларнинг қўлидан келади.

Маҳмуджон ҲОЖИМИРЗАЕВ



# YETUK JAMIYAT BUNYODKORI

Инсон ижтимоий жараёнларнинг фаол субъекти ва объекти сифатида, бошқа мавжудотлардан фарқли ўлароқ, ўзини ўзи яратади, ўзининг кимлигию нималарга қодирлигини англайди. Ўз қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш орқали шахс даражасига кўтарилади.

Жамият тараққиётининг илк босқичларида ўзликни англаш туйғуси ибтидоий бўлган. Уша даврларда инсон ўзини қуршаб турган муҳит ва теварақдаги кишилар билан чамбарчас боғлиқ эканини тушунган, холос. Яъни, у шахс эмас, шу бирликнинг ажралмас қисмигина эди.

Ўрта асрлар сўнгида бозор муносабатларининг ривожланиши рақобат ва ташаббускорлик руҳини кучайтирди. Инсон ҳаётининг барча жабҳаларида мустақиллик, эгаменлик, ўзликни англаш, қадр-қимматини билиш, иқтисодий-сиёсий манфаатларини ҳимоя қилишга интилиш кучайди.

Олмон файласуфи Л.Фейербахнинг антропологияси ва бошқа мутафаккирларнинг айна йўналишдаги таълимотларида инсон манфаатини биринчи ўринга қўйиш, ҳар жиҳатдан идеал шахсни камол топтириш ғоялари олға сурилди.

Бошқа бир олмон файласуфи К.Маркснинг фикрича, дунё “ташқи” нарса-ашёларнинг шунчаки йиғиндисидан эндиликда кишилар дунёсига айланди. Инсоннинг ўзи эса, Арасту айтганидек, ижтимоий маъно ва аҳамият касб этди. Шахснинг шаклланиши ва камолга етишидаги ҳал қилувчи омил ўзаро муносабатдаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва инсон фаолияти экани исботланди. Инсон илгариги яқкаҳол, ожиз, мавҳум индивиддан муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф, жамият таркибида тарих ижодкори – шахс даражасига кўтарилди.

Инсон ва жамият муносабатлари диалектикаси масаласига мавжуд фалсафий

таълимотлар ва ижтимоий-сиёсий амалиётда турлича ёндашилган. Баъзи муаллифлар бу борада ҳал қилувчи субстанция ва зифасини инсон бажаради деб баҳоласа, бошқалари жамият ролини бўрттириб кўрсатишга уринади. Шахс ва жамият муносабатлари занжир ҳалқаларининг яхлит тизими кабидир. Уларни алоҳида ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Жамият – кенг маънода шахс, шахс эса жамиятнинг хусусий, аммо умумлашган кўринишидир. Жамият қандай бўлса, шахс ҳам шундай, шахс қандай бўлса, жамият ҳам худди шундай. Жамият бу – кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорликдаги фаолиятлари жаммуидир (*Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. Т., 2002, 543-бет*). Шундай экан, айна соҳадаги баҳс-мунозаралар инсоният тақдирини белгилувчи муносабатларнинг ривожланиш қонуниятлари, асосий тенденция ва муаммоли жиҳатлари, уларни ечиш йўлларини илмий асослаб беришга қаратилиши лозим. Ҳар қандай давлатнинг тараққиёт йўли, ҳеч бир истисносиз, халқ тақдири, унинг маълум тарихий босқичда ўзини қандай намоён этиши, энг муҳими эса, шахс ва жамият муносабатларининг етуклик даражаси билан белгиланади. Ривожланган демократик давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, шахснинг жамиятда ўзига мос ўрин ва мақомга эга бўлиши учун етарли шарт-шароит яратилган тақдирдагина у ўзини жамият билан ҳамкор, ҳамнафас, унда кечаётган барча жараён ва ҳодисаларга дахлдору масъул деб ҳис этади, бор истеъдод ва имкониятини рўёбга чиқаришга интилади.

### Демократия ва эркинлик

Демократия биринчи навбатда шахс эркини кафолатлайди. Бу эркинлик шахс дахлсизлиги, кадр-қиммати, этикод, сўз ва ижод эркинлиги, хусусий мулкка эгалик каби муҳим ҳақ-ҳуқуқларни қамраб олади. Эркинлик мавҳум тушунча эмас, унинг субъекти ҳамма вақт аниқ бир шахс, ижтимоий бирлиқдир. Агар қонун йўли билан

кафолатланган эркинлик бўлмаса, инсон ҳеч қачон шахс даражасига кўтарила олмайд, шунчаки биологик мавжудот бўлиб қолаверади, холос.

Эркинлик шахснинг мустақил мулоҳаза юритиши, фикрини очиқ-ошкор билдириши, шахсий имкониятларини рўёбга чиқаришида намоён бўлади.

Шахс эркинлиги, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилувчи энг муҳим мезон бу – фуқароларнинг давлат ва ҳокимият билан ўзаро боғлиқлиги, уларнинг давлат ҳамда жамиятни бошқаришда фаол иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитдир. Демократик жамиятда ҳокимият бир киши ёки ижтимоий гуруҳ, синф кўлида жамланиб қолмайди. Унга аҳолининг барча қатламлари дахлдор. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида белгилаб қўйилганидек, “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”.



### Демократия ва раҳбар

Фуқаро – ҳокимият – давлат муносабатлари самарадорлиги бошқарувнинг барча бўғинларида раҳбар ходимларнинг оммага яқинлиги, халқнинг муаммоларидан хабардорлиги, берган ваъдаси, айтган сўзининг устидан чиқа олиши, ҳалол-поклиги ва ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ.

Абу Наср Форобий инсон ва жамият муносабатларига алоҳида урғу бериб, маданий жамият одамлари “чин маъноси билан озод бўладилар... Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлақ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб,

раҳбарликка лойиқ кишилар бўлади... Бундай раҳбарлар ҳаммага баробар муносабатда бўлади, ҳатто ҳамманинг манфаатини ўзининг манфаатидан ортиқ кўради, умум манфаати учун шахсий манфаатларидан воз кечади, халқ манфаати учун ўзларидаги куч-ғайрат ва бойликларни аямайди”, деб таъкидлаган эди (*Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., “Халқ мероси”, 1993, 190-бет*).

Асрлар ўтган бўлса-да, Шарқнинг “муаллими сонийси” раҳбарларга қўйган бу талаблар долзарблигини йўқотгани йўқ. Мансаб эгаларини ҳурматлаш, уларга итоат қилиш халқимизга хос хусусият. Раҳбар ҳодимлар, айниқса, юқори лавозим эгалари билан учрашиш, мулоқотда бўлиш оддий халқ учун унутилмас воқеага айланиб кетади. Бу кўпчилиكنинг кўнглини кўтаради, илҳомлантиради, ўша раҳбарга, у орқали давлатга бўлган ишонч ва умидини мустаҳкамлайди.

Истиқлол даврида дунёқараши кенг, билимдон, виждонли, жамият манфаати учун жонкуяр раҳбар кадрларга эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Президент Ислом Каримов қайд этганидек, “Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намён бўлади... Раҳбар киши эл-юртнинг ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди деб билиши керак” (*Ислом Каримов. Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндириб яшаши керак. “Халқ сўзи”, 2002 йил 22 февраль*).

### **Демократия ва қонун устуворлиги**

Бир киши Пифагорнинг шогирди Ксенофилдан “Нима қилсам ўғлимни яхши тарбиялаган бўламан?” деб сўраганда, “Ўғлингни қонун устувор мамлакатда дунёга келтир”, деган экан. Дарҳақиқат, қонун – адолат мезонидир. Қонун олдида шоху гадо

тенг. Кўплаб ривожланган мамлакатларда ана шу одил тамойил асосида амалга оширилаётган ва барча учун ўрнатилган доза бўла оладиган бошқарув амалиёти қарор топмоқда. Шу ўринда ўқувчи диққатини ҳаётий бир воқеага жалб қилишни лозим топдик. 2001-2003 йиллари Германия Федератив Республикаси канцлери Г.Шрёдернинг укаси, компьютер дастурчиси Лотар ишсизликдан қийналиб қорувул, сантехник, ҳаттоки қайиқ ҳайдовчиси бўлиб ишга ёлланган экан. Бироқ у ана шу иш ўринларини ҳам ўзидан ёшироқ талабгорларга бўшатиб беришга мажбур бўлган. Лотар янги ишга жойлашиш илнжиди йнгирмадан ортиқ ташкилот ва муассасага мурожаат этган. Лекин бирортасидан ижобий жавоб ололмаган. Канцлернинг яқин қариндошлари – молиячи Зигел, таржимон Ренаталар ҳам ишсизликдан қийин аҳволга тушган. Гарчи булардан хабардор бўлса-да, Г.Шрёдер қонунни ҳурмат қилгани боис уларга ёрдам бермаган.

Инсон ҳуқуқлари, давлат бошқаруви ва жамиятни демократлаштириш масаласи 2000 йил 20 сентябрида бўлиб ўтган БМТнинг минг йилликка бағишланган саммитида энг долзарб масала сифатида эътироф этилди. Шунга қарамай, баъзи нодемократик хорижий мамлакатларда фуқароларга босим ўтказиш, зўрлик ишлатиш, инсон эркинлиги ва қадр-қимматини оёқости қилиш ҳоллари учраб турибди. Бу мамлакатларда шахс эркинлиги ёхуд барча учун тенг шароит ва имконият яратиш ҳақида сўз борса, ҳамма нарсага бирдан етишиб бўлмайди, бир нимага эришиш учун иккинчисини тезлаштирмаслик керак қабилда сиёсат юритилмоқда. Аслида эса бу ўша тузумлардаги мавжуд ҳолатни сақлаб қолиш, ҳокимият соҳибларининг умри-мавқеини узайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳийла-найранглардир. Америкалик олим Б.Данэм таъкидлаганидек, улар учун эркинлик ва хавфсизлик бир вақтда таъминланиши керак. Кенг халқ оммаси учун эса буларнинг

бир вақтда таъминланиши шарт эмас (*Данэм Б. Человек против мифов. М., 1966, стр.275-276*). Бундай ҳолларда фуқаро давлат ва ҳокимиятдан узоқлашади. Эркинликка интилиш эмас, ундан қочиш тамоили ҳаракатга келади. Шахс – жамият муносабатларида бепарқлик, лоқайдлик, “кичик одам” руҳияти кучайиб, бир қолипда фикрловчи, стандартлашган фаолият, хатти-ҳаракат қарор топади.

Битилмаган ҳақиқат шуки, вазият одамларни қанчалик ўзгартирса, одамлар ҳам уни шунчалик ўзгартиришга қодир. Дунёдаги кўплаб муаммолар ўз ечимини топмаётганининг асосий сабабларидан бири бу – одамлар бир-бирини тушунмаслиги, талаб ва эътирозларни қонуний йўл билан ҳимоя қила олмаслигидир.

### Демократия ва нодавлат ташкилотлар

Инсон демократ, ташкилотчи бўлиб дунёга келмайди. У узлуксиз тарбия, серқирра билим ва ҳаётий тажриба натижасида бунга эришади. Юксак тараққий этган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида конструктив мулоқотни шакллантириш, жамият аъзоларининг сиёсий-ижтимоий фаоллигини ошириш каби вазифаларни, биринчи галда, давлат ҳокимияти ҳамда фуқароларнинг ўзлари ташкил этган, уларнинг сиёсий-иқтисодий, маданий ва бошқа манфаатларига хизмат қиладиган жамоат ташкилотлари – сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, маҳалла ва бошқа турли хилдаги нодавлат, нотижорат ташкилотлар амалга оширади. Президент Ислом Каримов таъкидлаб айтганидек, мамлакатимизда “Фуқаролик институтлари – нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳозирги кунда демократик кадрятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий

фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда”.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаоллигини оширишдан кўзланган асосий мақсад шуки, ўтиш даврида давлат бош ислохотчи сифатида барча соҳаларни бошқарса, фуқаролик жамиятига яқинлашган сари унинг тасарруфида мудофаа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, пул-молия, солиқ тизимини шакллантириш каби умуммиллий манфаатларга дахлдор соҳалар қолади, холос (*Ислом Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995, 15-бет*). Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа жабҳаларни идора этиш эса бевосита фуқароларнинг ўзлари ва улар уюшган нодавлат нотижорат ташкилотлар тасарруфига ўтади, яъни бизнинг бош стратегик мақсадимиз – ўз-ўзини бошқариш тамойили амалга ошади. Бу мақсадга эришмоқ учун нодавлат нотижорат ташкилотлар сон ва сифат жиҳатдан янада ўсиши, фаоллигини ошириши талаб этилади. Масаланинг диққатга сазовор жиҳати шуки, бугунги кунда мамлакатимизда 5 минг 100дан зиёдроқ ана шундай ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 2,5 баробар ортган. Бироқ ривожланган мамлакатларда бир миллион кишига 15-20 минг ана шундай ташкилот тўғри келаётгани назарда тутилса, бу кўрсаткич ҳали айтарли юқори эмас.

Фуқаролар учун демократия мактабини ўтайдиган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг оммавийлиги масаласи устида ҳам бош қотиришга тўғри келади. Кундалик тажриба, илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳолининг аксарият қисми сиёсий партия, касаба уюшмалари, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармаси, хотин-қизлар кўмиталарини ҳисобга олмаганда, бошқа бу каби тузилмалар фаолиятдан дуруст хабардор эмас.

## Демократия йўлидаги тўсиқлар

Инсон жамиятдаги ижтимоий тузум, муҳит, миллий хусусиятлар таъсирида фаолият кўрсатади, "мен"лигини намоён қилади.

Уч минг йиллик давлатчилик тарихига, бой маданий-маънавий меросга эга зийрак, тадбиркор, вазмин халқимиз кўп ишга қодир. Лекин баъзи бир жиҳатлар тараққиёт суръатлари, жамият ва шахс муносабатлари ривожига халал бермоқда. Бугунги шароитда баъзилар ўзининг мустақил фикри, ҳаётий позициясини шакллантириш, ўз дунёсини ўзи яратиш ва равнақ топтириш учун жон куйдириш ўрнига авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган тайёр "омма фикри" билан яшаш, фаолият юритишни, унга мослашиб олишни афзал кўраётир. Бу осон ва қулай йўл: ҳеч ким сенга ола қарамайди, қўлини бигиз қилиб кўрсатмайди. Лекин демократик жамият учун бу хатарли иллат.

Жамиятни демократлаштиришга жиддий ғов бўлиб турган яна бир иллат – баъзиларнинг алмисокдан қолган "давлатнинг, Худонинг ишига аралашма" тамойилига амал қилиши, кўр-кўрона итоаткорлик, бефарқликка берилишидир. Неча минг йиллар аввал тўқиб чиқарилган ва ўша даврларнинг юқори табақаси манфаатларига хизмат қилган бу тамойил айрим одамларнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзига ўрнашиб қолган, аммо Яратганнинг каломиди "Аниққи, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас" (*Қуръони карим. Раъд сураси, 11-оят. Т., "Чўлпон", 1992, 213-бет*), деб битилган муқаддас қондани улар гоҳо унутиб қўяди.

Кўҳна тарих гувоҳлик беришича, оқибат сабабсиз вужудга келмайди. Жамиятнинг демократик бошқарув шакли қарор топгунича давлатнинг ишига аралашганлар Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам кўпинча жазога тортилган. Қаттол замонларда боя тилга олинган хулқатвор ва эҳтиёткорлик жон сақлаш гарови, кафолати бўлиб хизмат қилган.

Демократия фақатгина таълимот, дунёқараш эмас, балки заруратдир. Демократияни ҳатто эътиқод дейиш мумкин. Эътиқод эса анланган саъй-ҳаракат, фаолиятга айланмаса, одамлар ҳақиқий озодлик, эркинлик, фаровонликка эриша олмайди. Инглиз тарихчиси А.Тойнби кўрсатиб ўтганидек, Ер юзида ҳаммаси бўлиб ўттиз битта цивилизация яратилган ва улардан йигирматаси турли сабаблар билан ҳалокатга учраган. Тарихчиларнинг хулосасига кўра, айна таназуллар сабаби ҳақиқий демократик бошқарув ўрнатилмагани ёки унинг секин-аста сўниб борганидадир. (*К открытому гражданскому обществу. "Литературная газета". 26 сентября 1990 г.*) Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг "Ҳар бир киши ўзини ўз мамлакатининг ҳақиқий фуқароси деб ҳис этиши, ўзига берилган ҳуқуқ ва эркинликларни тушуниб етиши ва қадрлаши, оғир меҳнатда, зўр курашда кўлга киритилган демократик қадриятларни эъзозлаши ва ҳимоя қилиши лозим... Демократия жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётининг узвий бир қисмига айланган тақдирдагина демократия ҳисобланади. Фарзандларимизни болалиқдан оқ айна шу руҳда тарбиялаб бориш зарур", деган сўзлари замирида теран маъно бор (*Ислом Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., "Ўзбекистон", 1996, 39-бет*).

Маълумки, гўдакнинг табиий шароитларга мослашуви, ҳайвонот оламидан фарқли ўлароқ, тугма ҳис-туйғу – инстинкт асосида эмас, балки кундалик тарбия жараёнида шаклланади, ривожланади. Бу даврда ота-она чакалоқнинг бутун борлиғини, унинг келажагини, ким, қандай инсон бўлишини белгиловчи муҳим тарбия, ибрат манбаи бўлиб хизмат қилади. Юнон файласуфи Демокрит таъбири билан айтганда, кишининг инсоний камолоти унинг табиати ёки ижтимоий келиб чиқишига эмас, тарбиясига боғлиқ. Таълим ва машқлар одамни ўзгартириб, унга янги

табиат бахш этади (Асмус В.Ф. *Античная философия*. М., 1976, стр.171).

Шундай экан, аввало, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи лозим. Агар биз ўзимизни тарбияламай туриб, фарзандимиз ёки бошқа болаларни тарбиялашга киришадиган бўлсак, бу ўта чигал ва машаққатли вазифага айланиб қолади. Энг муҳими – тарбия жараёнида ёшлардаги эркинлик, қизиқувчанлик, ташаббускорликни ривожлантириш лозим. Бинобарин, мутелликка қаратилган эски қолип-андозалар – “уни қил, буни қилма”, “ўзингдан битта кўйлакни ортиқ кийган кишига қулоқ сол”, “каттага гап қайтарма, доим хўп де”, “пешонага нимаики битилган бўлса ўша бўлади” қабилидаги ўғит, панду насихатлардан воз кечиш керак. Зеро, миллийлик – салбий кўникмаларни кўр-кўрона давом эттириш эмас, ҳаёт синовидан ўтган ижобий тажрибалардан унумли фойдаланиш, тараққиёт ва эзгуликка интилишдир.

Сукротнинг буюк Сукрот бўлиб вояга етишида алоҳида аҳамият касб этган омиллардан бири унинг эркин фуқаро бўлиб тарбия толганидир. Плутархнинг гувоҳлик беришича, файласуфнинг отаси Софроникс қатъиятлиликл билан, бола нимани хоҳласа шуни қилсин, уни ортиқча мажбурла-маслик керак, дуо қилиб турилса бас, бошқа ҳолларда

ўзига кўйиб бериш лозим, деган экан (Плутарх. *Сочинения*. М., “Художественная литература”, 1983, стр.523).


\*\*\*

Бугун Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичра тенг мақомга, обрў-эътиборга эришди. Агар жамиятимиз аъзолари ўзлигини англаб, куч ва имкониятларини тўлиқ ишга солган ҳолда мамлакатимизда кечаётган яратувчанлик ишларининг чинакам ташаббускори, бевосита иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатса, ривожланган давлатлар, халқлар даражасига етишимиз, улardan-да ўзиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

Инсоннинг жамиятдаги асосий вазифаси ўзи орқали жамиятни такомиллаштиришдан иборатдир.



Иқбол ҚЎШШАЕВА



# DARVOZASIZ QOLGAN DUNYO

"Ички дунё", "руҳий олам", "руҳият манзаралари", "кўнгил мулки" каби ибораларга бугун бот-бот мурожаат қилинадиган бўлган. Гўёки шу сўзлар ишлатилмаса, оғзаки нутқимиз ҳам, ёзма нутқимиз ҳам рангсиз, жонсиз, "ўзига хос" чиқмаётгандек туюлаверади.

Хўш, нима у ўзи "ички дунё" дегани?

Келинг, яхшиси "руҳият минтақалари" бўйлаб бир сайр қилайлик-чи, нималарни учратарканмиз: "Кўнглимда бир хо-

шиш уйғонган... У кишига ёққим келяпти. Майли, оҳанжама қилиб бўлса-да... Қурубгина кетгур Лаълихонниқидақа сузук, хумор кўзларим бўлмаса мени. Жоним ҳиқилдоғимга келади. Нима қилай? Хонимга "табассум" улашишга ўзимда куч топаман. Барибир бўлмайди. Ахир, нега унинг мавқеи меникидан балеанд?.."; "...Ростданми? Шундай деган бўлса, жуда соз-да! Буни тезда хўжайинга етказиш керак. Қабулларига кириш учун зўр баҳона, куннинг янгилиги бу!";

"Айтаман-ку, мени хафа қилганнинг ҳолига вой, деб. Кеча Тўтинисо дилимни ёмон оғритган эди, мана бугун қўли синиб ётибди"; "Хаёл суришу хаёлпарастларга сира тоқатим йўқ. Қаерда яшайди булар ўзи, ҳеч ўйлаб кўрармикан? ...Эй биродар, сен ерда яшайсан! Одамга ўхшаб бир қара, биз – кўпчиликмиз... Кўзимиз кўриб, қўлимиз билан ушлаган нарсагагина ишонамиз, озғимизга олиб, чайнаган луқманнинггина мазасини сезамиз... Қулоқлар эса фақат... "чапак"ларни эшитади"; "Худога шуқр, лўлининг аравасига чиқсам-чиқмасам, унинг ашуласини айтавераман, бу борада Худо мени иқтидордан қисмаган... Ҳа, бу, Чаманхон ўн кун концерт берибдимиз? Унда, мен ўн тўрт кун концерт берганим бўлсин... Ахир рейтингни ушлаб туриш керак! Биламан, залнинг ярмидан кўпи хотин-халаж бўлади. Кеча шоирим Севдиёр билан гаплашган эдим, "Онажоним тово-ни..." деган айнан менбоп шёвр ёзаётган экан... Аммо-лекин шоир болача топибди! Бу она ҳақидаги тўққизинчи кўшигим бўлади. Матбуот котибам Баҳорага ҳам айтиб қўйишим керак, концертолди интервьюни "Она ҳақида ҳар қанча куйласанг оз..." деган сарлавҳада чиқарса дуруст, олдингисини "Машҳурликдан чарчадим..." деб номлаган эди. Концертларимни ўтказиб олай, яна битта суҳбат-мақола уюштирамиз: "Ноҳақликка чидай олмайман!" Қалай зўр-а?! Айрим ғаламисларни бир боппайин!"; "Съёмка майдончасида шундай қизиқ воқеалар бўлдики, ҳатто, оператор камерани кўтарганча актёрлар билан бирга югурди... унинг ортидан эса итлар..."; "Режиссёр учта ка-атта янгилликка журъат этган: биринчиси – фалончибек билан фалончихон жуфтлиги, иккинчиси – қахрамонлар адабий тилда гапирадилар, учинчиси – бош қахрамоннинг касби журналист"; "Кино жуда ҳаётий чиққан, ишонасизми, унда ўзимни кўрдим. Онагинам мени ҳам "орқачам"дан худди шундай шапатилардилар"; "Мақтанчоқлик,

манманликни ёқтирмайман. Бизга устозларимиз актёр камтар бўлиши керак, деб таъкидларди. Қаранг, қанчалар доно бўлган улар! Етказганига шуқр, уларнинг ўғитларига



қулоқ тутиб кам бўлмадим. Қаерга борсам, меҳмондўст халқим қўлини кўксига қўйиб кутиб олади. Шахсан мени театрга Шуқур аканинг ўзлари олиб келганлар, мен ижро этган ролларни фақат сен ўйнай оласан, ўзинг ҳам Улуғбекка ўхшаб кетасан, деб..."

"Рухий олам"нинг қўлга илинадиган борйўқ бисоти шу! Яна шоир Эшқобил Шуқур "Санъат, санъаткорлар, хуллас, ижодкорлар ҳақида ёзилаётган мақолаларда қалб тадқиқи етишмайди, руҳияти очиб берилмайди", деб ранжийди. Кечирасиз-у, бор нарсга тадқиқ қилинади-да, ўзи умуман йўқ, бўлмаган нарсани очиб беролмайсиз-ку! Ёки "зиёлилар нашри" деб аталадиган газетада "журналистлар "хонанда компьютерда ўйин ўйнаб ўтирган экан", демасдан, у китоб мутолааси билан банд экан, деб ёзса бўлади-ку, яхшилик йўлида, керак бўлса, ёлғон ишлатишнинг айби йўқ"(?), деб ўзини фош этган "эл ардоғидаги" Халқ артистининг ўғитига қулоқ солиш керакми? Эҳтимол, хониши билан тўйларга "файз" киритиб қиздирар, "кўнгил самосида наволар қилиб" ашъор битар ёки маржон-маржон кўзёшлари билан чиройли юзини юва оладиган, она ҳақида монолог ўқиса, томошабинни йиғлатмагунча қўймайдиган истеъдод соҳибидир... Бироқ, нима бўлганда ҳам, сиз излаётган маъномоҳият машҳурми, машҳур эмасми, ижодкорми, ижодкор эмасми – ҳамма бандга ҳам хос эмас экан.

Кўпчилигимиз чиқиндилардан тўлиб бораётган мана шу "идиш"ни дабдабаю асъаса билан "ички олам" деб атаймиз. Аслида, бу нари борса, "ташқари"нинг бир нусхаси, холос. Ана энди Муҳаббат, Этькод, Ватан ҳақидаги салламноларни мана шу даргоҳдан излайверинг. Тушуншимча, "ички олам" ташқи дунё билан ёнма-ён яшайдиган (лекин ҳамоханг эмас), ҳаётнинг ҳукмларидан бир қадар озорланадиган, дунёнинг дакиларини назарига илавермайдиган мурасасиз "борлиқ". Бегонани яқинига йўлатмайдиган ўй-хаёллар, тавба-тазарулар, қувонч ҳамда Яратган "ташриф буюриши" мумкин бўлган орзуманд маскан. "Бегона"нинг эса насл-насаби йўқ. Ҳатто отангиз, онангиз, фарзандингизу умр йўлдошингиз ҳам бўлиши мумкин у. Изтироб қаршисида ўзимизни ёлғиз сезишимизнинг сабаби ҳам шунда. Бу ҳудудга мўралаш учун фақат муҳаббатга изн берилади. Шоҳга дарвешнинг кулоҳини, дарвешга шоҳнинг тожини кийдирадиган ягона мамлакат ҳам шу ер. Мана шу сирли дунёга гоҳ-гоҳида куй-қўшиқ, шеърят, хуллас, санъатнинг мўъжизавий қудрати ёрдамида назар ташлашингиз мумкин. Ўз дарди дунёси орқали бизга ўнлаб тилсимларни очиб берган инсон шубҳасиз санъаткордир.

"...Одамлар орасида ҳеч шеър ўқий олмайман... На яхши кўрган фильмим, на мутолаа қилаётган асарим ва на севиб тинглайдиган кўшиғим ҳақида гапиргим келади. Назаримда, улар менинг сирларимни фош қилиб кўядигандек... Ҳар бирида менинг дардларим сочилиб ётибди", деб ёзибди бир аёл кундалигига.

Ички олам йўл-йўлакай ўқиган, кўрган, эшитганларингиздангина эмас, таъсирланганингиз ҳодисалардан ҳам бойиб бораркан. Таассуротлар хаёлларни гўзаллаштиради, хаёллар эса инсонни... Ўзингиз бир ўйлаб кўринг-да, мавлоно Румийнинг машҳур ҳикматларини тилга олаверадиган ҳар бир олим донишманд, Толстойдан бир-икки фикр айтган нотиқ –

файласуф, Достоевскийни варақлаган китобхон рухшунос бўлиб қолаверадими?! Кимдир, гарчи бутун умрини бағишлаган бўлса-да, ўша шоҳ асарлардан ҳам ҳеч нима тополмай, "Анна Каренина" енгилтабиат аёлнинг саргузаштлари ҳақидаги роман, ёзувчи эрига хиёнат қилган хотин охир-оқибат мана шунақа хунук ўлим топади, демоқчи бўлган", ёки "Тамара Демон – Иблисга бўса бериб тўғри қилдими, нотўғри қилдими? Нимага энди у жаннатга тушиши керак экан?" ва ё "Шайх Санъонми, ҳа, белига зуннор боғлаган..." деб яшаб ўтар. Эҳтимол бу қарашлар соҳиби "...шунос Фалончи Фалончиев"дир. Бироқ панада юрган бошқа бировнинг ҳақиқат – бахт сирини кўнгилдан излаши, "Ерда яшаётгани учун мангу қувгинди – Одам фарзандлари айбдор эмас-ку?", дея ўзига савол бериши, инсоний изтироблар залворини ҳис қилиши учун ёмғирнинг шитир-шитир сасигина кифоя! Нигоҳ ҳам ўзини ҳеч ноумид қилмайдиган "ҳазина"га тикиларкан... Шулар ҳақида ўйлаганда, беихтиёр князь Андрейнинг (Лев Толстой. "Уруш ва тинчлик") Пьер Безуховга айтган гаплари ёдга келади ва бир қадар хушёр торттиради одамни: "Сен ўзингнинг оламшумул фалсафаларинг билан бир хизматкор кўзини очмоқчи бўласан. Ахир, бу фикрларинг унинг яшашига халал беради, янада изтиробга солади, холос. Ўз ҳолига қўй, агар билсанг, у сену мендан бахтлироқ. Ўзининг ҳақиқий аҳволини билмагани учун ҳам бахтиёр". Назаримда, бугунги маданий дунёда кечаётган аҳвол замирида ҳам айна шу кино пинҳондек. Тўғри, бу фақат бугуннинг гапи эмас, деб айтишингиз мумкин. Чак Норрису Ван Дамм фильмларини томоша қилиб ҳузурланган отаю Митхун Чакрабортига кўзёш тўккан онанинг фарзанди эндиликда "Божалар"ни кўриши табиий ҳол. Сочларига оқ оралай бошлаган, жиддийнамунороқлари эса Озодбек Назарбековни эшитар...

Ақлнинг бу совуқ ҳукмига жавобан рус ёзувчиси Валентин Распутин ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида айтган бир фикрни эслаб ўтмасак бўлмас. У “Пушкин-дек даҳолар энди чиқмаслигига сабаб, бугунги кун болалари Ариадна Родионовнанинг эртақларини эмас, Алла Пугачёванинг кўшиқларини тинглаб улғайпти”, деган эди. Бугунги дунёнинг ҳақиқий яъжуж-маъжужига айланган шоу-бизнес куткуси қаршида минг бир кўйга тушаётган юзлаб (!) “хонандача”ларнинг “хониш”ларию сериаллар улғайтираётган гўдақларни энди “Онанг магазиндан сенга ука олиб келаркан”, деб алдай олмайсиз. Бу болаларнинг “Ур тўқмоғу” “Учар гилам” каби мўъжизаларга ирониши қийин. Назаримда, эртақлар тарк этиб кетаётган бугунги дунёдан ҳатто девлар ҳам ранжиб, “сеҳрли чироғи” ичига кириб олгандек... Сир эмас, болаларда гўзаллик, эзгулик, камиллик ҳақидаги илк тасаввурни эртақлар уйғотар эди. Бора-бора Эътиқод аталмиш истеҳкомга айланиши мумкин бўлган “ички дунё”нинг пойдевори шу тарзда кўйилар эди. Ҳар қалай, қадр-қиммати, камолоти қалбида мужассам оқила малика ҳамда севгиси, ёрининг шаъни, ўз ҳақиқати учун бошини кундага ҳам кўйишга тайёр жўмард шахзодадан таъсирланиб улғайган кўнгил билан аёлнусха “альфонс”лару тантиқ, сатанг кумринисоларга тақлид қилиб кўзи очилган банда орасида еру осмонча фарқ бор...

Лекин шуни ҳам таъкидламоқ керакки, санъат асари, қандай савияда бўлмасин, кимнингдир тарбиясини (агар бор бўлса!) издан чиқариб юбориши – баҳсли масала. Бундай хулоса ношуд фарзанди бор шўрлик онанинг “Боламини фалончи йўлдан урди ёки болам ёмон болаларга кўшилиб қолибди” қабилидаги дийдиёсини эслатади. Ҳолбуки, ҳеч бир она “Болам фалончининг боласини йўлдан урди”, демайди... Шубҳасиз, ҳамма сир инсоннинг ўзида, мавлоно Румий “Боғ хаёли боғ сари элтади”, деб бежиз айтмайди. Кимдир сериаллар,

фильмлару клиппар таъсирида бузилаётган экан, демак, унинг ўзида, аслиятида ўша емирилишга мойиллик бор. Фильм эса унинг вужудида мудраб ётган “хоин”нинг уйғонишига туртки бўлган, холос. Бу “хоин” – унинг ўзи! Агар кимдир қонли манзараларга бой жангари фильмлар мухлиси бўлса, демак, у ана шу экран асари орқали ўзининг ташна эҳтиёжларини қондирмоқчи. Ўзи ҳам англаб етмаган шууридаги хоҳиш уни мана шу манзарани кўришга ундаяпти, бор гап шу!

...Маҳатма Ганди таҳсил олиш учун Англияга жўнаб кетаётганда онаси қаршида, “Гўшт емайман, май ичмайман, фаҳш йўлига юрмайман, оиламиз анъаналарини оёқ ости қилмайман”, деб қасам ичган экан. Бу онтни, айниқса, Моҳандаснинг ўтхўрлигини (вегетариан) гарчи Англиянинг совуқ иқлими кўтармаса-да, у ваъдасига содиқ қолишга ҳаракат қилади. Ҳатто бир дўсти “Дунёдан мутлақо беҳабар жоҳил бир хотинга берган сўзингни деб қийналиб юрибсан”, дея таъна ҳам қилади унга. Бир қараганда, дўстининг гапида жон бордек, хўш, саломатлиги учун бир-икки луқма гўшт еса нима қилпти? Лекин ўзликка, қадриятларга хиёнат ҳам ана шу тариқа, биз ҳаёт тақозоси деб хас-пўшлайдиган вазу карсонлардан бошланади... Буюк қалб эгаси деб тан олинган зот эътиқодининг шаклланишида бу босқич дастлабки имтиҳон эди. Зеро, у булганмаган, ҳар қандай тақлидлардан холи соф ҳинд қалби билан инсоният муҳаббатини қозонди. Бугун, афсуски, Гандининг Ҳиндистонига ҳам шарқликларга сира ярашмаган, кўҳна ҳинд қадриятларининг оёғини осмондан қилиб юборадиган ажнабий жилвалар кириб улгурди. Буни уларнинг фильмлариёқ фош этиб турибди. Бизнинг “маданиятимиз” ҳам мана шу жилва кўйида сарсон...

Бирок бир андиша ҳам борки, биз ҳамма айбни ўзга бир маданият елкасига ортмоқлашимиз, боя айтганимиз, чорасиз онанинг ҳолига тушишимиз тўғримиқан?

Аксинча, “инглизча маданият таъсири”, “русча тарбия маҳсули” қабилади фикр юратаётганда нигоҳни ўша халқлар ўтмиш маданиятига, аслига ҳам қаратсак, масалага сал холисроқ ёндашган бўлармидик! Жумладан, инглиз фарзанди Шекспирнинг “О, сиз номусли қизмисиз?” деб ўртанган даниялик шаҳзодасини эсланг: “Бола туғиб, гуноҳқор бандаларни кўпайтиришдан не фойда? Ҳаммамиз мунофиқлармиз. Ҳеч биримизга ишонма... Қордек оқ, муздек мусаффо бўлсанг ҳам, тухматдан қочиб қутулолмайсан. Узлатга чекин, узлатга...”. Ёки хиёнатга чидай олмаган шўрлик Отеллони ёдга олинг. Онегиннинг қурбони, думбул қиздан малика ясаган шоиртабиат ўн саккиз яшар Владимир Ленский қисмати-чи? Туйғулари таҳқирланганини ўзига ор билиб, топталган ғурур билан яшайдан кўра ўлимни афзал билмадимиз у? Эҳтимол, ёшликнинг иши-да, дерсиз. Бўлмаса, айна камолот палласидаги Пушкиннинг тақдири ҳам бизга номуссизликка мурасасизлик, инсоннинг бурчи деган ҳақиқатни англатмай-дими? Демак, ор-номус, ахлоқ, ғурур, уят, анъана, қадрият каби умуминсоний тушунчаларга на жуғрофий микёслар сарҳад бўла олади ва на дину миллат... Буларнинг бари инсониятнинг таянч нуқталари, ўзлигидир. Аммо мана шу инсоний “ўзлик” цивилизация таъсири остидаги қурама маданиятлар забтидан дарз кетмаяптимики? Инглиз инглизга ўхшамайди, рус русга, немис немисга... одам одамга... Йўқса, буюк Станиславский театрининг бугунги сахнасида Отелло билан Яго эркак билан аёл сингари севишармиди? Бу борада табиатнинг ўзи олий ҳакам, ҳар қандай жумбоқнинг жавобини у айтади: ҳар қанча парваришланган, серкуёш ўлкада яшасак-да, тропик ўлкаларнинг мевасию ўсимликлари ҳеч вақт бизнинг боғроғларимизни тўлдириб яшнатиши даргумон. Ёки уммон узра чарх уриб учаётган оқчарлоқни олтин қафасга солиб бўлмайди. Эшитганда этимиз жунжикиб кетадиган ши-молий муз ўлкалар – кутб айиқларининг

жонажон маскани. Шубҳасиз, ҳар бир куни хатар билан юзма-юз ўтадиган ўрмондаги шер егани олдида, алоҳида қаровда бўлган ҳайвонот боғидаги шердан кўра хушбахт...

Табиийки, миллат ҳам ўз бўю таровати, табиати, об-ҳавоси билан тирик. Муҳими – унинг қадриятлари товонхона қаричи билан ўлчанадиган урф-одатлар йиғиндиси эмаслигини англаш, менталитет тушунчасини “узун кўйлагу ятак” деб, “майиз емаган хотин” даражасига тушириб қўймаслик! Зеро, оила сирини – эр-хотин ўртасидаги нозик муносабатни кўшнисига айтиб ўтирган аёлнинг “ҳаё”сини эгнидаги узун кўйлагию бошидаги рўмоли, ёки ишқий саргузаштлари ҳақида оғзидан бол томиб сўйлаётган эркак “ғурур”ини унинг бошидаги дўпписи ифодаламайди! Аёл шаънини худбинона эҳтиросидан тубан кўрган эркакнинг “ватани”га ишониб бўладими?!

Инкор этиб бўлмайди: миллат ва инсоният деган тушунчалар бир-бирига таяниб, бир-бирдан қувват олиб яшайди. Умуминсоният қиёфасини саридаги ҳинд, саллали панжобий, сербар енгини ҳилпиллатиб кимоно кийган япону “гамаржоба” деганча рақс тушаётган сархуш грузинсиз тасаввур этиб бўларканми? Улар ўртасида Хитой деворини ўрнатиш тараққиёт йўлларини қанчалик сустлаштира, космополитликка даъвогарлик ҳам ўшанчалик йўқотишларга олиб келаркан.

Миллат ҳам тирик бир вужуд. Чунки у ўйлаб, ҳис қилиб, кун кечираётган нафси уйғоқ инсонлардан ташкил топади. Одам улғайгани сари унинг гуноҳлари ҳам ўзи билан бирга улғаяди деб бежиз айтилмаган. Яъни гуноҳ ҳам бир жойда, бир номда турғун ҳолатда турмас экан. Борган сари у ўзини янги-янги шаклу шамойилларда намоён этиб бораркан. Авлодлар ўзига “мерос” бўлиб келаётган шайтоний неъматларни асрлар оша елкасига ортмоқлаб ўтишдан ташқари, уни “такомиллаштириб” бораётир... Яхшиси, бир зум нигоҳингизни ўн саккиз-ўн тўққизинчи аср француз ва инглиз романларидаги воқеаларга ёки ўша давр



тарихига, машхур шахсларнинг таржимаи ҳолига қаратинг. Аксариятида бир умумийлик кўзга ташланади: ёш барон бир графиняга хуштор. Буни графинянинг эри – кекса граф биледи. Биледи-ю, барчасига кўз юмиб яшайди. Чунки кекса графнинг ҳам ёш барон каби ўз ўтмиши бўлган. Шундай экан, ёш графинянинг шўхликларига чидашга, унинг кўнглига дахл қилмасликка мажбур. Қолаверса, графинянинг қорнидаги болага – бароннинг туғилажак фарзандига олижаноблик юзасидан ўз фамилиясини беришга ҳам тайёр. Энг муҳими, хотинидан воз кечолмайди, бунга жамиятдаги мавқеи, черков, хуллас, шунга ўхшаш важлар йўл қўймайди. Графиня эса эрининг ўтаётган ҳар бир кунини санаб яшайди... Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, бугун ўзларининг “эрк”и билан ҳайвонни-да ожиз қолдираётган ҳаворанг либосли Элтон Жону Рики Мартинлар, хуллас, буларнинг қавмдошлари, ана шу шарлотталару де реналхонимларнинг зуриёдлари эмасмикан? Албатта, бу номаъқулчиликларга бугунги Парижу Лондон эшиклари ланг очиб қўйилган бўлса-да, машхур “Париж ибодатхона”лари бундан ларзага келяпти! Айтишингиз мумкин, гуноҳнинг янгиси бўлмайди, деб. Тўғри, лекин ҳамма бало шундаки, гуноҳ ўзининг

гуноҳ эканини унутиб қўйди. У ўзига “эркин” ва “озод” деган исмларни ўйлаб топди. Энг ёмони, бу маккора жозибали киёфа – санъат либосида ҳаётимизга сурбетларча бос-тириб кирапти...

Маънавий тазйиқларнинг олдини олиш мақсадида телевидение ва кинотеатрларда бу ҳолатларга чек қўйиш мумкиндир, лекин бу уринишларнинг бари, афсуски, тараққиёт гандираклатиб қўйганидан дарвозасиз қолган дунё учун “оғилхонагача етиб боролган бузоқнинг югуриши”дан ўзга нарса эмас. Сўнги умид шуки – неча асрлардан бери сайқалланиб келаётган, қонқонимизга сингиб кетган қадрият даражасидаги тушунчалар руҳий таназзулдан бир қадар бўлсин асраб қолар, ҳар қалай, ички мувозанатни сақлаган ҳолда узокроққа боролсак керак... Бутунлай издан чиқиб кетишга ирсий тарбия – “қон”имиз йўл қўймас. Агар кўринишидан ўта замонавий, Европа маданияти таъсирида улғайган қиз вужуди бўйлаб югурган ҳаяжони бўғзига минг тиқилса-да, таъқиб этаётган ўтли бир нигоҳга қарамаслик учун ўзида куч топа оляптими, билингки, бу журъатга ҳатто ўзи ҳам англаб улгурмаган, қонқонида яшаётган момомерос ҳаёси йўл қўймапти. Бу узундан-узок тарбиявий соат дарсларининггина маҳсули эмас. Лекин шуниси ҳам бор, “киприкдаги ёшдек” титраб турган ирсият – генетика кўмакка, руҳий озуқага – ичимиздаги ҚАЛЪАга муҳтож. Кузатувлар эса олис манзилларни кўзлаб одимлаётган йўловчилар – келажак эгаларига “ирсият туйғуси”га бебаҳо меросга қарагандек муносабатда бўлиш кераклигини қайта-қайта таъкидламоқда.



# *Mezon torlariga dilni bog'ladim...*

## СЎЗБОШИ

*Давраларда, суҳбатларда тил эшилганда,  
Фурсат ўтиб кетганида, фурсат келганда,  
Айтилганда, айтилмасдан ичда қолганда,  
Айтирингни айтмаса, деб жим термилганда,  
Қадаҳ бўшаб, юракларинг лим-лим тўлганда,  
Бир қадрдон туйғуларинг рихлат қилганда,*

*Юрагингни бир тоза сўз қамаштирганда,  
Ё қалбингни ўзинг билан яраштирганда,  
Севги янглиг би-ир оромли адаштирганда,  
Кечаларга ханжар бериб саваштирганда,  
Ё сўрмасдан қўл бердириб сўраштирганда,  
Ачингандай узоқ тинглаб, суриштирганда,  
Ёлгонингни ростинг билан бериштирганда,  
Ўзинг билан суратингни солиштирганда,*

Бу шеърларни суйиб ўқиш учун яшариш керак. Олдинги, аънавий шеърятни тушунган, уни ўқишдан тажриба тўплаган ҳолда бугунги ёшлар дунёни ўзларига хос қандай бадиий идрок қилаётганини англашга интилиш лозим бўлади, тўғрироғи, шу интилишга кўнгилни даъват қилади. Шодмонқулнинг шеърлари кўзга жаз этиб урилар ва ўқиганда ҳали шеърини тилимизда очилмаган кўп имкониятлар борлигини кўрсатар экан. Музейян ташбеҳлари йўқ, содда, мисоли қизгин гаплашиб ўтиргандек юракка яқин ифодалар, лекин одамнинг ўйларини титиб, бошқатдан ўзининг куйига, куйига солади, таниш-у, лекин жуда ҳам жозибали туйғуларга тортиб кетади. Янги ҳалқона шеър ё модерн терма дегани балки шудир. Аънавий лутф шеърятисида нимага янгилик яратмаслик керак? Энг оғир, мураккаб иш ҳам аънанани янгича идрок қилиш-ку!

Шодмонқул – шеърятимизда янгилик, уни янгилаяпти.

Шодмонқул шу гўзал тугёнли машаққатни зиммасига олибди. Ўзи қўласин!

Аҳмад АЎЗАМ

Ё висолда бўса олиб, бўса берганда,  
Тириклигинг тирикликдан баланд турганда,  
Ер муз бўлса, чор тарафдан итлар ҳурганда,  
Кунларингдан бир кундошинг қаср қурганда,  
Ана шунда қўлтигингга кимдир кирганда,  
Қирғоққача сувлар ютиб бирга борганда,  
Қирғоқларда болакайлар шўх югурганда,  
Углингними, қизингними кўзин кўрганда,

Ёлғизликда, туманларда эгасиз, гамгин,  
Ё хожадек қўл орқада – турганда эмин,  
Кояларга багринг бериб, бўлолмай эркин,  
Бекатдами бир нигоҳдан топганда таскин,

Мулозимдай югургилаб ўтса шамоллар,  
Кунгай ёқда исмалоқлар эса аёллар,

Кўкламларга кўнглинг кетган бемор чоғингда  
Бир успири анос гуллаб қолса боғингда,

Яшамоқчи бўлганингда, яшаганда ё,  
Яшалмаган ҳаёт каби маҳтал ва расво,  
Турганингда айроликда ёки дийдорда,  
Ё кўзларинг кўр бўлганда бир хушxabардан...

Ана шундай фурсатларнинг ёлғони учун,  
Шу ёлгоннинг Худодай ҳақ исёни учун,  
Бесар кетган кўзёшларнинг армони учун,  
Ва РОСТликнинг кенгликлардай осмони учун,  
Шу осмоннинг мен деб келган найсони учун,  
Юрагимнинг Ватан деган султони учун,  
Ботинимда бор бўгиним бир зириллайди,  
Юрагимда арслондайин ШЕЪР ириллайди,

Суяк синиб, тилим қонаб СЎЗ ёзилади,  
Ёлгонларнинг чин олови чин босилади.

Бу лаҳзада яқинлашманг, куясиз – чўгман,  
Қолган пайтда тирикларнинг сафида йўқман!



## БОЛАЛИК

Болаликнинг осмонларида  
Булултарнинг ниятлари – пок.  
Бу йилларнинг зиндонларида  
Не туйгулар бўлмади ҳалок.

Болаликда баҳор бўларди –  
Ёмгирлари, қўзичоқлари...  
Ойсанамга ҳўб ярашарди  
Ўт-ўланли тақинчоқлари.

Кўйдаи ўтлаб юрар туманлар,  
Шитирлайди яшил-оқ ҳаво.  
Чақмоқ эмас кўкни ёритган,  
Гулхан ёқиб исинар Худо.

Гумбурлайди самонинг сатҳи,  
Карсиллайди юрак – чилторим.

Зўр қурилиш бўляпти кўкда,  
Ўй бошлабди Парвардигорим.

Болаликда тутганим олтин,  
Зумрад эди, жавоҳир эди.  
Эй жўралар, ҳеч кимман ҳозир,  
Болалигим зўр шоир эди.

Дунё чети – қирда отам тик  
Хирмон ташлар, донни саралаб.  
Тақдир сопи зувиллатганча,  
Чиллак кетди йиллар оралаб.

Мен абадий ўн ёшдадирман,  
Қирга чиқиб, тушолмай қолдим.  
Болаликдан сўрамай кетиб,  
Ана шундай таассурот олдим.

Болаликда осмон бор эди...

## ТУЛПОР

Кўпқаридан қайтган тулпор  
Ҳали билмас толганини.  
Чавандозу от эгага  
Қанча соврин олганини.  
Қамчиларнинг шиддатидан  
Зириллайди шаффоф ҳаво.  
Осмон билар бу тулпорнинг  
Не таассурот олганини.

Тош юмалар дараларга,  
Сор, бургутлар тошдай қотган.  
Минг йилларки, мудраган бу  
Тилсиз тошни ким уйготган?  
Ким дин сотган, ким эл сотган,  
Ким жонини нисор этган,  
Ким чилвирда улоқ тортган,  
Кимга қамчи симдай ботган?  
Биз билмаймиз кўпқарида  
Не савдолар бўлганини.

Кўнжи балид этик кийиб  
Шовқин солиб ўтар довул.  
Бугун кимнинг бахти талои?  
Томошага чиқар овул.  
Бу баковул бунча таннти,  
Бунча нокас бу ясовул –  
Ким англади бу тулпорнинг  
Дили вайрон бўлганини?

Бу тулпорнинг шамол чулчи  
Тусганини кўрганлар бор.  
Бу оламда қамчи эшиб,  
Қамчи емай юрганлар бор.  
Зот чиққунча бу бедовга  
Қамчи уриб турганлар бор.  
Биродарлар, биз билмаймиз  
Бу тулпорнинг билганини...

Кўпқаридан қайтган бу от  
Ҳали билмас толганини...

## ЎРГАНДИМ

Тошдай учиб қушдай қўнишни ўргандим,  
Дард жондин ўтганда кулишни ўргандим,  
Хеч нима топмадим десам, бу – ёлгон,  
Тошкентда совқотмай юришни ўргандим.

Оппоқ тулпорлардай бир тонглар отди,  
Орзуси тугаган шомлар тош қотди,  
Ойлар уфққамас, елкамга ботди,  
Тунларга ой билан боришни ўргандим.

Бошига юлдуз теккан жонон кечалар,  
Дил бу буроқ ондин қандай кечолар?  
Кўзларда гоҳ яшил, оқ тангачалар  
Жимирлаб турганда севишни ўргандим.

Хасрат юрагимда сайрашни ўрганди,  
Фурсат толиққанда тўхташни ўрганди,  
Кулфат чин кўнгилдан йиғлашни ўрганди,  
Уларнинг баридан яшашни ўргандим,  
Баридан мард бўлиб ўлишни ўргандим.

\* \* \*

Қуз шамоли юрагимни ялаб ўтди,  
У – қароқчи, богларимни талаб ўтди.  
Сато билан кенгликларга юз бурдим мен,  
Мезон бўлиб дилни гамга белаб ўтди.

Онагинам рўмолининг учи – мезон,  
Отамнинг мен оқартирган сочи – мезон.  
Баҳор юртдан қайтаётган кўчи – мезон,  
Бул мезонлар унсиз-унсиз йиглаб ўтди.

Бул шамоллар бир “оҳим”ни юз қилдилар,  
Юрагимни тирикликка рўз қилдилар.  
Охир мени кечикса-да ҳис қилдилар,  
Оташимга қуруқ новда қалаб ўтди.



Жондорларнинг “ув”ларидан тўлиқди дил,  
Жилдирларнинг ирмоғида тиниқди дил,  
Хайдаридан бир балога йўлиқди дил,  
Беморимнинг дардига дард улаб ўтди.

Шовуллашиб ўтиб кетди қораёллар,  
Қиргоқларда қарсиллади қора толлар.  
Уй айланиб югуришган бу аёллар,  
Хар ўтганда жонимни бир элаб ўтди  
Куз шамоли юрагимни ялаб ўтди.

\* \* \*

Отамнинг сояси тоғларга тушиди,  
Онамнинг “оҳ”идан унди қизил гул.  
Бир нидо ярадор қуш бўлиб учди:  
Бор бўлса, бир келсин Шодмонқул.

Боболар кафтида қабарди тупроқ,  
Қабарган тупроқлар бердилар ҳосил.  
Қўлда айри асо – абадий сўроқ:  
Бор бўлса, бир келсин Шодмонқул.

Оғалар кўзида қафасбанд йўлбарс,  
Нигоҳлари – ҳасрат, елкалари – йўл.  
Зиндонда қолганлар Алпомиш эмас...  
Бор бўлса, бир келсин Шодмонқул.

Қишда ҳам кетмасдан қолди тўрналар,  
Улар тўрна эмас, эгачи-сингил.  
Соғинчдан жимирлаб эриди қорлар –  
Бор бўлса, бир келсин Шодмонқул.

Мезон торларига дилни боғладим,  
Узилган барг чизар ҳавода бир йўл.  
Ўзимни шу зайл узоқ йўқладим:  
Бор бўлса, бир келсин Шодмонқул.

\*\*\*

Изтиробдан тобланди юрак,  
Мен кимнингдир ёмон тушиман.  
Деворларга тўши уриб, бўзлаб  
Чирқиллаган туйғу қушиман.

Бу тушларнинг деворларига  
Коним билан чиздим сўзимни.  
Сабрларнинг оғоч дорига  
Тунлар осиб кетдим ўзимни.

Бу тушларда гарқ бўламан мен  
Кўзларимнинг содиқ ёшига.

Сўнг ўзимни йўқлаб, хотирлаб  
Гул келтирдим қабрим бошига.

Бу тушларнинг йўқдир поёни,  
Тонглари ҳам, офтоби ҳам йўқ.  
Бир юракнинг қилган исёни  
Хаётимга беролмайди чўғ.

Аммо умрим бошланмоги шарт,  
Тарқалмоги зарур шум губор.  
Тангрим, менинг кўзларимни арт,  
Тангрим, мени уйғотиб юбор!

\*\*\*

Бир гул бўлса, барги сочинг силаб турган,  
Бир дил бўлса, дилни дондай элаб турган,  
Бир тил бўлса, тилга қўшиқ улаб турган  
Бу дунёдан ўтаверсанг бўлар, Шоир.

Бир йўл бўлса, йўллигини ёдлаб турган,  
Йуловчисиз қолса бир кун додлаб турган,  
Мусофирнинг хаёлини шодлаб турган  
Йўлдан сени олиб ўтса бўлар, Шоир.

Бир сўз бўлса, ҳеч кимсадан яширмаган,  
Йунилмаган, йўнишмаган, йўндирмаган,  
Боглашмаган, кесишмаган, синдирмаган  
Шу сўз учун жонни берсанг бўлар, Шоир.

Бир эл бўлса, эл деганда олов чиққан,  
Қабр эмас, шаҳид чиққан, ялов чиққан,  
Машғалани кутаргувчи биров чиққан  
Шу эл учун садқа бўлсанг бўлар, Шоир.

Бир доғ бўлса, кўкрагингда улуг бир доғ,  
Юрту номус, шаъну имон бари жам доғ,  
Меҳру соғинч, дийдор талош, бири кам доғ,  
Шу доғ учун яшаб турсанг бўлар, Шоир.

# *Shabboda gul bilan o'ynar erinchak...*

## ТУН

Борлиқ тароватга чулганмиш жуда,  
Осмон – жимир-жимир мавжланган денгиз.  
Шундай сокин, шундай хилват кечада  
Бўй етган тўлин ой чўмилар ёлғиз.

Ўз ҳуснига ўзи мафтун бу гўзал  
Ҳеч кимга, ҳеч нега парво қилмайди.  
Ер бағридан унга минг-минглаб кўзлар  
Тиқилиб турганин асло билмайди...

## СОҒИНЧ

Тутуриқсиз дард бўлар согинч,  
Тутиб қолар кутилмаганда.  
Сув қуйгандек осойишта кеч  
Ё галвали, тўполон кунда.

Согинч – айёр. Мен уни алдаб,  
Авраб қочиб кета олмайман.  
Феълин яхиш билганим сабаб  
Йиглатса ҳам ҳайрон қолмайман.

Сен ҳам ҳайрон бўлмагин, дилдор,  
Сершовқин кун ё сокин тунда  
Деразангни авайлаб уч бор  
Кимдир чертса кутилмаганда.

**ХАЙРАШУВ**


Кутлуг бўлсин туйлари,  
Ярашибди буйлари.  
Уйга толган бу қизнинг  
Кундир орзу-уйлари.

Кўзга ёшлар тизмасин,  
Ёридан кўз узмасин,  
Яна кўнглин бузмасин  
Ёр-ёрларнинг қуйлари.

Хил-хил ипак, ипларга,  
Сандиқ-сандиқ сепларга,  
Фақат яхши гапларга  
Тўлиб кетсин уйлари.

Кўзи мўлтираб турган,  
Тунда ялтираб турган,  
Семирсин кўёв берган  
Қора қўчқор, қўйлари.

Бахтга тўлаверсинлар,  
Хурсанд бўлаверсинлар,  
Энди кулаверсинлар,  
Очилсин чиройлари.



Отангиз кукрак кериб,  
Мақтансин томоқ йириб –  
Қизини бойга бериб  
Ошди-ку обрўйлари.

Яхши қиз, яхши боринг,  
Бизни эсдан чиқаринг.  
Узр, агар шеъримнинг  
Ботса у-бу жойлари.

Энди юрманг кўчамда,  
Энди турманг кўчамда.  
Кўнглим бузмасин яна  
Атрингизнинг буйлари.

**КЎЗИМ ГИРЁН**

Сизни мендан айиргани келдилар,  
Юрагимни доғладилар, тилдилар,  
Ёр-ёр айтиб ўйнадилар, кулдилар,  
Бўзлаб-бўзлаб ўтар бўлдим, найлайин.

Бой бўлсайдим, ойга қўлим етарди,  
Юлдузларни кафтларимда тутардим,  
Барча гирром ўйинларда ютардим,  
Энди дардим ютар бўлдим, найлайин.

Балки ўзим нўноқдирман, бўшидирман,  
 Шу сабаб ҳам дард-аламга эшидирман.  
 Бугун гариб, қаноти йўқ қушидирман,  
 Йўлим билмай кетар бўлдим, найлайин.

“Унутаман, тамом!” – дедим-у, аммо;  
 “Бу – энг сунги хатом!” – дедим-у, аммо;  
 “Янги ҳаёт, салом!” – дедим-у, аммо  
 Сизни яна кутар бўлдим, найлайин.

### ТАҚДИР

Айб мендамас, гулим, ҳисларим ёнди,  
 Сизни чиндан севдим, гуноҳим йўқдир.  
 Бошимга тушганин кўз кўрар энди,  
 Кўзимни йўлларга боғлади тақдир.

Бунчалар гўзалсиз, бунчалар нафис!  
 Дод дейми, оҳ дейми, ёлворай – нетай?  
 Кўнглимнинг тубида очилган наргис,  
 Сизга зилол сувдай қўшиқлар айтай.

Балки сезмассиз ҳам, бу мунис нигоҳ  
 Жонимга қанчалар лазизлигини.  
 Момогулдуракдай юрагим шу чоқ  
 Бир титроқ олдида ожизлигини.

Биламан, ўй кўн-у, йўқдир имконим,  
 Сизга етмоқ қайда, сиз – ойдай олис.  
 Жоним, ўртанади энди бу жоним,  
 Жонимни майдалаб ёқиб борар ҳис.

Нетай, ўз кўнглимга етмайди кучим,  
 Ортга қайтай десам энди йўл йўқдир.  
 Умримни сиз билан боғламаса ҳам,  
 Кўзимни йўлларга боғлади тақдир.



## САВОЛ

Шаббода гул билан ўйнар эринчак,  
Эгасиз чайқалар маъюс ҳалинчак...  
Беланчак тебратган гулюз келинчак,  
Унсиз ииги сени бедор этдимми?

Йўқотганим бир сен, топганим бисёр:  
Бир дунё армонун шунчалар озор.  
Дардларим – ишқимнинг болалари бор,  
Севинчим кўзимга ёшлар элтдимми?

Нетай, қўшиқларим маҳзун тўқилди,  
Сўзларим кўзёшдай бир-бир тўқилди,  
Ҳасратимни тинглаб ҳилол буқилди...  
Оҳларим сенгаям бориб етдимми?

Бугун мен – кўнглини йўқотган одам,  
Шуурилда сўнгсиз изтироблар жам.  
Айт, гулим, биз бахтли яшаган олам  
Фақат хаёлларда қолиб кетдимми?

## САЙИЛГОҲДА

Хаста Имом хиёбонида  
Кўкка маъюс боқар лайлақлар.  
Сайилгоҳнинг кенг осмонида  
Шўнгиб-шўнгиб учар варрақлар.

Қанотлари қирқилган, гариб,  
Юраги ҳам ўксик бу қушлар  
Уфқларга узоқ тикилиб  
Мўлтирайди, кўзларин ёшлар.

Улар ҳар тун улкан, бепоён  
Кенгликларни балки туш кўрар.

Шўнгиб-шўнгиб тўлқинли уммон,  
Денгизларга тинмай тўш урар...

Бунда эса қизир томоша,  
Кўкка боқар нигоҳлар ҳалак.  
Улкан минор, баланд том оша  
Юрак каби силтанар варрак.

Шунда бирдан узилади ин,  
Авжга минар шамоллар бир зум.  
Кийқирворар болалар дод деб,  
Лайлақлар-чи, ҳамон маъюс, жим...

# MUALLIFGA HAMNAFAS

## Таржимон Низом КОМИЛ билан суҳбат

– Ёзувчилар уюшмасида бир рўйхатга кўзимиз тушган эди: таржимонлик фаолиятингиз давомида Сиз 14 роман, 5 қисса, 14 пьеса, 50 тача киносценарийни ўзбекчалаштирган экансиз. Бир қарашда – салмоқлигина хирмон. Хўш, 75 ёш бўсағасида турган ижодкор учун бундай маҳсул етарлими, ўзингиз нима дейсиз?

– Қарийб эллик йилдан бери бадиий таржима билан шуғулланаман. Лекин бу – ўтган умримни буткул таржимага бағишладим дегани эмас. Сиз санаган рақамлар – давлат иши, уй-рўзғор ташвишлари, дўстлар даврасио сайру саёҳатлардан ортган бир тутам-бир тутам вақт оралигида ҳосил бўлган рақамлар. Менинг ёшимга нисбатан етарлими ёки камми? Бир нарса деёлмайман. Нима бўлганда ҳам, бадиий асарлар ҳеч замон сон-саногоиу ҳажмига қараб баҳоланмаган. Буни яхши биласиз. Энди, ўрни келиб қолди, бир қусуримни ошкор этиб қўя қолай. Сал ҳавойироқман (балки анчагинадир). Узоқ вақт ёзув столига қадалиб ўтиролмайман. Мен таржима билан овора пайтларда ҳаёт мени четлаб ўтиб кетаётгандай туюлаверади. Девор ортидаги олам ўзининг ранго-ранг бўёқларию сирли-сеҳрли оҳанглари билан ўз бағрига чорлайверади, чорлайверади. Шартта ўрнимдан тураману дўстларимни қидириб чиқиб кетаман. Таржима ҳам бир-икки ҳафта “дам” олади... Шу чоққача бутун умрим ана шу тарзда кечган. Бояги рақамларнинг бебаракалиги ҳам шундан.

Аммо бунга сира афсусланмайман. Дўстлар билан кечган дамларга ачиниш – гирт нодонлик, бунинг устига, бориб турган худбинлик ҳам. Мен ақл амрига қараб эмас, кўпинча кўнгил раъйига қараб ҳаёт кечирдим. Бунга ҳам афсусланмайман. Устоз Эркин Воҳидов ўз вақтида ҳўб топиб айтган-да. “Юрак ва ақл” эсингиздами? Ўша шэрр орқали устоз менга “Оқ йўл” тилаган экан – энди-энди пайкайпман.

Мана, кексайдим. Илгариги куч-қувват йўқ. Жисм тоб ташлаган, аммо кўнгил қурмагур ҳамон ўша-ўша: йигирма ёшлик пайтимдагидай. Тавба дейман, туриб-туриб ёқа ушлайман. Шунаси ҳам бўларкан-да, Шохсанам. Баъзан каттароқ бир ишга қўл урай дейман-у, журъат этолмайман. Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, дард бор-у, дармон йўқ.

– *Низом ака, Сиз журнализмнинг яқин ҳамкорларидансиз. Жаҳон адабиётининг кўллаб асл дурдоналари Сизнинг таржиманеизда эълон қилинган. Журналхонларнинг таҳсинига сазовор бўлган ўша асарларни бир-бир санаб ўтирмайлик-да, биргина эътирофимизни айтайлик: таҳририят аҳли Сизни “Тафаккур”нинг бош таржимона деб билади, журнал совринлари билан ҳам сийлангансиз. Лекин режадаги бирон асарни қайси таржимонга тавсия этиш масаласи кўрилганда кўпинча баъзилар эътироз билдиради: “Йўқ, бу хил матнларни Низом акага бериб бўлмайди, қаламига мос эмас”. Нега? Сиздек моҳир таржимон ҳар қандай матнни ўзбекчалаштириб ташлайвермайдими? Асл матнга нисбатан бундай талабчанлик ижодий инжиқликданми ёки бунинг бошқа сабаблари, дейлик, мураккаброқ матнлардан қочиш майли ҳам борми?*

– “Тафаккур” журнали билан ҳамкорлик қилган йилларимни мамнуният билан эслайман. Эркин Аъзамнинг тавсияси ва “зугуми” билан журналга ўндан ортиқ ҳикоя таржима қилиб берганман. Рост, зўр ҳикоялар эди. Таржималарни ўқиган журналхонларнинг таъби хира бўлмаганидан ҳам сал-пал хабарим бор.

Энди “ҳар қандай матнни ўзбекчалаштириб ташлаш” ва “мураккаб матнлардан қочиш” масаласига келсак. Тўғри, таржимон бўлгандан кейин ҳар қандай матнни ўзбекчалаштира олиши керак. Лекин бадиий таржимада бу энг тўғри йўл эмас. Таржимага асар танлаганда мен унинг тилини “чўқилаб” ўтирмайман. Бир китобни таржима қилиш учун ўнлаб китобни ўқиб чиқишга тўғри келади. Қайси бири кўнглимга ёқса, “жаз” этиб юрагимга ёпишса – шу кифоя. Шуни таржима қилмагунча тинчимайман, бундай асар китобхонга ҳам маъқул келишини олдиндан ҳис этиб тураман. Тўғри, ўта мураккаб тилда ёзилган асарлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Достоевский. Буюк адиб. Таржима қилиш керакми? Керак. Аммо мен Достоевский асарларини таржима қилишни хаёлимга ҳам келтирмаганман. Бунинг учун маҳоратдан ташқари сабр-бардош ҳам талаб қилинади. Унақа сабр-бардош менда йўқ. Буни боя айтган гапларимдан ҳам пайқаган бўлсангиз керак. Дўстим Иброҳим Ғафуров жонини минг азобларга солиб, шу ишни аъло даражада уддалади, натижада Достоевский асарлари маънавий хазинамиздан муносиб ўрин эгаллади. Мени Иброҳимдаги меҳнаткашлик, қатъий интизом ва сабр-бардош мудом ҳайратга солади.

Энди “содда” матнларга тўхталсак. Масалан, ўзингиз билган Нодар Думбадзэ. Тили содда, равон, ҳар турли “гажак”лардан холи. Ўқиганда юрагингизга шалолардек оқиб киради. Шундай ўтирсаму таржима қилиб ташласам дейсиз. Аммо бу алдамчи таассурот. Ўша биз содда деб билган жумлалар замирида беозор юмор, киноя ёки истеҳзо, яна алланималарга ишора маънолари яшириниб ётган бўлади. Қани, ёзувчи услубини, асар оҳангини бузмасдан ўша жумлаларнинг ўзбекча

муқобилини топиб, матнга жойлаштириб кўринг-чи! Стол ёнига ўтириб, қўлга қаламни оласизу таққа тўхтаб қоласиз. Ана ўшанда сиз содда деб ўйлаган матн унчалик ҳам “содда” эмаслигига амин бўласиз. Буни ўз бошимдан кечирганман. Масалан, “Абадиёт қонуни” ҳажман катта асар эмас. 10 босма тобоқнинг нари-берисида. Узоғи билан икки ойлик иш. Мен бу асар таржимасини бир йилда базўр тугатганман. Аммо китобхон буни билмайди. Билиши ҳам шарт эмас. Ўзимиз ҳам иссиқ нон еб ўтирган пайтимизда новвойни эсламаймиз-ку. Ўшандай гап-да.

Пировардида, давълорам асослироқ бўлиши учун таниқли таржимашунос Файбулла Саломовни ёрдамга чақирмоқчиман. У киши мақолаларидан бирида шундай деб ёзади: “Ҳар бир таржимоннинг ўзи меҳр қўйган ёзувчиси бўлсин ва у, асосан, ўша адибнинг асарларини таржима қилиш билан машғул бўлгани маъқул... Универсал таржимон яхши таржимон бўлолмайди... Ўзинг севмаган ёзувчининг ижодини ёки ўзинг ёқтирмаган асарни яхши таржима қилиш мўъжизага ишониб демакдир. Ваҳоланки, ҳар қандай таржимон ҳам мўъжиза яратолмайди”

Бу гапларни изоҳлаб ўтиришга зарурат йўқ деб ўйлайман.


– Қайси муаллифларнинг асарларини алоҳида завқ билан таржима қилгансизу қайси ўғирмаларингиздан кўнглингиз тўлмаган ва нима учун?

– Ҳар бир таржимага бу иш билан худди биринчи марта шуғулланаётган одамдай алланечук хавотир билан қўл ураман. Битта-иккита китобхон орттирган бўлсам, шулардан ҳам жудо бўлмай дейман-да. Қолаверса, ҳар бир асар ўзича бир олам. Бири бирига ўхшамайди. Замон бошқа, макон бошқа, мавзу бошқа, оҳанглр бошқа ва ҳоказо. Бинобарин, таржимон ҳар гал ўзини ўша “тўлқин”га мослаштириб олмаса – иш расво бўлади. Мен ҳам таржимонлик фаолиятим давомида кўнгил “радио”сининг қулогини бурайвериб ҳалак бўлганман. Шунинг учун таржималаримдан бирортасини алоҳида ўринга қўйишга ийманаман. Лекин саволингизга жавоб беришга тўғри келади: Думбадзе билан Ремарк асарлари таржимаси юрагимга яқинроқ. Агар таржиманинг ижод эканлиги рост бўлса, мен ҳар иккала адиб асарларининг таржимаси жараёнида ўша меҳнатнинг “ширин” азобларини кўп маротаба татиб кўрганман. Ўша онларни ҳаётимнинг мазмунлироқ лаҳзалари деб ҳисоблайман.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига ўтсак. Француз адиби Жорж Сименонни биласиз. Донгдор ёзувчи. Асарлари дунёнинг деярли барча тилларига ўгирилган, миллионлаб нусхада чоп этилган. Мен ҳам шу адибнинг тўртта романини таржима қилганман. Нашриётнинг буюртмаси билан. Лекин таржима қилгунча ит азобини тортганман. Иш ҳеч олдинга силжмайди-да. Бўлмаса матн оғир эмас, саргузашт асарлар. Саволингизда айтилганидай “қаламимга мос” келмаганми, ким



билади. Сезиб турибман, нега таржимага олдингиз, рад этишингиз ҳам мумкин эди-ку, демокчисиз. Рад этмадим-да. Пул керак эди. Нашриётга ҳам фойда келтирадиган китоб керак эди. Хуллас, ўша таржималарим кўп нусхада чоп этилди, икки-уч йилдан кейин яна қайтадан нашр қилинди. Энг қизиғи, нашриёт муҳаррири, "Таржима зўр бўпти!" деди. Сал енгил тортидим. "Муҳтожлик кишини буюк кашфиётчига айлантиради", деган экан бир донишманд. Беҳазил айтадиган бўлсам, мазкур таржималарнинг сифатидан хавотирим йўқ эди-ю, қаламни зўрлаб ишлатганим эсимга тушса, ўзимдан ўзим хафа бўлиб кетаман. Лекин бу "фалон ўғирмаларимдан кўнглим тўлмаган" дегани эмас. Агар шундай десам, менга садоқат билан хизмат қилиб келаётган кўнгилга озор берган бўламан.



– *Ҳеч қандай лофсиз, Сиз гуржи адиби Нодар Думбадзени ўзбек ёзувчисига айлантиргансиз дейиш мумкин. Умуман, Сизнинг қаламингиздан чиққан таржималарни ўқийтганда унинг ўғирма асар эканлиги эсдан чиқиб кетади – шу қадар равош, шу қадар ўзбекча! Айтишларича, бир вақтлар ўзингиз ҳам тузуккина шеър у ҳикоялар битган экансиз, муайян иқтидор билан бугун бинойидек шоир ёки ёзувчи бўлишингиз ҳам мумкин эди. Бундан воз кечиб, ижодий салоҳиятингизни ўзгаларнинг асарини, кечирасиз-да энди, қайта ёзишга сарфлаганингиздан афсусланмайсизми?*

– Тўғри, Ўзбекистонимизнинг минглаб болакайлари сингари мен ҳам 12-13 яшарлигимдан шеър ёза бошлаганман. Аммо ёзганларим шеър эмаслигига у вақтда ақлим етмаган. Мени уларнинг қофиясими, оҳангими элитган бўлса керак-да. Ҳар ҳафта Тошкентдан хат келади. Конвертнинг тепасига катта-катта ҳарфлар билан "Ленин учқуни" деб ёзилган. Тагин денг, қип-қизил босма ҳарфлар. Юрагим ҳалқириб кетади. Ичидаги хатнинг мазмуни эса ҳамма вақт бир хил: "Уртоқ Н.Комилов! Шеърларингиз бадиий жиҳатдан заифлиги сабабли фойдалана олмаймиз. А.Мулламуҳамедов". Бояги ҳаяжон бир зумда сўнади. "Бадиий жиҳатдан" эмиш. Нима дегани у? Йўқ, бу бир баҳона! Пойтахтда яшаганимда босишарди, мен қишлоқда яшайман-да. Дунёда ҳақиқат йўқ, дердим фиғоним фалакка қиқиб. Мантиқни қаранг, Шоҳсанам, менинг шеърим босилмадими – таом, дунёда ҳақиқат йўқ деб ўйларканман. Кейин нима бўлди, денг. Шеърларимни пайдар-пай жўнатавердим. Ҳалигидақа жавобни олавердим. Бирорта шеърим босилмади. Аммо энди мени бу ёғи қизиқтирмасди. Конверт! Антиқа конверт келиб турипти-ку. Мен шунга маст эдим. Қишлоқда



мендан бошқа ҳеч ким бунақа конверт олмасди-да. Почтачининг сермулозамат бўлиб кетганини кўрсангиз!

Э, қўйинг, эслатман. Болагим ана шундай думбуллик билан ўтган.

Пойтахтга келиб, талаба бўлганимдан кейин биринчи қилган ишим “А.Мулламухамедов”дан узр сўраш бўлди. “Ленин учқуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”) таҳририятига бориб, у кишини топдим. Баланд бўйли, хушфезъл киши экан. “Мени кечиринг, шеър юборавериб, сизни кўп хуноб қилдим”, десам, эслолмади. “Э, парво қилманг, бизга республикаимизнинг ҳар бурчидан ҳар куни юзлаб шеър келади. Муҳими, босилган-босилмаганида эмас, сизда интилиш бор экан, шуни сўндирманг, бир куни натижаси бўлади”, деди Абдувоҳид ака. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Кейин у киши билан дўстлашиб кетдик.

Орадан анча вақт ўтди. Абдувоҳид аканинг далдаси ёдимда турган эканми, институтнинг юқори босқичларига етганда яна “жиним кўзиб” қолди. Энди муҳаббат дейдиёси бошланди. Йигитлик палласи-да. Устим юлун, қорним оч, чўнтақда ҳемири йўқ – нуқул башанг кийинган қизларни “севиб” қоламан денг. Бирортаси қайрилиб қарамаса – ҳеч қайсиси қайрилиб қарамаган, албатта – дарров “бевафо” деган шеър ёзиб, ҳалиги шўрликни мағзавага қориштириб ташлайман. У дейманбу дейман, бевафосан, кейин пушаймон бўласан, дейман. Қўйинг-чи, дунёдаги бор таққиромуз сўзларни тинкам қуригунча сафарбар этман. “Ҳой мусулмон, сenga ваъда бермаган бўлса – нега бевафо бўларкан! Балки севган йигити бордир – нега пушаймон бўлиши керак!” дейдиган одам йўқ. “Мен севиб қолдимми, қиз ҳам севишга мажбур!” деб ўйласам керак-да. Агар тақдир мени Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов билан учраштирамаганда, билмадим, яна қачонгача шеър лаҳжасида чулдираб юрардим...

Ана шунақа гаплар, Шоҳсанам. Тўғри, бошқа мавзулардаги уч-тўртта шеър у ҳикояларим матбуотда эълон қилинган. Аммо булар ҳам “порлоқ истиқбол”дан дарак бермасди. Биз, яъни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирозев ва камина 60-йилларнинг бошида меҳнат фаолиятимизни деярли бир вақтда, битта наشريётда бошлаганмиз. Бугун Абдуллажон, “Ака, бир нарса ёзувдим, эшитасизми?” деса, эртасига Эркин ака, “Низомжон, манови ғазални бир ўқиб кўринг-чи”, дейди. Индинига Шукур, “Азизим, битта ҳикояни машинкадан чиқардим, ёмонга ўхшамайди, юринг, биргаллашиб ўқиймиз”, деб Сомонбозордаги ҳовлисига бошлаб кетади. Бунинг устига, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаровлар билан ҳам доимо биргамиз. Мен ҳақиқий адабиёт қуршовида қолган эдим. Кундан-кун нафасим ичимга тушиб борарди. Шуларнинг олдида бир нарса ёзиб бўладими? Қаламкашликни шартта тўхтатдим. Тўхтатдимۇ нечи йиллик хомхаёллардан ҳам биратўла озод бўлдим. Бахтим шундаки, мен йўл бошидаёқ истеъдодли ҳамроҳларга йўлиққанман. Агар нодон бир тўдага қўшилиб қолганимда, ҳаммага кулги бўлиб, ҳанузгача бир нималарни даъво қилиб юрган бўлардим... Одам ўз имкониятларини тўғри чама-лай билиши керак. Пешонамга таржимонлик битилган экан, шунисига ҳам шукур. Эҳтимол, боя сиз айтгандай, “бизойидек” бўлмаса ҳам ўртаимёна шоир ёки ёзувчи бўлардим ҳам дейлик. Эҳтимол. Лекин шуни хоҳламадим-да. Санъатнинг барча соҳасида, жумладан, адабиётда ҳам ўртаимёналик – “йўқ” дегандай гап. Масалан, ўртаимёна маҳси кийиб юрсангиз бўлавереди, биров сезмаслиги мумкин. Лекин ҳар қандай ўртаимёна асар одамнинг ҳафсаласини пир қилади, ҳеч кимга сариқ чақалик нафи ҳам тегмайди. Шунинг учун ўзгаларнинг асарига вақт сарфлаганимга асло афсусланмайман. Ҳарқалай ўзим ёзишим мумкин бўлган “дурдона”ларга нисбатан юз чандон яхшироқ битикларни ўзбекчалаштирдим-ку. Китобхонга ҳам шу керак-да. Мана шу мулоҳаза менга таскин-тасалли беради.

– Бугун таржимон деганлари болалаб кетган, биласиз. Бирор тилдан сал-пал хабардор бўлса, таталаб ўқий олса – бас, таржимани қалаштириб ташлайверади, матнинг ўзбекча жаранги билан деярли иши йўқ. Бу ҳолнинг эса оқибати маълум: хом-хатала таржималар касридан бора-бора она тилимизнинг табиатига путур етади. Кўпдан-кўп хорижий сериалларнинг ўғирма тили бунга мисол. Устоз таржимон сифатида, ушбу соҳага ҳавас қўйган бугунги ёшларга қандай маслаҳат, ўғитларингиз бор?

– Гапингиз тўғри. Нашр этилаётган ҳамма таржималарни ҳам юксак савияда деб бўлмайди. Аммо таржима иши ўгиту маслаҳатлар билан ўнгланиб кетадиган юмуш бўлса кошки эди.

Хорижий тилларни биладиганларнинг ҳаммаси ўзини бадиий таржимага уриши шарт эмас. Мамлакатимизда туризм саноати кенг тармоқ отиб боряпти, кўпдан-кўп қўшма корхоналар ишлаб турипти, янгилари барпо этиляпти. Қолаверса, мактаблару лицейлар, коллежлару олий ўқув юртлари – барига тилмочлар, хорижий тил муаллимлари керак. Бунинг устига, хорижий тилда ёзилган ва бўлажак мутахассисларга сув билан ҳаводай зарур бўлган турли соҳага доир қанчадан-қанча илмий ва маърифий адабиётлар, дарслигу қўлланмалар ўз таржимонини кутиб ётипти. Уларни таржима қилиш учун бадиий тилнинг кераги йўқ, ўзбек адабий тилини пухта билишнинг ўзи кифоя. Умрни елга совурмаслик учун ёшларимиз таржиманинг қайси турига қўл уришни олдиндан аниқлаб олишлари зарур.

Бадиий таржимага қизиққан одамда эса (ёшми, қарими) сал-пал ёзувчилик салоҳияти бўлиши лозим. Акс ҳолда бирор натижа чиқиши қийин. Тилимизнинг имкониятлари чексиз-чегарасиз. Ҳамма гап ана шу имкониятдан фойдалана билишда. Бунинг учун эса ҳаловатдан кечини, ўқиш-ўрганиш, тинимсиз изланишга тўғри келади. “Ўзбек тили ўз она тилим-ку, бу ёғини қотириб ташлайман!” деган хомхаёлга берилмаслик керак.

Сериаллар ҳақида куйиниб гапирдингиз. Сиз ҳақсиз. Бу соҳада шошма-шошарлик, тилга эътиборсизлик сезилиб туради. Бу иш билан ҳам озми-кўпми шугулланганман. Сериаллар таржимасини мен тўла маънодаги бадиий таржима деб ҳисобламайман. Чунки буларда фақат диалогларгина ўзбекчалаштирилади. Аммо тил софлигини сақлашга ҳаммамиз масъулмиз, жумладан, телевидениедаги биродарлар ҳам.

Сухбатимиз чўзилиб кетмадими, а, Шоҳсанам?

– Мардона эътирофлару донишмандона мушоҳадаларга тўлиқ бундай мусоҳаба ҳарқанча чўзилса ҳам кишига малол келмайди. Энди сўнги, анъанавий саволга жавоб берсангиз: ўғлингиз ҳам ўзингизга ўхшаган таржимон ёки ёзувчи бўлишини хоҳлармидингиз?

– Хоҳлардим-куя... Аммо у тўрамда дармон бор-у, дард йўқ.

Серзавқ, ҳозиржавоб суҳбатдошимиз билан гурунг қизгин давом этди, албатта. Аммо биз унинг таржима санъатида оид қисми билангина кифояланиб, кутлуғ 75 ёш бўсағасида турган устоз мутаржимга умр ва ижод баракасини тилаб қоламиз.


**ШОҲСАНАМ суҳбатлашди.**

Абдухалил РАЗЗОҚОВ

# Темур Ҳокимлари

Ватанимиз тарихида XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср воқеаларга ниҳоятда бой тарихий-ижтимоий давр ҳисобланади. Чунки бу даврда мўғуллар ҳукмронлиги ва феодал тарқоқлик оқибатида иқтисодий, маданий-маърифий турғунлик ҳолатига тушиб қолган мамлакат мустақиллигини қайта тиклашга киришилди. Туркистон минтақасида Амир Темур (1336-1405 йиллар) марказлашган, кучли феодал давлат барпо этди. У салтанат қудратини ошириш учун биринчи навбатда ҳарбий ва иқтисодий ислохотлар ўтказди.

Амир Темур марказлашган, улкан давлатини идора этиш ва бошқариш тажрибалари асосида "Тузуқлар" аса-



Tamerlane's Empire, c.1400  
 areas subjected to Tamerlane's raids

рини яратди. Бу қомусий асарни таълиф этишда у пири комили Мир Саййид Бараканинг даъвати, маслаҳатига амал қилган. Кейинроқ “Тузуқлар” турли тилларга таржима қилиниб, жаҳон микёсида шуҳрат қозонгани маълум. Масалан, XIX асрнинг 30-йиллари ўрталарида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг III халқаро конгрессида ҳамюртимиз Жўрабек додхоқ Амир Темурнинг ноёб асарини XVII асрдаёқ Молдова ҳукмдори Кантемир таржима қилиб, Пётр Биринчига туҳфа этгани, Россиянинг буюк императори асардан рус армияси ва фуқароларни бошқаришда фойдалангани хусусида қизиқарли маъруза қилган.

“Тузуқлар”да Амир Темурнинг 1342-1405 йиллар оралиғидаги фаолияти акс этган бўлиб, у икки қисм – мақоладан иборат (дастлаб туркийда ёзилган, кейин форсчага ўгирилган). Китобнинг биринчи қисми асосан ягона давлат барпо этиш, уни мустақамлаш, қўшни мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш масалаларига бағишланган бўлса, иккинчи қисмидан Соҳибқироннинг ворисларига айтган панд-насихатлари, турли соҳалар, жумладан, ижтимоий-иқтисодий соҳага оид фикр-мулоҳазалари жой олган.

Асарда ўша даврдаги давлат тизими 12 ижтимоий тоифадан иборат бўлгани қайд этилган: 1) саййидлар, уламо машойих, фозил кишилар (дин аҳиллари); 2) ишбилармонлар, донишманд олимлар; 3) художўй, таркидунё қилган кишилар; 4) нўёнлар (туман бошлиғи), амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбийлар; 5) сипоҳ ва раият (солиқ тўловчи халқ); 6) махсус ишончли кишилар; 7) вазирлар, саркотиблар; 8) ҳақимлар (файласуф, донишманд аллома-

лар); 9) табиблар, мунажжимлар, муҳандис, тафсир ва ҳадис олимлари; 10) аҳли ҳунар ва санъатчилар; 11) суфийлар; 12) савдогар ва сайёҳлар. “Софдил кишилар – саййидлар ва фозилларга даргоҳим доим очик эди”, дейилади “Тузуқлар”да.

“Тузуқлар”да қўшин аъзоларининг маоши тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилган. Масалан, оддий сипоҳийнинг маоши у минган отнинг баҳоси (хуни) баробарида, баҳодирлар икки-тўрт от баробарида, ўнбоши қарамоғидаги аскарларга нисбатан икки баробар кўп, бироқ юзбошидан икки марта кам маош олган. Мингбошиларнинг маоши эса юзбошиникидан уч марта ортиқ бўлган.

Амир Темур тасарруфидаги ерлар улусларга бўлиб идора қилинган. Марказий ҳукуматга тобе бўлган улуслар Самарқандга хирож (олинган ҳосилнинг учдан бир қисми) тўлаши шарт қилиб қўйилган. Давлатни бошқаришда иқтисодий масалалар билан машғул амалдорлар алоҳида мавқе эгаллаган. Мисол учун, давлатдаги етти вазирдан икkitаси – эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш ишлари вазири ва салтанатнинг крим-чиқим ҳисобини бошқарувчи, яъни ҳозирги тил билан айтганда, молия вазири бевосита иқтисодий масалалар билан шугулланган. “Тузуқлар”да, вазирлар – салтанат устундир, дейилади. Улар мамлакат ободончилиги, раият тинчлиги, сипоҳлар бирлиги, ҳазина мўллагининг посбони ҳисобланган.

“Тузуқлар”да Амир Темур даврида ундирилган солиқ ва жарималар тўғрисида ҳам эътиборга молик маълумотлар мавжуд.





Ўша даврда солиқ тўловчи халқдан хирож, совурин, кўналға, бож, шилон пули сингари солиқ жарималар олинган. Бу икки тўловни йиғиш ва харж қилишга ўта жиддий ёндашилган. “Хирожни йиғиш вақтида, – деб уқтирилади “Темур тузуклари”да, – икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсин, бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг аҳволини харобга етказмасин. Вилоятларда йиғилган тамом мол-ашёни кирим дафтарига ёзишлари лозим. Иккинчи вазир эса чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган молларни сипоҳ маошига тақсим қилсин”. Кўриниб турибдики, ҳозирги ибора билан айтганда, ўша даврларда ҳам бухгалтерия ишини тўғри йўлга қўйиш талаб этилган. Хирож суғориладиган ерларда ҳосилнинг учдан бири (33 фоиз), лалмикор ерларда эса тўртдан бири (25 фоиз) миқдоридан тўланган.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ҳикмат Собировнинг маълумотларига кўра, Амир Темур даврида бюджет тушунчаси амалда бўлган, нафақат марказий хазинага келиб тушиб, унинг ҳисобидан қилинган харажатлар, балки вилоятлардаги барча кирим-чиқимлар ҳам қайд этиб борилган.

Амир Темур фикрича, салтанат уч нарса – мулк, хазина ва лашкар билан тикдир. Доно вазир буни чуқур англаб етмоғи зарур.

Динга эътибор кучли бўлиб, масжидга, дин аҳлига вақф ва суюрғол ажратилган. Юртни обод қилишга кўп куч ва маблағ

сарфланган. “Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи-мусофирлар учун работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим” дейилади асарда.

Шунингдек, савдо-сотиқни ривожлантириш ҳам муҳим масала ҳисобланган. “Ҳар бир мамлакат ва диёрга савдогарлар ва карвонбошилар тайинладимки, улар қаерга боришмасин: Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум (Туркия), Жазоир, Фарангистон, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тухфаларидан келтиришсин. Ўша мамлакатларда яшовчи кишиларнинг ҳола-аҳволи, туриш-турмушлари ҳақида менга хабар олиб келишсин. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканини аниқлашсин”, деб таъкидлайди соҳибқирон бобомиз.

Амир Темур давлатида девони бузурдан (бош вазир) ташқари ҳар бир вилоятда “девон” деб аталадиган бошқарма бўлган. У давлатнинг барча муассасалари ишини қатъий назорат остига олган. Девон ходимлари халқнинг тинч-осойишта турмушини таъминлашга ҳам масъул бўлган. Улар бозорлардаги тош-тарози, нарх-навони текшириб борган. Қаллоблик, товламачилик қилган савдогарлар бозорнинг ўзида, халқ кўз ўнгида жазоланган.

Халқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва бозорни монополиядан муҳофаза этиш мақсадида савдогарларга олиб келган моли учун 10 фоизгача устама нарх қўйишга рухсат этилган. Шу тариқа бозорлар сифатли, ранг-баранг ва, энг муҳими, арзон маҳсулотлар билан тўлиб-тошган.

Давлат хазинаси асосан солиқ ва ўлпонлар ҳисобидан шаклланган. Лекин

бунда ижтимоий меҳнатнинг баъзи турлари билан машғул бўлган халқ вакилларига имтиёзлар жорий этилган. Масалан, ким дашт ерни обод қилса ёки кориз (ер ости сув иншооти) қурса, боғ барпо этса ёхуд хароб ётган бирон жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган. Иккинчи йили эса раият ўзи рози бўлиб берган маблағлар солиқ ҳисобига ўтаверган. Фақат учинчи йилдан бошлаб солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирож йиғилган. Солиққа тортишдаги ана шундай имтиёзлар тадбиркор ва ишбилармон фуқароларни рағбатлантирмай қолмас эди. Бунинг натижасида юрт обод, халқ фаровон бўлган.

Ана шундай тарихий тажриба асосида мамлакатимизда бугун ҳам янги иш бошлаётган тадбиркорларни маълум муддатгача солиқдан озод қилиш ёки уларга имтиёз ва энгилликлар бериш усуллари кенг қўлланмоқда. Халқ хунармандлиги билан шуғулланаётганлар эса солиқдан тўлиғича озод этилган.

Бундан ташқари, Соҳибқирон даврида хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берилган. Амир Темурнинг шахсан ўзи Англия ва Франция қиролларига мактублар йўллаб, ушбу давлатлар билан алоқаларни изчил йўлга қўйиш мақсадида Марказий Осиёдан ўтадиган карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш учун махсус карвонсарой ва савдо расталари курдирган.

Маълумки, Амир Темур салтанатининг чегараси ҳарбий юришлар даврида беқарор эди, лекин шунга қарамай, юртдан бирон нарса сўроқсиз ташқарига олиб чиқиб кетилмаган. Буюк аждодимиз бу ҳақда шундай ёзади: "Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар. Ўғри ва қароқчиларни жазоласинлар, фасодчи, бузуқчи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Атрофдан кирган-чиққан мол-мулк, четдан кирган ва чет-

га чиқадиган ёт кишилар ҳақида хабар етказиб турсинлар".

Академик Иброҳим Искандаров фикрига кўра, Амир Темур кўшинида доимо хўжалик ишлари билан шуғулланувчи катта бир бўлим бўлган. Бу бўлим раҳбарлигида жойларда экин экилиб, чорва моллари боқилган, шу тариқа кўшин таъминоти учун зарур барча нарса муҳайё этилиб, босиб олинган давлат аҳолисининг талон-тарож қилинишига изн берилмаган. Француз тадқиқотчиларининг асарларида ҳам бу ҳақда маълумотлар бор. Энг муҳими, Соҳибқирон олиб борган сиёсат шундай бўлганки, аниқ сабаб билан бирон бир ҳукмдорга қарши (юртга эмас) юриш қилинадиган бўлса, унга олдиндан ихтиёрий таслим бўлиш таклиф этилган. Розилик олинган тақдирда ҳеч қандай жанг, тўс-тўполон, талон-тарожга йўл қўйилмаган, маҳаллий аҳолининг ўзини ўзи эркин бошқариш тизими сақлаб қолинган.

Манбаларда қайд этилишича, Амир Темур даврида ҳар қандай одам олтин-кумуш ва бошқа жавоҳирлар солинган патнисни бошига қўйиб, давлатнинг у чеккасидан бу чеккасигача бемалол, бежавотир олиб ўтиши мумкин бўлган, яъни салтанатда адолат, тинчлик-осойишталик, инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги таъминлаган. Бу эса иқтисодий ривожланишнинг бош омили бўлган.

Амир Темур мамалакатда гадойлар бўлмаслиги керак деган қоидага амал қилиб, бунинг чорасини кўрган. Гадейларни бир ерга тўплаб, уларга бир йиллик керакли озиқ-овқат, кийим-кечак берилган, сўнгра эса фойдали ишларга жалб этилган.

"Уларни (яъни савдогарларни) азиз ва муқаррам тутсинлар ва бирор киши уларга зўронлик қилмасин, чунки жаҳон тижорат аҳли билан ободдир", деб ёзади Соҳибқирон Франция қироли Карл Олтинчига юборган хатида. Унда мовароуннаҳрлик савдогарларга имтиёзлар бериш сўралган ва икки мамлакат ўртасида савдо муносабатлари ўрнатиш кўзда тутилган.

Амир Темур ташаббуси билан Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлар атрофида ўнлаб ажойиб боғлар махсус тарҳ асосида барпо этилган. Шу тариқа мамлакатда бунёдкорлик ва эзгулик барқарор бўлган.

\*\*\*

Амир Темурнинг ўғли Шохрух Мирзонинг подшолик даври (1409–47 йиллар) темурийлар салтанати тарихида алоҳида ўрин тутаяди. Ҳирот Шохрух ва унинг ворислари ҳукмронлик қилган даврда Ўрта Шарқдаги йирик шаҳарга ҳамда темурийлар ҳокимиятининг пойтахтига, маданий марказлардан бирига айланди. Шаҳарнинг иқтисодий ва сиёсий юксалишига унинг жуғрофий жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашгани асосий сабаб бўлди. Ҳирот темурийлар идора қилаётган ҳудуд марказида жойлашгани учун босқинчилар ҳужумидан мустаҳкам ҳимояланган истеҳкомни эслатарди. Яна бир томони – Осиё ва Европа мамлакатларини бир-бирига боғловчи халқаро савдо йўли айнан шу ерда туташган эди. Таниқли афғон олими, профессор Муҳаммад Али “Афғон маданияти тарихи” китобида бундай ёзади: “Темурийлар деб юритиладиган Темур ворислари ҳақиқий маънодаги маърифатли кишилар, санъат ва фаннинг йирик ҳомийлари эди. Ҳиротни пойтахт этган темурийлар бу шаҳарда ажойиб бинолар бунёд қилган ва санъат, адабиёт, фалсафа, хаттотлик, меъморликда ўз ҳомийлигини кўрсата олган”.

Ҳиротнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатидаги аҳамияти XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида айниқса ортди. Бу даврда шаҳар Ҳусайн Бойқаро (1469–1506 йиллар) ҳукмронлигига ўтган эди. Айтиш керакки, Шохрух даврида салтанат бутунлиги сақланган бўлса-да, амалда икки давлат мавжуд эди. Бирини – маркази Ҳирот бўлган Хуросон, иккинчиси – маркази Самарқанд бўлган Мовароуннаҳр. Демак, 1447 йилгача амалда икки давлат бўлиб келган Хуросон ва Мовароуннаҳр

1447–49 йиллар давомида ягона давлат сифатида Улуғбек томонидан бошқарилган.

Мирзо Улуғбек қирқ йил давлатни бошқарган бўлса-да, тарихда кўпроқ бунёдкор инсон, буюк аллома сифатида шухрат қозонган. Айни вақтда Улуғбек бошчилигида Мовароуннаҳрда баъзи ислохотлар, жумладан, пул, солиқ ислохотлари ўтказилганини инкор этиб бўлмайди. Айниқса, янги-янги суғориш тармоқлари қурилиб, улар тошховуз, дарғот, наво, чигир, чархпалак, қайнама, шаршара, осма кўприк, хандак, тазар ва сардобалар каби турли-туман сув иншоотлари билан жиҳозлангани юрт ободончилигида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Улуғбек ҳукмронлиги даврида ғалла ғарам қилинмай туриб солиқ тўплаш ман этилиши деҳқонлар меҳнатида адолатли муносабатни қарор топтиришда ижобий роль ўйнаган. Чунки ҳосилини йиғиб олгандан кейингина деҳқоннинг солиқ тўлаш имкони бўлган. Солиқ ҳосилнинг етилишига қараб уч муддатда – саратон (июнь-июль); сумбула, мезон (август ва сентябрь); қавс (ноябрь) ойларида олинган. Борди-ю солиқ бошқа исталган пайтда олинса, деҳқонлар ердан қолган мол-мулкни арзон-гаров сотишига тўғри келар, бу эса уларга катта зиён етказар эди. Яна бир муҳим жиҳати – солиқ йиғиш пайтида солиқчилар деҳқон, чорвадор ёки боғбонга зуғум ўтказмаслиги, жисмоний куч ишлатмаслиги ва ишни уруш-жанжалга олиб бормаслиги шарт қилиб қўйилган. Шу тариқа инсоннинг ҳуқуқий дахлсизлиги таъминланган.

Бу даврда ички ва ташқи савдога катта аҳамият берилган. Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа кўпгина давлатлар билан савдо алоқалари ўрнатилган. Элчилар асосий савдо ва алоқа тармоғи





бўлган Буюк ипак йўли бўйлаб хавфсизлик чораларини таъминлаш борасида улкан ишларни амалга оширган.

Мирзо Улуғбек томонидан 1428 йили ўтказилган пул ислохоти иқтисодиёт ривожида ижобий

аҳамиятга эга бўлди. Ислохот давомида муомаладаги олтин ва кумуш пуллар фулусий пулга алмаштирилди.

Улуғбек аҳолини ички чакана савдога кенгроқ жалб этиш мақсадида муомалада бўлган барча қадрсиз чақаларни бекор қилган. Эски олтин ва кумуш чақалар қисқа вақт давомида янги фулусларга алмаштирилган ҳамда мис пул зарб этишни (эмиссияни) марказлаштириш учун бошқа шаҳарлардаги зарбхоналар ёпилиб, фақат Бухородаги зарбхонага сақлаб қолинган. Бунинг сабаби шуки, Бухоро заминида олтин-кумуш конлари кўп бўлган. Халқ орасида "фулуси адлия", яъни "адолатли чақа" номи билан шуҳрат топган бу янги пул Мовароуннахрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалага киритилган. Ички чакана савдо муносабатларидаги пул танқислиги муаммосига фулуснинг вазни ва қийматини ошириш йўли билан чек қўйилиши ўша давр учун муҳим янгилик бўлган, шу йўл билан мамлакатда ҳунармандлик ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдоси учун қулай шароит яратилган. Олди-сотди жараёнлари жонланиши натижасида мамлакат иқтисодиёти ривож топган.

Шу ўринда иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга молик бир жиҳат ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Фулус тангалар жорий қилиниши билан мамлакатдаги қимматли (олтин, кумуш) пулнинг четга чиқиб кетиши олди олинган. Сир эмаски, барча давр-

ларда (ҳозир ҳам) савдогарлар валюта-ни олиб юриш ва олиб кетиш иштиёқида бўлади. Айни сабабга кўра, жаҳондаги барча давлатларда четга валюта олиб чиқиш квотаси белгиланган бундан асосий мақсад – ички пул муомаласини тартибга солиш, давлат хазинасида камомадга йўл қўймасликдир. Шуниси диққатга сазоворки, пул ислохоти Мирзо Улуғбек томонидан XV асрда ниҳоятда оқилона амалга оширилган бўлса, Фарбда анча кейинги даврларда ўтказилган. Аниқроқ қлиб айтганда, бу ижобий тажрибадан Фарб дунёси унумли фойдаланган.

Улуғбек яна бир шундай чора-тадбир ҳам кўрганки, унинг муҳим ижобий жиҳатлари тарихий манбаларда қайд этилган. Бу ўринда сўз тамға божи миқдорининг бирмунча оширилгани ҳақида бормоқда. Бу ислохот ҳам давлат хазинасини бойитишга ёрдам берган. Аммо хориж савдогарлари учун бу усул ҳаммиша ҳам қулай бўлавермаган. Чунки ишбу ислохот, ҳозирги давр тили билан айтсак, протекционизм сиёсатини ёқлар эди.

Ўрни келганда эслатиб ўтмоқчимизки, бугунги кунда ҳамма биладиган "таможня" сўзи аслида туркий бўлиб, "тамға божи" бирикмасидан келиб чиққан. Бу эса бир замонлар мамлакатимизда савдо-сотик муносабатлари ниҳоятда ривожланганини билдиради. Айтиш керакки, русча "деньги" сўзи ҳам "танга" сўзидан олинган.

Мирзо Улуғбек Самарқанд ва Бухорони Мовароуннахрнинг илму маърифат марказига айлантиришга интилди. Унинг фармони билан 1417 йил Бухорода, 1417-20 йиллари Самарқандда ва 1433 йили Ғиждувонда мадрасалар бунёд этилди. Бухородаги мадраса пештоқига, "Билим олмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздор" деган ҳадиси шарифнинг ёздириб қўйилгани илмга эътиборнинг ёрқин намунаси эди.

Падаркуш Абдуллатиф эса салкам олти ойлик подшолиги даврида (1449-50 йиллар) чегара ҳудудларда тамға божини

бекор қилган. Албатта, бундай қарорнинг иқтисодий жиҳатдан ижобий аҳамияти бор. Чунки айна ҳолатда ташқи савдо эркинлашган. Балки Абдуллатиф ана шу муҳим ўзгариш орқали ўз тарафдорларини кўпайтириб, Самарқанд аҳли олдида юзини ёруғ қилиб олмоқчи бўлгандир...

\*\*\*

Мутафаккир шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижодий меросида ҳам иқтисодий ғоялар муҳим ўрин эгаллайди. Унинг асарларида савдогарлик иши маъқулланади, товламачи ва чайқовчилар танқид остига олинади.


Маълумки, Навоий йирик давлат арбоби – бош вазир сифатида мамлакатда тинчлик-осойишталикни сақлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, ободончилик ва бунёдкорликка улкан ҳисса қўшган. Шуниси диққатга сазоворки, ул зот мингта иншоот қуришга ваъда бериб, амалда бунинг уддасидан чиққан. Жумладан, ўнлаб мадраса, ши-фохона, ҳаммом, кўприк, работ ва бошқа иншоотларни шахсий маблағи ҳисобидан қурдирган. Мулкни ижарага беришдан тушган даромадни савобли ишларга сарфлаган. Жумладан, мадраса толибларини моддий жиҳатдан таъминлаган.

Хусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган давр Хуросонда жадал ривожланиш даври бўлди. Савдо-сотик, хунармандчилик

ва деҳқончилик равнақ топди. Янги-янги ирригация иншоотлари барпо этилди. Навоий суғориш шохобчалари иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили эканини яхши англаган. Унинг бевосита раҳнамолигида 70 дан ортиқ канал ва ариқлар қазилган. Яна бир муҳим масала – унумдор ерларни кенгайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратган. У бойликни икки йўл билан топиш мумкин деб ҳисоблайди. Биринчи йўли – меҳнат билан бойлик орттириб, тўқ яшаш. Бундай бойлик топишга шоир хайрихоҳлик билдиради. У тўлланган бойликни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини сарф этилган харажатни қоплашга, иккинчи қисмини ўзи ва оиласи эҳтиёжларини қондиришга, учинчи қисмини эса ижтимоий манфаатлар йўлида харж этишга қақиради.

Бойлик топишнинг иккинчи йўли – ўғрилиқ, таъмагарлик ва зўравонликни Навоий кескин қоралайди. Шу йўл билан бойлик орттираётган кимсаларни жамият ҳисобидан кун кўраётган текинхўр қатлам деб ҳисоблайди.

Дурдона асарларидан бири “Маҳбуб ул қулуб”да ҳам Алишер Навоийнинг иқтисодий қарашлари, ўй ва ниятлари мужассамлашган. Бу асарда у жамиятнинг ижтимоий табақаларга бўлиб, уларнинг жамиятдаги ўрнини аниқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Асарнинг биринчи қисмида турли табақа ва касб эгаларига таъриф берилган. Иккинчи, учинчи қисмларида эса яхши феъллар ва ёмон хислатлар тўғрисида сўз боради. Муаллифнинг фикрича, деҳқонлар, хунармандлар ва хорижча чикувчи савдогарлар жамиятда моддий неъмат етиштириш ҳамда мамлакат бойлигини оширишда муҳим ўрин тутуди. Жамият учун фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш учун одамлар ўртасида ҳамжиҳатлик бўлмоғи керак. Бундай қарашлар орқали меҳнат тақсимотининг жамият ривож учун нақадар муҳим экани таъкидланади. Масалан, деҳқонга меҳнат қуроллари



зарур бўлса ҳунармандга эса нон керак, айни чоқда деҳқон ҳам ҳунарманд чорвачилик маҳсулотларига муҳтож. Шундай қилиб, барча турдаги ишлаб чиқарувчи кучлар бир-бирисиз ривожлана олмайди. Деҳқонлар ва бошқа соҳада машғул кишилар бир-бири билан ишлаб чиқариш жараёнида, тақсимотда, айирбошлашда ва истеъмолда ўзаро алоқада бўлиши, яъни ихтислашувга киришмоғи керак. Бу қарашлар Навоийнинг ажойиб иқтисодий тафаккурдан далолатдир.

Буюк шоир жамият деҳқон меҳнати устига қурилганини эътироф этади. Деҳқон меҳнатининг маҳсулини новвой, унфуруш, қушчи, машоқчи ва бошқалар орзиқиб кутади. Шу ўринда Навоий ишлаб чиқариш муносабатларига ҳам тўхталади. Унинг фикрича, деҳқон ўз эҳтиёжларидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, жамиятни ва аҳолини моддий неъмат билан таъминлайди. Шоир бобомизнинг ушбу мулоҳазаси кўшимча маҳсулот фақат қишлоқ хўжалигида юзага келади деган физиократлар фикрига мос келади. Физиократлар XVIII асрда Францияда (Ф.Кенэ, А.Тюрго) шундай таълимотни илгари сурган. Демак, Марказий Осиё мутафаккирлари бу гоёни улардан анча аввал баён этган.

Алишер Навоий “Умрни зое этма, меҳнат қил, меҳнатни саодатнинг калити бил!” деган ҳаётий даъват билан замондошларига, келажак авлодларга мурожаат қилади. Қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакат қудратини оширишда катта аҳамият касб этишини таъкидлайди. Бу фикр феодализм гуллаб-яшнаган, унинг негизини деҳқончилик ишлаб чиқариши ташкил қилган бир даврда ўта ҳаққоний эди.

Навоийнинг фикрича, савдогарнинг мол сотиб олишдан мақсади – уни янада қимматроққа сотиш. Ул зот олибсотарлар ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Шаҳар олибсотарлари хиёнатчи, ўзига фойда ва бошқаларга қаҳат истовчи, унинг фойда-

си – халққа зиён, арзон олиб қиммат сотиш – унинг орзуси. Олишда шойини бўз дейди, сотишда бўзни мақтаб шойи, дейди. Молини ўтказа олса, тўхталиб туриш йўқ. Дўқонида инсофдан бошқа барча мол мавжуд!”

Навоий ўзи ишлаб чиқариш соҳасида машғул бўлмасда, жамият равнақи учун меҳнат қилаётган инсонларни эъозлайди, уларни шахсий маъсулиятни ҳис қилишга ва бурчни бажаришга чақиради. Савдо-сотиқ ва савдогарларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, товламачилар, инсофини йўқотганларни аёвсиз танқид қилади.

Маълумки, мумтоз иқтисодиёт мактаби вакиллари муомала соҳасида бойлик яратилмайди деб ҳисоблаган. Навоий фикрича, муомала, яъни одилонга савдо соҳасида ҳам ўзаро фойдали фаолият кузатилади. Бундай қараш ҳозирги давр маржинализм иқтисодий таълимотида исботланган.

Юқорида номлари зикр этилган буюк аждодларимизнинг ибратли фаолияти, бебаҳо мероси ҳақидаги мухтасар фикрлардан аён бўлмоқдаки, эл-юрт равнақи, миллат саодатини ўйлаб яшаган беназир зотлар жамият ҳаётининг бошқа соҳалари каби унинг иқтисодий турмуши билан боғлиқ масалаларни ҳам ҳеч қачон четлаб ўтолмаган. Она халқи ва юртига бўлган меҳр, юксак инсоний идеалларга садоқат ҳисси уларни бу борада ҳам улкан қалб, юксак тафаккур билан ўз фикрини ёниб-қуйиб ифода этишга ундаган ва ул зотлар буни фарзандлик, одамийлик бурчи деб билган. Таъкидлаш керакки, буюк аждодларимизнинг бундай ёрқин фазилатларида барчамиз учун беҳад улуғ ибратлар мужассамдир.



Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ

**“ONG OQIMI” – RIVOYA SHAKLIMI  
YOKI JANR?**

Йигирманчи юзйилликда жаҳон сўз санъатида турли адабий йўналиш ва оқимлар майдонга келди. Қалам аҳли ҳар хил иррационал фалсафий таълимот ва эстетик назариялар замирида янгича услуб ҳамда жанрларни кашф этишга киришди. Охиروқибат мумтоз маданият анъаналаридан узоқлашиб, воқеликни реалистик тасвирлашдан воз кечиш янги қиёфадаги адабиёт ва санъат асарлари вужудга келишига сабаб бўлди. Инсон руҳий кечинмалари ва ҳис-туйғуларини бевосита тасвирлаш янги адабиёт муҳибларининг бош шиорига айланди. Эндиликда адабиёт ва санъат янги мақсад – турфа сўз, ранг ва товушлардан “мукамал уйғунлик” яратишга хизмат қила бошлади.

Формализм, яъни фалсафа, санъат, адабиёт каби соҳаларда шаклни мазмундан, назарияни амалиётдан ажратишга интилувчи идеалистик йўналиш тарафдорлари фикрича, сўз, ранг ва товушларнинг ўзаро алоқадорлиги инсонда маънавий, мафхуравий ва ҳаётий мазмун-моҳиятдан холи соф эстетик ҳис-туйғулар туғдира оладиган, бинобарин, мутлақо ўзига хос маънога эга бўлган шаклни ҳосил қилмоғи зарур эди. Бу, ўз навбатида, бадий ифодага ҳаддан зиёд кўп диққат-эътибор қаратилишига, оламни эстетик талқин этишда реал воқелиқдан узоқ мавҳум шакллар яратилишига олиб келди. Лекин, таъкидлаш жоизки, мазмун-моҳият жиҳатидан аслида ҳаққоний бўлган,

реализм талабларига тўлиқ мувофиқ келувчи бадиий адабиёт "тажрибавий санъат" шаклида бўй кўрсатди. Шу боис XX аср Европа ва Америка минтақаси адиблари ижоди учун формализм воситасида реализм сари интилиш хосдир. Ушбу ёзувчилар ижодида модернизмга хос услубий тенденцияларнинг акс этиши мазкур асарларни идрок қилишда китобхонга қўйиладиган талабларни орттирди.


Айни чоқда, модернистик услублар сирасида адабий мулоқотнинг энг оддий тамойилларини атайлаб бузиш, уларга мумкин қадар риоя қилмаслик кайфияти пайдо бўлдики, бу ҳолат мулоқотнинг куйидаги турларида намоён бўлади: а) семантик, яъни у ёки бу бадиий кўчимнинг семантик майдонини танлаш; б) ахборот, яъни қахрамонлар ҳақида бирон бир маълумот келтирилмаслиги, персонажларнинг объектив тавсифи йўқлиги, ривоянинг чалкаш-чулқаш, узук-юлуқлиги, асарда ечим йўқлиги; в) мафкуравий, яъни асосий урғу тағмаънога кўчирилиши, муаллиф концепцияси очик матн ва тағмаънодаги ўзаро нисбат ўзгариши орқали аниқланиши, билвосита кўчирма гапга мурожаат этилиши, воқеаларни муаллиф ёки бошқа шахс тилидан ҳикоя қилишнинг қахрамон ички нутқига алмаштирилиши; г) композицион, яъни ҳавола этилаётган материалнинг хронологик бетартиблиги, мантиқсизлиги, ривоянинг инверсивлиги, сюжет чизикларининг чигаллаштириб юборилиши ва матн равонлиги бузилиши; д) ассоциатив, яъни китобхон идрок этиши қийин бўлган образ, тушунча, тасаввур, ҳис-туйғу ва ҳоказоларнинг ўзаро боғланган субъектив алоқадорлиги.

Мазкур чигаллашган ҳолатлар "ўзига хос хилма-хил" идрок учун мўлжалланган бўлиб, матнда муаллифнинг аниқ-тиниқ анланган усуллари сифатида намоён бўлади. Аммо бу ўринда "нозиктаъб китобхон"ларга мўлжалланган элитар адабиётнинг нафис усуллари назарда тутилмаётганини ҳам инобатга олиш зарур. Гап китобхоннинг бадиий асарни идрок қилиш борасидаги қобилият ва иштиёқларини янада фаол-

лаштириш, уни тобора мураккаблашиб бораётган адабий жараёнга яқинроқ жалб этиш ҳамда муаллиф нигоҳи-ла кўрилган, анланган ва тасвирланган дунё билан теранроқ таништириш хусусида кетмоқда. Шунга қарамасдан, муаллиф дунё ва инсон устидан ҳукм юритаётган қонунятларни имкон қадар тўлиқ очиб беришга, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг маъно-моҳиятини теранроқ кашф этишга, бадиий воқеликни фавқулудда оҳорли ва ёрқин гавдалантиришга ҳамда китобхон онгида шунга мутаносиб эстетик қарашларни шакллантиришга эришолган тақдирдагина бундай "ноанъанавий, яъни ноклассик стилистика" матнда ўзини оқлайди, самара беради.

Ҳозирги санъат ўтмиш ажодларникидан мутлақо фарқ этувчи замонавий инсон руҳиятига тўлиқ мос келиши зарур, деган қараш модернизмнинг асосий тамойилларидан бирига айланди. Ушбу йўналиш тарафдорларининг фикрича, янги санъат ҳозирда инсон онги парчаланиб, яхлитлиги, барқарорлигини йўқотгани, унда эзгулик ва гўзаллик идеалларига ишонч сўнганини акс эттириши лозим; энг муҳими, санъат маъносиз, мазмунсиз нарсаларни маъноли, мазмундор қилиб кўрсатишга, ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар бетартиблигини асарда бетартиблаштиришга асло ҳақли эмас. Инсон қалбининг бундай мувозанатни йўқотган ҳолати тасвирий санъатда ранг, чизги ва бўёқ қоришигидан яралган мубҳам манзараларда; ҳайкалтарошлик санъатида ҳаддан ташқари ғалати ва бежамдор шакллар пала-партиш қалашишида; муסיқа санъатида товушларнинг оҳангсиз бетартиб пўртанасида ифода топган бўлса, адабиётда нутқ, қолаверса, сўзларнинг мантиққа тўғри келмайдиган оқи-мида намоён бўлди.

Ғарб насрида "онг оқими" деб номланган ривоя тури оммаллашиб кетди, инсоннинг руҳий ҳолати, маънавий қиёфаси, ҳис-туйғулари, фикру хаёллари, мушоҳада жараёнларини ифодалаш унинг ўзига хос усулига айланди. XIX аср охирида америкалик таниқли руҳшунос Уильям Жеймс (1842-1910) "онг оқими" (stream of consciousness)



тушунчасини илмий истеъмолга киритганида, шахс ички дунёсини тасвирлашни афзал кўрувчи янги модернистик бадий усул айнан шундай номлишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Аммо бадий адабиётда "онг оқими" муайян йўналишни таърифловчи атама, ўзига хос ижодий услуб ёки тасвир усулигина эмаслигига алоҳида урғу бермоқ лозим. Унинг генезиси, тафаккур тарзи, психологик таҳлили, аслида, анланганлик ва анланмаганлик, тушунарлилик ва тушунарсизлик, маънолилик ва маъносизлик, онглилик ва ғайришуурийлик тушунчаларига бориб тақалади. Шу сабабдан адабиётшунос ва тилшунослар "онг оқими"нинг айна хусусият ва тамойилларини тадқиқ қилганда, аввало, фалсафий манбалари – У.Жеймс, А.Бергсон, З.Фрейд, К.Г.Юнг таълимотларига мурожаат этади.

Инсон ички дунёсини бадий таҳлил, янада муҳими, бевосита тасвир орқали очиб бериш, унинг туб қатламларигача кириб бориш, руҳий ҳолат ва кечинмаларни акс эттириш, фикр ва мушоҳада жараённи бошдан охир изчил ёритиш "онг оқими" адабиёти пешволарининг асосий тасвирий воситаси, бадий услубига айланди. Психологик таҳлилнинг ушбу усули туфайли кўп ҳам аниқ сезиб, ҳис этиб бўлмайдиган маконга, яъни четдан кузатганда тушуниб етиш душвор бўлган мавқега чиқиш ва худди шу жойда туриб фикрлаш, ҳис этиш, тушуниш жараённи қаламга олиш бадий адабиётда жуда қадимдан драматик монолог, ҳикматли сўз ва иборалар, эпистоляр жанрга мансуб асарларда пайдо бўлганини таъкидлаш ўринлидир.



Лоренс Стерн

XIX асрнинг иккинчи ярми сўз санъатида психологик тавсиф тараққий қилган давр ҳисобланса-да, бироқ XVIII асрдаёқ инглиз адаби Лоренс Стерн (1713-68) бундай талқин ривожига катта ҳисса қўшган эди. Айнан шу ёзувчи асар матнида "ақл ўйинини ғаройиб ва антиқа йўсинда" ифодалашга ҳаракат қилди, "пинҳона руҳий жараёнлар"га диққат-этиборни кучайтирди. Стерннинг илк романи – "Тристрам Шенди ҳаёти ва маслаклари" асари (*Life and Opinions of Tristram Shandy, Gentleman, 1759-67*) ёзувчига шон-шухрат келтирди. Адиб кашф этган бадий услубнинг янгилиги, ўзгача ифодавийлиги нафақат адабий танқидчилар, балки китобхонлар оммасининг ҳам эътиборини тортди. Бу роман пухта режа асосида батартиб ёзилган асардан кўра кўпроқ пала-партиш лавҳа ва парчалардан ташкил топган "мажмуа – роман"га ўхшайди. Асар қизиқарли сюжет, драматик саҳналар, фавкулудда характерлар, рангбаранг ҳажвий лавҳа ва ўткир иборалар қуроғини эслатади. Муаллиф жуда зукко, билимдон бўлгани сабаб ҳикоя гоҳ кулгили ва мароқли, гоҳ қалтис "тарих"лар билан бўлиниб туради. Бундай чекинишлар ҳар қандай анъана ва қоидадан ўзини озод деб билган муаллифнинг янги, ёрқин услуби сифатида намоён бўлди. Мунаққидлар Стерннинг ривоя йўлини кескин танқид қилган бўлса-да, аслида, асар режаси бошдан пухта ўйланган эди. "Ишнинг кўзини билиб, маҳорат-ла китоб ёзиш – дилкаш суҳбатга тенг", деган эди Стерн. Дарҳақиқат, муаллиф "воқеа"ни ҳикоя қилиш асосида китобхон билан жонли, мазмундор суҳбат қуриш таомилига риоя қилган. Замондошлари Стернни буюк Рабле ва Сервантес билан бир сафга қўйди, вақт ўтиб эса, у Ж.Жойс, В.Вулф, У.Фолкнер каби ёзувчилар ижодида "онг оқими" услуби пайдо бўлишига замин яратгани аён бўлди.

Инсон табиати, унинг ҳис-туйғу ва фикр-кечинмалари, ички руҳий жараёнларини тасвирлашга ўтиш нуқтаи назаридан XIX асрнинг буюк адаблари – Стендаль, Бальзак, Флобер, Толстой, Достоевский Стерннинг



содиқ издошлари бўлди. Лекин номи зикр этилган ушбу адиблар ижодиди "онг оқими" тўлиқ намоён бўлолмади. Гап шундаки, Ғарб адабиётида "онг оқими" аксарият "ички монолог"га тенглаштириллар, у билан бир хил деб ҳисобланар эди. XIX аср иккинчи ярми романидаги психологизм хусусида фикр юритганда, персонаж ҳис-туйғулари, фикр-хаёлларини ифодалаш шакли ўлароқ айнан "ички монолог" назарда тутилади, муаллиф образи бир четга сурилиб, персонажга жой бўшатиб бериши – айнан персонаж олдинги қаторга чиқиши тушунилади.

Модернизм адабиётида эса "онг оқими" воқеликни бадиий акс эттиришнинг асосий услубига айланди. Шу сабаб "онг оқими"ни анъанавий тус олган, умумэтироф этилган "ички монолог" тушунчаси билан тенглаштириш нотўғридир. Негаки, тажрибани хуш кўрган модернизм вакиллари ижодиди "онг оқими" ривоянинг ўзига хос тури бўлиб ажралиб чиқди. Биринчидан, у "психологик таҳлил" унсурларини ўзида жамласа, иккинчидан, ички нутқнинг, яъни фикр юритишнинг сўзга эврилган оқими, аниқроғи, онг оқимининг деярли барча жиҳатларини қамраб олади.


"Онг оқими" бевосита ҳикоя қилишга йўналтирилгани, яъни тўғридан-тўғри тасвир объектига айлангани билан модернистик услубнинг ўзига хос хусусияти, бошқалардан фаркли жиҳати сифатида намоён бўлди.


XX аср бошида шаклланган "онг оқими" услуби ўз теварагига М.Пруст, Г.Стайн, В.Вулф, Ж.Жойс, Ж.Дос Пассос, У.Фолкнер, Н.Саррот сингари

машҳур адибларни бирлаштирди. Жеймс Жойснинг "Улисс" романини анъанавий "ички монолог"дан сўзма-сўз қозоғга туширилган фикр оқимигача бўлган "ички нутқ" қомуси деб таърифлаш мумкин. Сабаби, унда тиниш белгиларига ва раван матн қоидаларига умуман амал қилинмаган.

Хуллас, модернизм тарафдорлари ягона замонавий услуб деб қабул қилган "онг оқими" руҳий жараёнларнинг оқувчанлигини, атроф-муҳитни идрок қилишнинг парчалардан иборатлигини ҳамда бутун борлиқнинг узуқ-юлуқлигини тасвирлашга майл билдириши билан санъатнинг бошқа турлари, масалан, рангтасвир ва мусиқадаги янги йўналишларга ҳам катта таъсир кўрсатди. Энг муҳими, у фақат тасвир усули ёки тасвир техникаси бўлиб қолмай, муайян услуб ва матн яратиш воситаларига эга тажрибавий йўл сифатида ҳам намоён бўлди. Шу боис то ҳозирга қадар "онг оқими" – ривоя шаклими, адабий йўналиш, адабий услуб, стилистик усул, бадиий тажриба ёки жанрми, деган савол атрофида қизгин баҳс-мунозаралар давом этмоқда.

Адабиётшуносларнинг аксарияти "онг оқими"ни жанр сифатида қабул қилишни хато деб ҳисоблайди. Чунки жанр бу – бадиий асарнинг (достон, роман, масал ва ҳоказо) тарихан шаклланиб келган бир тури деган қоида мавжуд. Бироқ адабиётшунослиқда бошқа фикр ҳам бор бўлиб, унга кўра, жанр – муайян бадиий маънога эга хусусиятлар мажмуасигина эмас, балки ўз архитекtonикаси, услуби, ранглар уйғунлиги негизда бадиий маънони бирон бир шаклга келтирувчи тизим ҳамдир. Ваҳоланки, ҳар қандай бадиий асарни матн назарияси нуқтаи назаридан таҳлил қилсак, у ҳолда, асар бадиий матннинг композицион қурилиши, фабуланинг мантикий-семантик ривож топиши, бадиий маънонинг образли ифода этилишига кўра муайян мезонларга эга бўлиши лозим. Бундай мезонлар шу қадар расмий ҳолга келганки, адабиёт назариясига доир ҳар қандай қўлланма китобхонга бирон бир жанрнинг ўзига хос хусусиятлари – мазмуни, сюжети, композицияси, тасвир предмети





ва услуги ҳақида ба-  
тафсил маълумот бера  
олади.

Хуллас, жанрга  
матнинг бир тури деб  
қаралса, ҳар қайси  
жанрдаги бадиий асар  
учун матнинг идеал  
қиёфасини (модули-  
ни) янглишмай яратиш  
мумкин. Муайян жанр-

да ёзилган барча асарлар (қисса, баллада,  
новелла ва ҳоказо) бу модулга мос келиши  
турган гап. Ушбу идеал модул кейинчалик  
бирон бир адабий тур доирасида матн ҳосил  
қилувчи тамойил бўлиб хизмат қилиши мум-  
кин. Аммо савол туғилади: вужудга келган  
матн ушбу жанр тури саналадимиз ёки янги  
жанр турига айланадимиз?

Фикримизча, жанр бу – аниқ ва ўзгармас  
хусусиятларга эга асарлар туркумидир. Маз-  
кур хусусиятлар орасидан қуйдагиларни  
ажратиб кўрсатиш мумкин: а) ҳикоя қилиш  
мавзуси, предмети; б) нуқтаи назар ва муал-  
лиф муносабати; в) жанр қонун-қоидаларини  
белгилувчи эстетик (бадиий) хусусият; г)  
адабий аънана ва ҳоказолар. Адабиётда  
"дикурс" тушунчаси қарор топгач, унинг та-  
биати, таркибий қисмлари, структуравий ва  
коммуникатив хусусиятлари, асосий турла-  
ри борасида ҳам турфа назариялар пайдо  
бўлди. Адабиётшунослик ва тилшунослик  
илмидаги асосий тушунчалар – "жанр" ва  
"матн" мазмуни тадрижий жараёнда сези-  
ларли ўзгарди, уларни таъриф ва талқин  
этишдаги ёндашувлар, ички (мавзу, гоя,  
мазмун) ва ташқи (тузилиш, таркибий қисм)  
томонларига оид қарашлар ҳам ўзгарди.

Аслида, "дикурс" (лотинча *discursus* –  
нутқ, далил-исбот, суҳбат) – нутқ воситасида  
билдирилган фикр-мулоҳазанинг ижтимоий  
дахлдорлигини таҳлил этиш тамойилини  
ифодаловчи тушунчадир. Тўғридан-тўғри  
ўқувчи ёки тингловчига йўналтирилган ил-  
мий, фалсафий ёхуд бошқа соҳаларга доир  
концепциялар ушбу атама билан юритила-  
ди. Дикурс сўз ва маъно, белги ва мазмун,  
билим ва ифода бирлигини англатади; ушбу

бирлик фақат кишилар ўртасидаги алоқа,  
муносабат, суҳбат жараёнидагина зарурий  
маъно касб этади. Бундан ташқари, ди-  
курс – ўзаро алоқага киришган, бир-бирига  
таъсир ўтказаяётган ижтимоий ва сиёсий  
субъектларнинг турли позиция, дастур, гоя  
ёхуд мафқураларини асослаш, таққослаш,  
муҳокама этишга қаратилган нутқий комму-  
никация ҳодисаси ҳамдир. Яна бир муҳим  
жиҳати, дикурс – аввалдан мавжуд бўлган  
фикр, мулоҳаза, нуқтаи назарлар зами-  
рида муайян янги тушунча ёхуд тахминни  
мантиққа асосланиб исбот қилувчи жараён  
ҳам ҳисобланади.

Бугунги кунда "дикурс" атамаси кўпинча  
бирон бир жанр ва матн турини белгилаш  
ва таърифлашда қўлланмоқда. Бу ўринда  
гап дикурс аксар ҳолларда жанр билан  
тенглаштирилаётгани, баъзан эса жанр  
ўрнида қўлланаётгани (бадиий дикурс,  
публицистик дикурс, илмий дикурс ва  
ҳоказо) ҳақида бораётгани йўқ. Фикримиз-  
ча, бугунги кунда жанр дикурс туфайли  
бирмунча кенг таърифлана бошлади. Рус  
адабиётшуноси М.Бахтин (1895-1975) таъ-  
рифича, дикурс бу – дунёқараш, реал-  
лиқни идрок қилишнинг ўзига хос услуги.  
Шунинг учун "жанр" атамаси ҳозирги таъри-  
фида кўпроқ "талқин қилиш воситаси", "му-  
аллиф ва китобхон ўртасидаги муомала,  
муносабат шакли" деб баҳоланмоқда. Унинг  
аънавий таърифини эса Б.Томашевский  
"асар композициясини ташкил қилувчи ва  
бадиий оламни вужудга келтирувчи услуб-  
ларни ўзига бўйсиндирадиган, қолаверса,  
бирлаштирадиган услублар ёки хусусият-  
лар", дея ифодалайди.

Матни ҳосил этув-  
чи модулларга доир  
фикрларни янгича  
изоҳлашга ёки худди  
шу мазмундаги янги  
бир тушунчани иш-  
лаб чиқишга даъво  
қилмайлик-да, мавжуд  
таъриф ва ёндашув-  
ларни умумлаштириб,  
жанрнинг объектив



модулини тасаввур этишга уриниб кўрайлик. Чунки бу саъй-ҳаракат матни вужудга келтирувчи ва жанрни юзага чиқарувчи модуллар устида олиб бориладиган келгуси тадқиқотларда, айниқса, шеърий матннинг яралиш механизмини аниқлашда асқотиши мумкин.

Шеърий ёки насрий матни вужудга келтирувчи поэтика энди-энди ривож топаётганига қарамай, жанрни шакллантирувчи модулларга доир фикр-мулоҳазалар бадиий матннинг структурал тамойилларини ишлаб чиқишда ҳам муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, бадиий матн ва бадиий жанрни вужудга келтирувчи механизмлар орасида анчагина ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлиб, булар фабула, ғоя, композиция каби тушунчаларда ифода топади.

Рус адабиётшуноси А.Жолковский тадқиқотларидан бирида бадиий матн ва жанрни вужудга келтирувчи механизмлар модули куйидагича кўрсатилди: фабула (воқеалар ривож); ғоя (муаллиф муносабати, китобхон идроки); композиция (тузилиш тамойиллари); "ҳаётий тажриба" ёхуд "ижодий фантазия" (объектив воқелик). Олим фикрича, бунда фабула ва ғоя матн хусусиятларига тааллуқли ҳисобланса, композиция ва воқелик бадиий матн ва бадиий жанрни вужудга келтирувчи механизмларни ташкил қилади. Сўнгра олим модулни янада аниқ ва тушунарли ифодалаш учун уни атайин соддалаштиради. Чунки бадиий асар яратиш учун, даставвал, муайян фабула ва ғоя олинди, сўнгра улардан композиция ва воқелик яратилади, пировардида ўзига хос бадиий қурилма ҳосил бўлади. А.Жолковский муаммонинг амалий жиҳатини поэтикага қарама-қарши қўйиб, фабулани "ҳали маҳорат билан ишланмаган хом ашё" сифатида қабул қилади. Фараз этайлик, бундай ёндашув ҳам жанр, ҳам матнга нисбатан баб-баравар қўлланилса, демак, ўз-ўзидан аён бўладики, тасвир предмети ёки мавзу (воқеалар ривож) ҳам айнан шундай бўлади.

Фикримизни мантиқан давом эттирсак, қонуний равишда дастлаб муаллифнинг

тасвир предметиға муносабати ёки нуқтаи назари, сўнгра жанрий хусусиятларни белгилаб берувчи бадиий-эстетик қарашлари (композиция) ва ниҳоят, жанр аънаналарига мос келувчи воқеалар ривож (ижодий фантазия) юзага чиқади.

Демак, А.Жолковский таклиф қилган жанрни ҳосил этувчи модулни асос қилиб, "онг оқими"ни асар (матн) жанрини юзага чиқарувчи механизм қолипидек тасаввур этсак, объектив ва айни чоғда ғоят содда куйидаги манзара ҳосил бўлади: мавзу – ғоя – композиция – тасвир шакли. Шу тариқа, барча таркибий қисмларга эга жанрни вужудга келтирувчи янги модул пайдо бўлганини кузатиш мумкин. Бу ерда мавзу – шахснинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари, руҳий ҳолати, маънавий қиёфаси билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар; ғоя – шахс ички ҳаётининг таҳлили; композиция – персонажнинг ички нутқини сўзма-сўз қайд этишгача бўлган янги, ноаънавий талқиндаги "ички монолог"; тасвир шакли – матннинг кўп ҳолларда метафорик (мажозий) образлиқка асосланувчи, бир қолипдан чиқиб кетувчи, ғайриоддий синтактик тузилишидан то тиниш белгилари йўқлигигача бўлган тасвирий воситалар манбаи ҳисобланади.

Шундай қилиб, узок йиллар давомида тажрибавий бадиий услуб, тасвир усули, тасвирий восита, ривоя шакли деб келинган "онг оқими"ни, ҳеч иккиланмасдан, жанр сифатида ҳам таърифлаш мумкин. Чунки юқорида номлари зикр этилган адибларнинг асарлари бир қарашда тартибсиз, мантиқсиз бўлиб кўринса-да, бироқ уларга чуқурроқ ёндашилса, аниқ-равшан, тушунарли шакл мавжудлиги, бу шаклнинг муайян бадиий маънога эгаллиги, ўзига хос таркибий унсурлардан ташкил топгани аён бўлади. Бу ўринда жанрни ҳосил этувчи модул ёрдамида янги мазмун вужудга келиши кузатилади. Жанрнинг барқарор структурасини таъминловчи зарурий компонентлар ишлаб чиқилган бўлиб, айнан шулардан янги мазмун, янги маъно тугилади ва у бадиий матнда ифода топади.



### Кимошди савдоси

1939 йил. “Кимошди савдоси” деган гапни биринчи марта беш-олти яшар бола чоғимда эшитганман. Ўтган асрнинг 30-йилларидаги қулоқ қилишлару қатагонлар бизнинг оилани ҳам четлаб ўтмаган. Чунки Кўлбоғ маҳалласида катта боғча – дала ҳовлимиз, хонадонимиз шимолида узумзор боғимиз бўларди. Бундан ташқари, ичкари ҳовлимиздаги болохонада отамнинг амакиваччаси Дадажон ака, тоғаларим Раҳмонберди ва Абдуваҳҳоблар тикувчилик билан шуғулланадиган кичик устахона ҳам бор эди. Оиламизнинг тўрт эркаги бир кечада ҳибсга олинди, онам, олам Руқияжон, акам Аҳмаджон, укам Маҳмуджон ва мени пешайвонга чиқариб, хоналарни муҳрлаб ташлашди. Бир ҳафтадан сўнг тоғаларим қамоқдан чиқди, аммо отам ер-сувли бой сифатида қулоқ қилиниб, Пишқўҳга (ҳозирги Бишкек) олиб кетилди. Бизни эса кўчага ҳайдашди, бошпанасиз, халқ ибораси билан айтганда, “бесару сомон” қолдик. Селхона яқинида яшовчи Йўлдош амма бизни бағрига олди, уйдан бир хонани бўшатиб берди. Дарвозамизга отнинг калласидай қулф осилди. Ҳар куни кўшни болалар мендан “Сизларникида кимошди савдоси қачон бўлар экан?” деб сўрайди. Мен “кимошди савдоси” нима экан, деб ҳайрон бўлиб, елка қисаман.

Бир куни эрталаб маҳалламиздаги Корхона масжид дарвозаси ёнида турсам одам-

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

## XOTIRA QATIDAN HIKOYATLAR

лар, “Юринглар, кимошди савдосига! Эшитмадим деманглар, устаникида “кимошди” бошланди!” деб бизнинг торкўча томон кетаётир. Уларга эргашдим. Ҳамма икки қаноти ланг очик нақшинкор дарвозадан ичкарига ёпирилаётир. Уларга қўшилиб ҳовлимизга кирдим. Қаердандир Раҳмонберди тоғам пайдо бўлиб қолди-да, мени пешайвон яқинига бошлаб борди. Устун ёнида турган оханжама сандиғимиз кўзимга чўғдек босилди, акамнинг тўйига – келин сарпога атаб йиғилган атлас, духоба, беқасам, кимхоб, ҳарир, хитойи крелдишинлар сандиқдан олиниб, тўп-тўпи билан териб қўйилган; ўнг томонда учта янги гилам тахлоғлик; унинг ёнидаги тўшак, кўрпача, янги кўрпалар тахлами айвон шифтига тегай деб турибди. Чап томонда тилларанг, кумушранг икки самовар, бир қанча хитой лаганлари, икки тахлам чинни коса, чойнак, пиёла, обдасталар, ўчоқ олдида арра, теша, болта, босқону болғаларгача уюлиб ётибди. Ўмоч тишлари ҳам бор. Хуллас, бир бут рўзгорнинг бор-йўқ буюми намойишга қўйилган. Бир вақт “Келди! Келди!” дея издиҳом йўл оча бошлади. Уч киши – Йўлдош шаббода, Абдукарим пансод ҳамда Аълам Мирзо (кейинчалик унинг ўғли Ҳошим ака Аъламов мактабда мени “қулоқбачча” деб камситиб юрди) келиб устунга яқин қўйилган хонтахта гирдидан жой олди. Йўлдош шаббода Мирзонинг дафтарига қараб, гиламдан тортиб ойбол-

Ёшингиз бир жойга етганда, босиб ўтган умр йулингизга яна бир қайрилиб боқиб, унинг мусбат ва манфий жиҳатларини тафаккур элагидан ўтказиб, сарҳисоб қилар экансиз. Камина 55 йил мобайнида собиқ шўролар давлатининг аччиқ-чучуқликларини татиганман. Ҳайлаб қарасам, ҳукмрон мафқуранинг кўп зугумларини бошдан ўтказган, захрини ютган эканман. Талабалик йилларимда бир коса шўрвага зор кунларим кўп бўлган; шанба, яқшанбада мардикорчиликка чиққанларимизни айтмайсизми!..

Ҳар гал мустақиллигимиз шарофатини ўйласам, “Ким эдим ким бўлдим?” дегим келади. Сабоқ олганим, бирга ишлаганим замонамизнинг буюк алломалари – Мақсуд Шайхзода, Яҳё Ғуломов, Ҳамид Сулаймон, Аюб Ғуломов, Шопўлат Абдуллаев, Мазлума Аскарлова, Шоислом Шомухаммедов, Натан Маллаев кабиларнинг ёрқин сиймолари кўз олдимга келади. Гоҳ қувониб, гоҳ маҳзун тортман. Ҳаёт сабоқларини ана шу дард, баъзан эса кўзёшлари билан “Хотира қатидан ҳикоялар” шаклида қозога туширдим. Бу-гун шу дилхушу дилғаш лавҳалардан айримларини журналхонларга илинаётганимдан мамнунман.



тагача – барча буюмлар нархини бирма-бир эълон қилиб, “кимшошди?” деб бақиради. Одамлар эса буюмнинг катта-кичиклигию сифатига қараб, бир тангадан икки-уч сўмгача ошириб, сотиб олади-да, қўлтиғига қистириб чиқиб кета бошлайди. Биз ҳасратда хонавайрон бўляпмизу, булар буюмларни арзонгаров харид қилганига хурсанд. Пешингача бор асбоб-анжомимизни кўни-кўшнилар хомталаш қилгандай сотиб олиб, уй-уйига жўнаб қолди. Мушукнинг ўлими – сичқоннинг байрами, деганлари шу бўлса керак-да. Бундан сал аввал тўрт қўй, бир хўкиз, бир отимиз колхоз ихтиёрига мусодара қилинган эди. Мана энди, кимшошди савдоси якунида ҳовлимиз ҳам Шўро қарорига кўра колхозга берилганини айтиб ўтиришибди...

Орадан не-не сувлар оқиб ўтди. Пешайвонга қўйилган, тўйларда чой қайнатиладиган ярақлаб турган каттакон мис самовар ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Ҳар гал тоғамникига борганда, ҳамон ўша-ўша савлат тўкиб турган пешайвонда ўтирганимда ана шу манзаралар хотирамда қайта жонланадию кўзёшларимни тўхтатолмай қоламан.

### Сувга чўктирилган китоблар

1948 йил. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир йиллар. Ҳалиям кимнинг уйи-

да араб имлосидаги қўлёзмами, китобми кўринса, “Ислонни тарғиб қиялпти”, деб таъқиб қилинар эди. Ҳа шайли тоғам Раҳмонберди билан икки қоп китобни эшакка юклаб, Қорасув қишлоғига олиб бориб, қудуқсимон бир ғога ташлаб келганмиз.

...Бир кун кечаси маст уйкуда ётган эканман, онам:

– Тур, амакинг чақиряптилар, тур, – деб устимдаги кўрпамни тортди.

Кўзимни уқалаб кўчага чиқдим. Дарвоза ёнида юк ортиб, устига қанор ёпилган қўш отли фургон арава турибди. Арава четида Абдурахмон амаким, ўғли Абдуқаҳҳор ака ҳамда аравакаш ўтирибди. Юзлари ташвишманд.

– Аравага чиқ, бир жойга бориб келамиз, – деди амаким.

“Лип” этиб фургонга чиқиб, юкнинг устига ўтирдим. Ботди – қаттиқ қозоми-ей?.. Арава Сойча кўчадан ўтиб, Садпир мазори ёнидаги катта йўлдан елиб бораётир. Ярим соатча юриб, Алабуқа тумани худудидаги Бўтаёр доводидан ошгач, аравакаш отлар жиловини чапга – қибла томонга бурди, бир оздан кейин ўрқач бўлиб оқаётган сой бўйига келиб аравани тўхтатди.

– Тушинглар, вақт кетяпти, тез бўлинглар, – деб амаким аравадан сакраб тушди-да, қанорни йиғиштириб олди. Арава тўла кат-

та-кичик, семиз-юпка арабча кўлэзма китоб. Хайрон бўлиб қараб турсам, амаким:

– Нега анқаясан, қани, битта-битталаб сувга отамиз, биронтаси ҳам соҳилга тушмасин, – деб китобларни сойга иргита бошлади.

Тўрт киши хаш-паш дегунча арава-ни “юк”дан бўшатдик. Пишиқ-пухта чарм муқовали катта-катта китоблар ҳам бор эди. Устида муҳр тамғаси – изи шундай кўриниб турарди. Фира-шира тонг отаётганда шаҳарга кириб келдик. Ҳали-ҳамон ўша китобларга ичим ачийди...

### Кўз – кўрқоқ...

1965 йил. Низомий номидаги Тошкент Педагогика институти (ҳозирги университет) аспирантиман. Кафедра қарори, устоз Натан Маллаев тавсияси билан илмий изланишларни бошлаб юбордим, номзодлик диссертацияси мавзуси “Шоҳнома”нинг бир ўзбекча таржимаси хусусида” номи билан тасдиқланди. Биринчи қилган ишим Беруний номидаги Шарқшунослик институтига бориб, таржима кўлэзмаларини топши бўлди: асарнинг турли хаттотлар томонидан кўчирилган уч нусхаси, бундан ташқари, 1903-09 йилларда тошбосма усулида Орифжонов ва Порцев босмаҳоналарида миниатюралар билан чоп этилган нусхалари ҳам бор экан. Ҳар бири минг бетдан зиёд, баъзи кўлэзмалар жуда бадхат. Мени ваҳима босди – ҳам қаламий, ҳам босма нусхаларни қачон ўқиб улгураман?!

Бир куни Натан Муродович билан “Пахтакор” ўйингоҳига футбол томоша қилгани бордик. Ўйин роса зўр бўлди. Красницкийнинг ўзи рақиб дарвозасига учта “гол” урди. Кайфиятимиз чоқ, уйга қайтаётганда пайтдан фойдаланиб домлага дардимни ёрдим:

– Устоз, “Шоҳнома” таржималари билан танишиб чиқдим. Иккита тошбосма нусхаси ҳам бор экан, уларни ҳам кўрдим. Ҳар бири ёстиқдай-ёстиқдай келадиған китоблар. Уларнинг ҳаммасини ўқиб чиқишга кўп вақт керак. Бунинг устига арабий матнни ўқишга унчалик тишим ўтмайди. Бирор иччамроқ мавзу берсангиз. Ёки бўлмаса, “Гулистон”нинг Муродхўжа домла таржимасини кўрсамми?

– Илмда енгил-елпи йўл қидирган одам баракат топмайди. Мен сизни заҳматкаш йигитсиз, деб ўйловдим...

Домланинг гапидан мулзам бўлиб, бошимни ҳам қилдим. Шу кўйи бекатга келиб, хайрлашдик. У киши пиёда кетди, уйи яқинроқда – пойафзал фабрикаси ёнида эди. Мен троллейбусга чиқиб, Хадра томон йўналдим. Бир йил давомида кўлэзма мутолаа қилдим, асарнинг кўлэзма ва босма нусхаларини ўзаро солиштириб чиқдим. Қарабсизки, араб имлосидаги ҳар қандай кўлэзма китобни бемалол ўқий оладиган саводи бут мутахассис бўлдим-қолдим.

### “Майда пулдан борми?..”

Бир куни кафедрага кирсам устоз Мақсуд Шайхзода тўрдаги столда “Қазбек” папироси қутисига нимадир ёзиб ўтирибди. Олдида қоғозга ўроғлиқ катта бир нима турибди. Салом-алиқдан сўнг:

– Рустами Достон қалай? Натан Муродович кўринмайдилар? – деб сўраб қолдилар.

– “Шоҳномаи туркий”нинг кўлэзмасини ўқиб бўлдим. Ҳозир Хомуший таржимасининг 1903 йилги тошбосма нашрини ўқияпман. Шуну тугатсам, Ленинградга командировкага кетаман. Ҳа, бугун устоз Натан Муродович негадир кўринмадилар, – дедим домланинг саволига батафсил жавоб қайтариб.

– Мансуржон билан соат 12 да учрашмоқчи эдик, шляпаси турибди-ю, ўзидан дарак йўқ, – дедилар устоз.

Қарасам, эшик яқинидаги илгичда Мансуржон аканинг шляпаси осиглиқ, соат эса учдан ошган.

– Бу китобларни Москванинг ВАКига жўнатиш керак эди, – дедилар қоғозга ўроғлиқ нарсасга имо қилиб устоз. – Балки бирон жойда зарур иш билан ушланиб қолгандир.

– Шу ишни иқовимиз бажарсак бўлмайдимиз, устоз, – деб сўрадим дарров.

– Бўлур, бўлур! Марҳамат, олсинлар, – деди Шайх ака озарча лутф билан китобларни менга тутқазиб.

Иқовлашиб институтдан чиқдик-да, Богдан Хмельницкий кўчаси орқали Бешёғочдаги почтаҳонага йўл олдик. Йўл-

йўлакай устоз боягина “Казбек”ка битган “Кузак” деган шеърини ўқиб берди. Афсуски, муҳаббат мавзuidaги бу шеър шоирнинг бирон бир тўпламга кирмаган.

– Мулла Абдулҳамид, Рустами Достонни тезроқ тугатинг. Бизнинг ҳам “Шоҳномаи туркий”ни яна бир кўргимиз бор, – дедилар.

Почтада ишлайдиган рус хонимлар доманинг эски танишлари экан, ҳазил-хузул билан китобларни дарровгина қутига жойлашди, манзилини ёзишди, ип билан бойлаб, мумлаб, муҳрлагач:

– 1 сўм 40 тийин бўлади, – дейишди.

Устоз 3 сўм узатди. Қайтимини бераётган аёлга “Қолгани сизларга – музқаймоқ ерсизлар” деди пулни олмай.

Мақсуд Шайхзода ҳар гал биров унинг бошига тушган кулфатдан гап очса ёки саволга турса, “Нохуш воқеаларни эсламаган маъқул, яҳасин табассум, йўқолсин қайғу!” дер эди. Бугун ҳам ана шу фазилати намоён бўлди – тўрт соат куттирган ҳамкасбини бир оғиз ёзгирмади, ҳатто эсламади.

Почтадан чиқиб, Арпаоя кўчаси бўйлаб кетдик, соатга қарасам бешдан ошибди.

– Устоз, энди менга рухсат берсангиз, Баҳромжонни бугун боғчадан мен олишим керак эди, вақт бўлиб қолибди.

– Шундайми? Майли, – дедилар, сўнг, – майда пулдан борми, майда пулдан? – деб сўрадилар одатича.

– Ҳа, бор, – дедим дадил.

– Қани-қани, кўрсатсинлар-чи!

Киссамдан беш сўм чиқариб кўрсатдим.

– Ундай бўлса, майли, ижозат, Рустами Достон мададкор бўлсин, – деб қўл бериб хайрлашдилар.

...Устоз шогирдларига тушлик олиб бериб, яна-тагин 3-5 сўмдан пул ҳам бериб юрардилар...

### “Чингиз оғанинг шогирди экан...”

1998 йил. Навбатдаги меҳнат таътилида туғилган юртим Косонсойга борган эдим, кўевим Ҳошимхон:

– Эртага Алабуқасойга бориб, бир дам олиб келамиз, ўзимиз томонда ҳам, қирғиз чегарасида ҳам ошналаримнинг навбатчилик кунни, – деб қолди.

Азонлабдан бозор-ўчар қилиб, ёр-биродарлар икки машинага ўтириб жўнадик. Ҳақиқатдан ҳам чегарада паспортларимизни бир қўриб ўтказиб юборишди. Алабуқасойнинг энг юқориси – шаршара ва Чаккабулоқ бўйига бориб тушдик. Кечгача шўрва қайнатдик, кабоб пишириб, ош дамладик. Чорвадор қирғизлар тоза қимиз, янги олинган асал келтиришди, асаларининг инини чайнаб шимдик. Шоввада, булоқ сувида чўмилдик. Хуллас, маза қилиб ҳордиқ чиқардик. Шом туша бошлаганда йўлга отландик. Машиналар Алабуқани айланиб ўтиб, дўнглиқдаги чорраҳага етганда, чегара посбонлари йўлимизни тўсди. Ҳайрон бўлдик. Қарасак, мутлақо нотаниш посбонлар. Кўевим:

– Биз Мирзааҳмад аканинг одамларимиз, у кишининг рухсати билан ўтувдик, – деди.

– У киши сменани топшириб кетди. Сизлар чегарадан рухсатсиз ўтгансиз, бу кеча қамаб кўямиз, эртага бошлиқлар билан гаплашасизлар, – дейишса бўладими.

– Командир, биз косонсойликмиз, бу киши эса меҳмон, хизмат бўлса айтинг, қиламиз, – дея ялина бошлади кўев.

– Жоқ, сизлар нарушитель, болбейт, – деди қатъий оҳангда ҳалиги посбон.

– Мен Тошкентданман, муаллим, профессорман, – дедим зора менинг гапимга қулоқ солса деб.

– Бизга мўғаллим-сўғаллимиям, профессориям кетбейт, – деб жеркиб берди посбон.

– Сизларнинг катта ёзувчингиз Чингиз Айтматовни таниймиз, унинг асарларини ўқиб юрамиз, ишонмасангиз, мана гувоҳномам, – деб Ёзувчилар уюшмасига аъзолик гувоҳномамни узатдим.

У гувоҳномани олиб, у ёқ-бу ёғига қаради, фамилиямни ўқиди-да, сўнг баланд кўтариб:

– Жазуши экен, Чингиз оғанинг шокирди экен, – деди ўнг томондаги столда, чироқ остида нимадир ёзиб ўтирган майорга.

– Эй, жибар, жибар дедим, жибар! – деб буюрди у.

Шундай қилиб, Чингиз оғанинг обрўйи билан бир кечалик хибсдан қутулиб қолдик. Улар Ёзувчилар уюшмасининг ҳар бир аъзосини Чингиз Айтматовнинг шогирди, деб билар экан.

Гулнора АБДУЛЛАЕВА



Sevgi

va

marifat



Буюк инсонлар тақдирига назар ташласангиз, уларнинг ҳаётида муҳаббат ва маърифат мудом ёнма-ён келишига гувоҳ бўласиз. Ўзингиз ўйланг, бордию ёнида гўзаллик маъбудаси ўлароқ илҳом, ишонч ва сурур бахш этиб турган суюқли маҳбубаси Форнарина бўлмаса, Ғарб Ўйғониш даврининг улуг намоёндаси Рафаэль Санти неча асрлардан буён инсониятни ҳайратга солиб келаятган ноёб тасвирий санъат асарларини чиза олармиди? Ёки хурлиқо Жорж Санд бўлмаса, поляк бастакори Шопен санъат оламида беқиёс ҳодиса саналган ноктюрнлари – мўъжаз муסיқий пьесаларини қандай яратарди? Жаҳон маданий тараққиётига туртки берган кўпплаб машҳур санъат даҳолари ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Бундай бахтли жуфтликларни санаб адоғига етиш қийин. Уларнинг ҳар бири севги ва муҳаббат тақдирига кўра ўта ноёб ва бетакрордир. Шу ўринда, ҳар бир буюк инсон ортида буюк аёл туради, деган ҳикматни эсга олиш мақсадга мувофиқдир. Ишбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқат барча туркий халқлар дунёсининг XX асрдаги улуг маърифатпарварари Исмоилбек Гаспиралига ҳам ҳеч истисносиз тааллуқли.

### Биринчи муҳаббат – Самур

Қанчалик ғалати туюлмасин, ақлингиз ҳар қанча ошиб-тошиб кетган бўлса ҳам, куруқ орзу-хаёл билан катта ишларни амалга ошира олмайсиз, шону шуҳрат ҳам насиб этмайди. Азалдан шундай. Гарчи дворянлар тоифасига мансуб бўлса-да, лекин қашшоқлашиб қолган оиладан чиққан ёш Гаспирали буни яхши билар эди. 1876 йили чет эл саёҳатидан қадрдон Боқчасаройига қайтиб келгач, Исмоилбек зўр иштиёқ билан қримтатар болалари таълим оладиган мак-

таб ишига киришиб кетади, айни чоқда газетачилик билан шуғулланишга ҳам ҳаракат қилади. Ана шу мақсад йўлида саводли ва маърифатли Мулла Ҳасан деган киши билан танишади. Навқирон йигит унинг бўй етиб қолган сохибжамол қизи борлигини билиб қолади. Ҳаддан зиёд гўзал бўлгани учун уни Самур (Сувсар, Қундуз) деб аташарди. Афсуски, унинг ҳақиқий исми тарихий манбаларда сақланиб қолмаган. Исмоилбек ўйлаб-нетиб ўтирмай шу қизга оғиз солади. Мулла Ҳасан уларга никоҳдан ўтишга рух-

сат ва каттагина мол-мулк беради. Гаспиралига қайнота бўлган бу кишининг Ялтада меҳмонхонаси ва боғи бор эди.

Ёш келинчак куёвнинг хонадонига келиб яшай бошлайди, турмушнинг қувончу ташишли кунлари бошланади. Дастлаб ҳаммаси рисоладагидек кечади. Севги шаробидан маст келин-куёв бамисоли парқув булутлар орасида – нақд еттинчи осмонда сузиб юради. Самур хонадонга файзу тароват берадиган ва оилада бир маромдаги тинч-осойишта турмушни сақлашга ҳаракат қиладиган аёл бўлиб чиқади. Тиниб-тинчимас, янгилик излаб ўзини ҳар томонга урадиган Исмоилбекка эса бундай ҳаёт зерикарли туюлар эди. У умрбод мактабда ўқитувчи бўлиб қолишни истамасди. Қримтатар тилида газета ташкил этиш хаёли унга ҳеч тинчлик бермасди. У режасидан қайнотасини хабардор қилади ва уни ҳам бу ишга қизиқтириб қўяди. Мулла Ҳасан бажонидил куёвига ёрдам беришга рози бўлади. Лекин бу розилик унга қанчалик қимматга тушишини у ҳали билмасди.

Авал-бошда Мулла Ҳасан куёвига икки минг рубль беради. Аммо босмахона ташкил этиш учун бу пул камлик қиларди. Боёқиш қайнота, қизининг тақдирини ўйлаб, чор-ночор яна минг рубль беради. Орадан бирмунча вақт ўтиб, куёвнинг эрмаги учун у Ялтадаги уйи ва боғини сотади, ўзи оиласи билан меҳмонхонасига кўчиб ўтиб яшай бошлайди.

Гаспирали уй ва боғнинг пулига босмахона учун дастгоҳ ва ускуналар сотиб олади, қолган-қутганини эса “Рус мусулмончилиги” деб номланган биринчи адабий асарини нашр этишга сарфлайди. Бироқ кун сайин янада кўпроқ маблағ талаб қилинарди. Исмоилбек маърифий гояларига шу қадар берилиб кетадики, хотиндан “Жонгинам, отангни кўндир, меҳмонхонасини гаровга қўйсин, бўлмаса, газетани чиқаролмаймиз”, деб ўтиниб сўрайди. Чунки энди газетани нашр қилиш учун маблағ керак эди. Лекин куёвнинг бу гапи шусиз ҳам куйиб адо бўлган қайнотанинг сабр косасини тўлдириб юборади. “Мен унга бор-йўқ бойлигимни бердим, – деб фиғони фалакка чиқади унинг.

– Меҳмонхона – менинг бошланам. Эринг мени хонавайрон қилиб, кўчада дарбадар қолдирмоқчимми?”

Ана шу жанжалдан кейин Самур Боқчасаройга қайтмайди ва кўп ўтмай эридан талоғини беришни талаб қилади.

## Зухра Оқжўра қизи

Исмоил Гаспирали ва Зухрабиби Оқжўра қизининг муҳаббат тарихи эса бошқача кечди. Зухрабиби Русиянинг Симбирск губерниясида дворян оиласида туғилган. Унинг отаси Асфандиёр бой-бадавлат одам бўлиб, мовут фабрикаси эгаси эди. 1882 йили онаси вафот этгач, Зухра хафақон касалига мубтало бўлади, отаси уни асабларини даволатиш ва ҳаво алмаштириб келиш учун тоғаси Иброҳим ҳамроҳлигида Ялтага – курортга юборади. Қримда Зухра кўярда-қўймай илтимос қилвергач, тоғаси уни ҳарбий билим юртида бирга ўқиган эски ошнаси Гаспирали билан таништиради. Қиз уни газетада чоп этилган мақолалари орқали ғойибона биларди. Исмоилбек бир кўришдаёқ Зухрани ёқтириб қолади. Чунки қиз хушрўй бўлиш билан бирга фаҳм-фаросатли, ўқимишли, бир нечта тилни билар эди. Икки ёшнинг қалбида сеvgи учқуни пайдо бўлиши билан Зухранинг касаллиги – кўнгил зиклигидан асар ҳам қолмайди.

Исмоилбек ишни чўзиб ўтирмай, 1882 йилнинг ўзидаёқ Зухранинг отаси билан танишиш ва Иброҳимбек орқали қизнинг қўлини сўраш учун Нижегород губерниясида ўтказиладиган Макарев ярмаркасига отланади. Асфандиёр, сендек бетайин ялангоёққа берадиган қизим йўқ, қаёққа борсанг бор, деб қатъий рад жавоб қилади. Асли дворян оиласидан бўлса-да, чўнтаги қуруқ бир йигитга қиз бериш Асфандиёрнинг



Зухра Оқжўра қизи

обрў-эътиборига тўғри келмас эди. Бунинг устига, у Гаспиралининг собиқ қайнотаси Мулла Ҳасан билан таниш эди, бор-йўғини кўкка совурадиган бундай хаёлпараст билан қариндошлик риштасини боғлашни истамасди.

Совчининг қуруқ қайтиши Исмоилбек қалбидаги севги ўтини сўндирмайди. У Зухра яшаб турган Симбирскдаги Коромисловка қишлоғига боради. Вакил оталар иштирокида улар икки томондан никоҳ битимини имзолашади, яъни кўнгил розиликларини расмийлаштиришади. Янги куёв никоҳ хатини Асфандиёрга кўрсатади, у эса даргазаб бўлиб, Исмоилбекни хузуридан кувиб солади.

Гаспирали умидсизликка тушмайди ва Уфага, муфтий Салимоғай Тавфиқалиевнинг хузурига йўл олади. Муфтий никоҳ ҳужжатининг қонуний эканини тасдиқлайди. Шу қундан эътиборан Зухра бахтдан масрур ҳолда Исмоилбекнинг шаръий хотини бўлади. Тўғри, Асфандиёр иложсиз қолганидан сўнг, энди бўлари бўлди, ҳеч курса қалинини берсин, деб катта қалин – икки минг рубль талаб этади. Гаспирали бу пулни вексель билан тўлайди.

Боқчасаройда танишган кезларидаёқ газета чиқариш орзуси Зухранинг ҳам хаёлини бутунлай банд этган эди. Ёш келинчақ қимматбаҳо тақинчоқларининг бир қисмини сотиб, пулини эрининг ишига сарфлайди. 1883 йил 23 апрелида Гаспирали “Таржимон” газетасини нашр этиш учун рухсат олади ва келин-куёв дарҳол ишга киришиб кетади. Улар алмисоқдан қолган босмаҳона дастгоҳи чамбарагини қўл билан айлан-тириб, газеталарини кўлда чоп этишади ва керакли манзилларга етказишади. Ҳамма ишни ўзлари, бошқаларнинг ёрдамисиз амалга оширишади.

Мақолаларни таҳрир қилиш чоғида Зухра эрига билдирмасдан, юртдошлари – Вольгабўйи Қозон татарларига тушунарли бўлиши учун мураккаб жумлаларни секингина тузатиб қўяр эди. Исмоилбек Гаспирали-

нинг кўнгил орзуси – “Таржимон” газетаси фаолияти шу тариқа бошланади.

Агарда Зухрахоним дастлабки беш-олти йил эри билан ёнма-ён туриб газета нашр этишнинг оғир юкни елкасига олмаганида, “Таржимон”дан ному нишон ҳам бўлмас эди. Чунки ёш эр-хотин ўша вақтда ёрдамчи ёллаш имконига эга эмас эди. Татар олими Ризо Фахриддинов “Машхур хотинлар” китобида ёзишчи, Зухрахоним эрини энг қийин дамларда қўллаб-қувватлаган. Исмоилбек бошлаган ишдан пушаймон бўлганида севимли ёри тарихдан мисоллар келтириб, уни сабр қилишга чақирган, шундай хайрли ишда Оллоҳ биздан албатта ўз марҳаматини аямайди, деб уни руҳлантирган. Барча қийинчиликларга қарамай, у асло ўзини ўйламаган, қимматбаҳо тақинчоқ кийимларни ортиқча бир ҳашам деб, уларга бекор пул сарфлашни хоҳламаган.

Газетанинг 10 йиллиги 1893 йили Боқчасаройда катта тўй тарзида нишонланади. Бу тантанада Россиянинг турли чеккаларидан келган меҳмонлардан ташқари Туркия ва Эрондан расмий шахслар иштирок этади. Эрон шоҳи ва Бухоро амирининг махсус вакиллари Гаспиралига ўз юртларининг орденларини топширади. Зухра Оқжўра қизига ҳам совғалар берилади. Қрим аҳли унга қимматбаҳо тўғноғич туҳфа этади. Қозон шахридан келган меҳмонлар эса “Миллат онаси” деган расмий унвон беради.

Зухрахонимга газетанинг 20 йиллик тўйини кўриш насиб этмади. У 1903 йили 23 апрелда 41 ёшида вафот этди. Гаспирали хотинининг ўлимидан кейин яна ўн бир йил яшади. 1914 йили 63 ёшида сил касаллигидан вафот этди. У ҳаётлик чоғидаёқ нафақат татар халқи, балки бутун туркий халқларнинг буюк маърифатпарвари сифатида эътироф этилган эди.

**“Татар дунёси” газетасининг  
2008 йил 21 ноябрь сонидан  
Бекмурод РАҲМАТУЛЛАЕВ таржимаси**

Зайнобидин АБДИРАШИДОВ

## ISMOILBEK SUTGAN AYOLLAR

Исмоил Гаспринский XX аср бошларида нафақат Русия мусулмонлари орасида, балки бутун Шарқда ҳам машхур шахслардан эди. XIX аср охири – XX аср бошларида кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар марказида бўлган бу инсон ҳаётлик вақтидаёқ туркий қавмга татбиқан “миллатнинг отаси” деган ном олгани бежиз эмас. Русия империясида истиқомат қилган туркий халқлар орасида миллий матбуот, янги адабиёт ва адабий тил шаклланишида унинг ҳиссаси беқиёс. Бехудий таъбири билан айтганда, “миллатни уйғотиш, дунёдан, сиёсат олаmidан, маданий миллатлар ҳолидан хабардор этиш учун 35 йил меҳнат қилган, ҳар ерда мусулмонларни замонавий маданият, илм-фан, саноат, тижорат ишларига... тарғиб қилган” мазкур зот “Россиядаги минглаб янги усул мактабларининг муаллим ва ўқувчилари, собиқан нашр бўлган ва ҳозирда нашр бўлаётган мусулмон газета ва журналлари муҳаррир ва мудирлари”нинг “устози муаззам”и эди (*Маҳмудхўжа. Исмоилбек ҳазратлари. “Ойна” журнали, 1914, № 50*).

Гаспринский шахсияти ҳар вақт тадқиқотчини сирли бир куч билан ўзига жалб этади. Унинг тадқиқ қилинмаган сир-асрорлари яна

қанча! У ҳаётлик чоғидаёқ ўз шахсига нисбатан дўстлик билан бирга душманликни, ҳақиқат билан бирга тўхматни, севги билан бирга нафратни кўрди. Исмоилбекнинг турли архивлар, кутубхоналардан топилиб эълон қилинган ва қилинаётган ёзишмалари ҳамда унга тааллуқли бошқа ҳужжатларни таҳлил этсангиз, ҳатто айрим ҳамфикрлари ҳам баъзан унга қарши йўл тутганига гувоҳ бўласиз.

Буюк шахслар ҳаёти доимо эътиборда бўлади. Гаспринскийнинг ҳаёт йўли, оиласи ҳақида ҳам ўнлаб асарлар, тадқиқотлар яратилган. Шундай бўлса-да, бу борада айрим чалқашликлар учраб туради. Исмоилбекнинг отаси Мустафо 1810 йили Қримнинг Гаспра қишлоғида дунёга келган. Отаси туғилган жойга нисбат бериб ўзига Гаспринский деб тахаллус олгани ҳам шундан. Исмоилбек бу масалага “Таржимон” газетасига келган мактубга жавобида аниқлик киритиб ўтган. Хусусан мактубда, “Машхур бир бойнинг уйида бўлган зиёфатда “Таржимон” газетаси ҳақида гап кетди. Муҳаррирнинг исми Исмоил-у, фамилияси нима учун Гаспринский экан, деган саволлар ҳам бўлди. Зиёфат давомида турли жавоблар айтилган

бўлса ҳамки, бу масалага ойдинлик кири-тилмади. Жавобини муҳаррирдан эшитишга қарор қилинди", дейилган бўлиб, Гаспринский бу саволга жавобан шундай деб ёзди: "Қримда Гаспра деган бир қишлоқ бор, муҳаррирнинг отаси ана шу қишлоқдан. Шунинг учун ҳам қримча Гаспдали, сибирча Гаспрингий, сартча Гаспдали, арабча ал-Гасфрий, русча ё Гаспров ё Гаспринский дейилса жоиз. Масаланинг жавоби – шу" (*Ифодаи ҳол. "Таржимон" газетаси, 1883, № 24*). Ҳозирги тадқиқотларда ҳам унинг исми турлича, Туркия ва Қримда Гаспдали, Америка, Европа ва бизда Гаспринский номи қўлланиб келмоқда.

Гаспринскийнинг бобоси Али Гаспра қишлоғининг улуғларидан эди. Шу боис Кавказ генерал-губернатори князь Воронцов-Дашков билан муносабати илиқ бўлган. Князь Воронцов Алининг ўғли Мустафони ҳомийлигига олиб, Одессадаги лицейга ўқишга жойлашишга кўмак беради. Мустафов ўқишни тамомлагандан сўнг князь Воронцов девонхонасида таржимон бўлиб ишлай бошлайди. Кейинчалик унинг хизматлари инobatга олиниб, "дворян" мартабаси берилади. Аммо у дворян бўлишига қарамай, моддий жиҳатдан қашшоқлашиб қолган ва қўл остидаги ерларнинг каттагина қисмини қарзлардан қутилиш учун сотган эди. Мустафобек икки марта уйланган. Биринчи хотини 1849 йили вафот этган. Шу йили у Қримнинг машҳур Қайтазовлар оиласига мансуб Фатма хонимга уйланади. Бу оиласидан икки ўғил ва тўрт қиз кўради. Исмоил оилада иккинчи ўғил бўлиб, 1851 йил 21 мартда Овчикўй қишлоғида туғилган. У тўрт ёшга тўлганида оиласи Боқчасарой шаҳрига кўчиб ўтади ва ўша ерда муқим қолади. Ёш Исмоил саводини Боқчасаройда, 10 ёшга тўлгунига қадар Зинжирли мадрасасида, Ҳожи Исмоил деган муаллим қўлида чиқаради. Шундан сўнг Мустафобек ўғлини Симферополдаги ҳарбий мактабга беради. Ушбу мактабдаги икки йиллик таҳсилдан сўнг у ўқишини Воронеж ҳарбий мактабига, у ердан эса Москва ҳарбий билим юртига кўчиртиради. Москва шаҳрида ёш Исмоил "Московские ведомости" газетасининг бош муҳаррири профессор

Иван Катков оиласида истиқомат қилади. Катков ўз даврининг машҳур шахсларидан бўлгани боис унинг уйига рус адабиётининг кўзга кўринган вакиллари тез-тез келиб турган. Исмоилбек ҳам ана шундай суҳбатларга кўп бора гувоҳ бўлган ва бу суҳбатлар, табиийки, унинг дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

1868 йили 17 ёшга тўлган Гаспринский Москвадаги ўқишини ташлаб, Боқчасаройга қайтади. Шу ердаги машҳур Зинжирли мадрасасида рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлайди. Исмоилбек мадрасада фаолият кўрсатган бир ярим йил давомида шаҳар полицияси бошлиғи Шестовнинг шахсий кутубхонасида фойдалангани манбаларда қайд этилган. Бу жуда бой кутубхона бўлиб, унда айрим тақиқланган китоблар ҳам сақланар эди. Ана шу китоблар ва даврий матбуотни доимий мутолаа қилган Гаспринскийнинг фикр доираси, дунёқараши тобора кенга боради. 1869-71 йиллари Исмоилбек Ялтаннинг Дерекўй қишлоғидаги мактабда ҳам муаллимлик қилади. Сўнгра у яна Боқчасаройга қайтиб, Зинжирли мадрасасидаги фаолиятини давом эттиради. Гаспринский бу мадрасада талабаларга ўз вазифасига кирмайдиган фанлардан ҳам сабақ бергани, эскича ўқув методларини ўзгартиришга ҳаракат қилгани ва рус тили дарсларини кўпайтиришга интилангани учун мударрислар таъқибига учрайди. Мударрислар унга ҳатто ўлим билан таҳдид қилган Гаспринский мадрасадан кетишга мажбур бўлади.

Шундан сўнг Гаспринский чала қолган ўқишини тугаллаш ва француз тилини мукамал ўрганиш мақсадида 1871 йили Вена, Мюнхен ва Штутгарт шаҳарлари орқали Парижга келади. У уч йил давомида Европанинг машҳур университетларидан бири – Сорбоннага эркин тингловчи сифатида қатнайди. Унинг Европага саёҳати кейинчалик эълон қилинган "Дору-л-Роҳат мусулмонлари", "Фарангистон мактублари", "Европа маданиятига бир назари мувозана" каби асарларида атрофлича ёритилган бўлиб, бу саёҳат унинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юрганлини кўриш мумкин. Европада Гаспринский илк бор француз либерал-социалистлари

таълимоти билан танишади ва ушбу таълимот тўғрисида танқидий асар ёзган илк Шарқ сиёсатчиси сифатида тилга тушади.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, Гаспринский Парижда буюк рус ёзувчиси Иван Тургеневга котиблик қилган, унинг қораламаларини оққа кўчирган. Шунингдек, у француз тилини мукаммал эгаллагач, реклама агентлигида таржимон бўлиб ишлайди. "Дору-л-Роҳат мусулмонлари", "Европа маданиятига бир назари мувозана" асарларида келтирилган фикрлар ва фактлар Гаспринскийнинг Англия, Испания ва Португалияда ҳам бўлганини тасдиқлайди.

1874 йили Гаспринский Париждан Истанбулга келади ва у ерда амакисининг уйида бир йилча қолиб кетади. Амакиси Халил афанди "Жаридаи Аскария" газетасида таржимон бўлиб хизмат қилар эди. Турк олими Явуз Акпинарнинг таъкидлашича, Гаспринскийнинг матбуот билан ҳамкорлиги айнан Истанбулда бошланган. У Москва ва Петербургда нашр этиладиган айрим рус газеталарига Истанбул, Усмонли давлати ҳаёти ҳақида "ярим хаёлий мактублар" юбориб турган. Рус олими Л.Климович эса Гаспринский Парижда яшаган вақтидаёқ баъзи газеталарининг муҳбири бўлгани ва Франциядан Жазоир, Тунис, Миср ва Греция орқали Қримга қайтиб келганини таъкидлайди.

1875 йили Қримга қайтган, Гаспринский Ялтадаги бир кичик мактабда икки йил ўқитувчилик қилади. Бу орада у биринчи марта уйланади. Гаспринскийнинг кизи Шафиқа Гаспринская бу ҳақда шундай эслайди: "Отам Ялтада муаллимлик қилар экан, у ердаги бир савдогар кизи бўлган Самур хонимга уйланади. Замонага мувофиқ таҳсил кўрмаган, ташқи дунёдан беҳабар, уй ичида улғайган бир қиз экан. Отам у билан икки йил турмуш қуриб, Хадича исмли бир қиз кўрган (ҳозир ҳаётми-йўқми билмайман, аммо бутун оиласи билан Туркистонга сургун қилинганлар орасида эканидан хабаримиз бор). Холларимнинг айтишига қараганда, у аёл уйимиз шароитига кўника, мослаша олмаган экан. Отам билан ҳар ҳолда келиша олмаганликлари сабабли ажрашишган" (*Hablemitoğlu Ş., Hablemitoğlu N. Şefika*

*Gaspıralı ve Rusya'da Türk Kadın Hareketi (1893-1920). Ankara, 1998, s.25).*

Шафиқа хоним отаси уйланган йил ва вақтни аниқ айтмаган. Шунга қарамай, Явуз Акпинар Гаспринскийнинг яқин сафдошларидан бири Ҳасан Сабри Айвазов мақолаларидаги айрим маълумотларга таяниб, бу санани 1876 йил деб кўрсатади. 1878 йили Гаспринский Самур хоним билан ажрашгандан сўнг муаллимлик ишидан бир оз четлашиб, ўзини сиёсат ва ноширликка уради.

Гаспринскийнинг Самур хонимга уйланиши ёшлиги айни жўш уриб турган даврга тўғри келгани инobatга олинса, у Самур хонимнинг чиройига мафтун бўлгани, бир кўришдаёқ севиб қолганини тахмин қилиш мумкин. Лекин қизнинг "замонага мувофиқ таҳсил кўрмагани" ҳамда "ташқи дунёдан беҳабар, уй ичида улғайгани" фикр ва ғоя одами бўлган Гаспринскийни тушунишига, унга мададкор бўлишига маълум маънода "тўсқинлик" қилган кўринади. Айнан шу сабаб Гаспринский билан Самур хонимнинг ажрашишига туртки бўлган, деб айтиш мумкин. Исмоилбекнинг Самур хоним билан кечган ҳаёти тўғрисида, афсуски, Шафиқа хоним гувоҳлигидан бошқа деярли ҳеч қандай маълумот сақланган эмас. Шунинг оқибатида бу икки инсон ўртасидаги муносабатлар баъзан нотўғри талқин этилиши ҳам учраб турибди. Юқорида матни билан танишганингиз Гулнора Абдуллаеванинг "Севги ва маърифат" мақоласи ҳам, таассуфки, ана шундай "эркин" ёндашувлар сирасига киради. Самур хоним билан турмуши даврида Гаспринский, Г. Абдуллаеванинг сўзларига кўра, қайнотасининг бойлигидан фойдаланишга, уни ўз манфаати йўлида сарфлашга уринган. Аслида шундай эдимиз? Тарихда ўтган буюк шахсларнинг тақдирига назар ташлаш ва,



Шафиқа Гаспринская

айниқса, уларнинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ нуқталарни тадқиқ этиш анча-мунча тер тўкиб изланишни талаб қилади. Шу жиҳатдан олганда, Г.Абдуллаеванинг Гаспринский ҳақидаги тасаввурлари моҳиятан чалкаш бўлиб, ўқувчини ҳам чалғитади. Муаллиф буюк маърифатпарварнинг ҳаёт йўли ва фаолияти билан у қадар яхши таниш эмаслиги сезилиб туради. Дейлик, 1876-78 йилларда Гаспринскийда газета чиқариш фикри бўлган эса-да, бу ҳали фақат бир ҳаёл эди, холос. 1879 йилга келибгина у ўша ҳаёлини амалга ошириш ҳаракатига киришади. Бир мусулмон босмаҳона ускуналарини сотиб олишига ва унда газета чоп қилиб тарқатишига чор маъмурлари асло розилик бермас эди. Чунки, аввало, ҳокимият Гаспринский ҳақида барча маълумотларни йиғиб, у қилмоқчи бўлган иш сиёсий жиҳатдан тўғри келиш ёки келмаслигини ўрганиб чиқиши даркор эди. Бу ҳам етмаганидек, рус маъмурияти ғайрирус бўлган ерлик миллатларни тутқунликда сақлаш сиёсатини олиб боргани сабаб маҳаллий тилларда – ҳатто улар давлат сиёсатини ёқловчи дастур асосида бўлса ҳам – газеталар нашр қилинишига ижозат бермас эди.

Кўриниб турибдики, Гаспринский, Г.Абдуллаева таъкидлаганидек, “қайнотасидан олган пулларга” на матбаа ускуналарини сотиб олган ва на “ундан қолган-кутганига” “Русское мусульманство” (“Русия мусулмонлиги”) асарини нашр эттирган. Унинг бу машҳур асари 1881 йили, яъни Самур хоним билан ажрашганидан 3 йил ўтиб чоп қилинган. Агар Исmoilбек 1876-78 йиллар орасида матбаа ускуналарини сотиб олганида, 1880-82 йилларда чиқарган 13 номдаги кичик варақамалумотномаларини Тифлисида эмас, Боқчасаройда, ўзининг матбаасида чоп этган бўлар эди.

1880 йили Гаспринский иш юзасидан Литвага борган. Бу сафарда унга, Явуз Акпинарнинг аниқлашича, Москва ҳарбий мактабида бирга ўқиган дўсти Мустафо Давидович ҳамроҳлик қилган. Давидович асли литвалик татарлардан эди. У кейинчалик Гаспринскийнинг яқин маслақдошларидан бўлган ва ҳатто узоқ муддат Боқчасарой шаҳар ҳокими

лавозимида ишлаган. Литвага сафари Исmoilбекнинг кейинги фаолиятига катта таъсир ўтказган, буни унинг “Русия мусулмонлиги” асарида ҳам яққол кўриш мумкин. Бу ерда у “замонавий”лашган Литва мусулмонларининг ҳаёти билан яқиндан танишади ва миллионлаб бошқа мусулмонлар ҳам шу тарзда “замонавий”лашса, тараққий этган миллатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши мумкинлигини ёзади. Литва татарлари ҳаёт тарзида Гаспринский диққатини энг кўп тортган жиҳат, бу – хотин-қизларга бўлган муносабат эди. Уларнинг таҳсил кўришидаги, динга муносабатидаги, ижтимоий ҳаётидаги нисбатан эркинлики кўрган Исmoilбек ерлик бир қизга уйланишга қарор қилади. Литвалик тадқиқотчи Адас Якубасканинг аниқлашича, у татарлар орасидан етишиб чиққан генерал Матсей Аҳматовичнинг қизи Мария Аҳметовиғунага кўнгил қўяди ва унга уйланиш истагини билдиради. Бироқ Мариянинг отаси Исmoilбекнинг бу таклифини қабул қилмайди, чунки у қизини ўз қўл остида хизмат қилаётган ҳарбий зобит Константин Кричинскийга узатиш ниятида эди. Исmoilбей Мария билан оила қуриш масаласига ўта жиддий киришган кўринади – Кричинскийлар оила архивида сақланаётган кўлёма Куръони карим, А.Якубасканинг таъкидлашича, бунинг ёрқин далилидир. Гаспринский онасининг туҳфаси бўлган шу ўта қадрли кўлёма китобни Марияга ҳадя қилган. Яна Кричинскийлар оила архивидан унинг Марияга ёзган уч мактуби ҳам топилган. Улардан икkitаси русча, бири эса французча ёзилган. Бирида 1881 йил 13 январь тарихи бор.

Гаспринскийнинг Самур хоним билан нима сабабдан ажрашгани Марияга кўнгил қўйиш лавҳаларидан бир қадар аён бўлади. Улуғ маърифатпарвар ўзига муносиб, яъни ўзи каби ўқимишли, зиёли аёлни қидирган.

1880-81 йиллар орасида қозонлик машҳур фабриконт Асфандиёр Оқчуриннинг қизи Зухра хоним тоғаси билан сەҳнат қилиш ва ҳаво алмаштириш мақсадида Кримга келади. Шафиқа Гаспринскаянинг ёзишича, онаси Зухра хоним ўша йили Петербургдаги аёллар мактабини битирган экан. Тақдир

тақозосига кўра, Исмоилбек Зухра хоним билан Ялта шаҳрида тасодифан танишиб қолади. Машхур Ризоиддин Фахриддин уларнинг танишуви сабабини қуйидагича изоҳлайди: “Зухра хоним қизлик вақтида ҳам туркийча, ҳам русча жуда яхши таҳсил кўрган. 1881 йили “Таржимон” газетасининг учкунлари сифатида Боқчасаройда нашр қилинган бир неча варақаларни ўқиган Зухра хоним уларнинг муҳаррири Гаспринский-га ғойибона муҳаббат қўйган эди” (*Kirimer Sedahmet Cafer. Gaspirali Ismail Bey: Dilde, Fikirde, İşte Birlik. Istanbul, 1934. s.48*). Гаспринский тоға-жиянни Боқчасаройдаги уйига меҳмонга чақиради. Исмоилбекнинг оила аъзолари Зухра хонимни ёқтириб қолади. Шундан сўнг икки ёш ўртасида яширинча хат алмашиш бошланади. Ш.Гаспринскийнинг ёзишича, Исмоилбек аввал Зухра хонимга мактуб орқали ўз муддаосини англаган. Кейин эса у барча мактубларини Зухра хоним айтган манзилга – Уваровка станциясининг бошлиғи ёки Поливаново станцияси табиби номига юбора бошлаган. Ёзишмалар орқали улар оила қуришга қарор қилади ва Гаспринский Симбирск вилоятига йўл олади. Улар шу ерда яширинча никоҳ ўқитади. Шундан сўнг Исмоилбек Зухра хонимнинг отаси Асфандиёр Оқчуруннинг олдига бориб вазиятни англади. Ночор қолган ота бу никоҳга розилик билдиради ва катта тўй қилиб беради. Шу ўринда Ш. Гаспринскийнинг хотираларига эътибор қаратсак: “Бобом онамга бир неча сандиқ ва салмоқлигина тақинчоқлар берган. Биз уйимиздан кетишга мажбур бўлган вақтда онам сепини олиб келган 7 сандиқ ўша ерда қолди. Отам газета ва матбаа ташкил қилган вақтда ишига яраган тақинчоқлар мен билан синглим Нигорда қолган эди. Акам Рифъат уйланганида келинимизга ҳам тақинчоқлардан бир қисмини ҳадя қилгандик. Қолганини эса Қрим ва Озарбайжоннинг большевиклар тарафидан истилоси ҳамда Истанбулга кўчиб ўтиш еб тугатди” (*Kirimer Sedahmet Cafer. Gaspirali Ismail Bey... s.49*). Кўриниб турганидек, Гаспринский хотинининг қимматбаҳо тақинчоқларини газета ё матбаа ишига ишлатиб юбормаган, аксинча, маблағ олиш учун гаров сифати-

да қўйиб, кейинчалик яна қайтариб олган. Зухра хонимнинг тақинчоқлари қизларига мерос қолган. Бинобарин, Г.Абдуллаеванинг Гаспринский биринчи ва иккинчи хотинлари – Самур ҳамда Зухра хонимларнинг бой оилага мансублигидан ўз манфаати йўлида фойдаланган, деган гаплари ҳақиқатга мутлақо эид эканини Шафиқа хонимнинг сўзлари тасдиқлаб турибди.

Исмоилбекнинг газетачилик, матбаачилик фаолиятида Зухра хонимнинг хизмати жуда катта бўлган. “Таржимон” нашр этила бошланган илк йилларда почта, газета тарқатилиши, ҳисоб-китоб билан боғлиқ юмушларнинг барчасини Зухра хоним Исмоилбекнинг ёнида туриб амалга оширган. Ш.Гаспринский онаси ҳақида бундай деб ёзган: “Газета нашри йўлга тушиб кетган йиллари онам бир неча фарзанди бўлатуриб, ҳам уларнинг тарбияси, ҳам газета ишлари билан шугулланишга вақт топа олди. Отам билан 20 йил турмуш қўрган бўлса, бирор марта ўзи учун қимматбаҳо нарса ёки кийим-бош олинишига рози бўлмади, ҳатто болалар тарбиясини ҳам бошқа бировга ишонмади. Газета саҳифаларида бирор марта ҳам номи кўринмаган бўлса-да, беминнат хизмати ва маориф йўлидаги ғайрати кўпчиликка маълум эди. Шу сабабли ҳам вафот этганида турли вилоятлардан таъзия билдирилган 300 га яқин мактуб келди” (*Hablemitoğlu Ş., Hablemitoğlu N. Şefika Gaspirali ve Rusya'da... s.29*). Хуллас, Жаъфар Саидахмад Киримернинг таъбири билан айтадиган бўлсак, “Исмоилбекнинг Зухра хонимга уйланиши ҳаётининг энг бахтли воқеаси бўлган эди” (*Kirimer Sedahmet Cafer. Gaspirali Ismail Bey... s.50*).

Зухра хоним 1903 йил 13 апрелда 41 ёшида вафот этган, Боқчасаройда Қримнинг машхур хонларидан Менгли Гирайхоннинг турбати қаршисига дафн қилинган. Исмоилбек орадан бир неча йил ўтиб Зухра хонимнинг синглиси Хуршид хонимга уйланади. У болаларини ўғай она қўлига эмас, балки хола-си қарамогига топширишни ўйлаб шу қарорга келган бўлса ажаб эмас. Аммо уларнинг бу турмуши узоққа бормайди, икки йил ўтиб Хуршид хоним касалликдан вафот этади.

Исмоилбек Зухра хоним билан саккиз нафар фарзанд кўрган. Тўнғич ўгли Рифъат 1914 йил Исмоилбек вафотидан сўнг "Таржимон" газетасига ва матбаа ишларига бош бўлади; катта қизи Шафиқа эса Кримдалик вақтида кейинчалик Озарбайжон республикасининг биринчи бош вазири бўлган Насибей Юсуфбейлига турмушга чиқади. Крим татарлари миллий ҳаракати ва Россиядаги туркий халқлар аёллари ҳаракатида катта роль ўйнайди.

\*\*\*

1878 йили Гаспринский Боқчасарой шаҳар думаси депутатлигига сайланади. Шу йили бўлиб ўтган шаҳар ҳокими ўринбосари Сайловида ғолиб чиқиб, шаҳар ҳокимлигининг Ёзув ишларини бошқариш ва кузатиш бўлимига бошлиқ этиб тайинланади. 1879 йил Боқчасарой шаҳар ҳокими лавозимига қайта сайловда Гаспринский ҳоким мансабини эгаллайди. Бу лавозимда у 1884 йил мартага қадар фаолият юратади.

"1879 йил ноябри бошларида, – деб ёзади украиналик олим Виктор Ганкевич, – Гаспринский нусха кўчириш ускунасини харид қилишга рухсат сўраб вилоят губернаторига мурожаат қилади ва бунга розилик олади. Аризасида бу ускуна ёрдамида "турли эълонлар, иш қоғозлари, таклифномалар, ихчам ёрлиқлар ва шунга ўхшаш кичик ҳажмдаги" полиграфик маҳсулотлар чиқариш истаги билдирилган эди. Орадан кўп ўтмай, яъни 1879 йил ноябри охирларида у вилоят губернатори номига янги ариза билан мурожаат қилади. Бу сафар тўлақонли типографик ускуна сотиб олмақчи эканини баён этиб, шундай изоҳ беради. "Татар ёзувида нашр қиладиган босмаҳона ускуналари фақат Қозон ва Петербург шаҳарларида бўлгани сабабли мен бир неча татарча китобларни чоп қилишга қийналмоқдаман. У шаҳарларга китобларим ва таржималаримни чоп этишга юбориш жуда ноқулай ва қимматга тушади". Бу аризининг кўриб чиқилиши узоқ вақтга чўзилади. Чунки ҳокимият Гаспринский ҳақидаги барча маълумотларни йиғиб, бу иш

сиёсий жиҳатдан мақбул келиш ёки келмаслигини ўрганиб чиқиши лозим эди.

Айни вақтда Исмоилбек ака-ука Унсизода-лар Тифлисида нашр этаётган "Зиёи Кафказия" газетасида Русия мусулмонлари ўз муаммоларини муҳокама қилиши учун миллий матбуот органига эга бўлиши кераклиги ҳақида мақола эълон қилади. Мақолада у матбуотни "миллатнинг забони" деб таърифлади ва халқ у орқалигина ўзини ҳимоя қила олиши мумкинлигига ургу берди. "Қисқасини айтганда, ўз матбуоти ва адабиётига эга бўлмаган миллат кўр ва соқов одамга ўхшайди" (*Исмоил Гаспринский. Боқчасаройдан юборилган мактуб. "Зиёи Кафказия" газетаси, 1879 йил 9 ноябрь*), деб ёзади у.

Исмоил Гаспринский 1879 йилдан бошлаб газета ташкил қилиш ҳаракатига тушди. Лекин давлат идоралари унинг барча сўровномаларини жавобсиз қолдирди ё рад жавоби берди. Зотан, Туркистон вилоятининг сўнгги генерал-губернатори генерал А.Куропаткин (1848-1925) 1917 йили ўз хотирномасида "Сўнгги 50 йил давомида биз [руслар] маҳаллий халқларни тараққиёт, мактаб ва рус ҳаётидан узоқроқ тутдик" (*Дневник генерала А.Н.Куропаткина. 1917 год. Журнал "Исторический архив", 1992, № 1*), деб ёзган эди.

Гаспринский 1879 йил 20 ноябрда Русия Ички ишлар вазири Л.Маковга (1830-83) татар тилида "Файдали эгленже" ("Фойдали маълумот") номида газета ёки журнал чиқариш учун рухсат сўраб мактуб йўллади. Унда "Зиёи Кафказия" газетасидаги мақоласида билдирган фикрларини янада кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилади. Унинг бу талабномаси ҳам рад этилади. Шундан сўнг Гаспринский "Мактаб" номида газета чиқариш учун рухсат сўраб мурожаат этади. Унинг бу мурожаати ҳам вазирликда салбий қарши олинади. 1880 йилнинг охирларида Гаспринский Ички ишлар вазирига яна бир ариза ёзиб, "Қонун" номида ахборот ва адабий варақа чиқариш учун рухсат сўрайди. Бу гал вазирлик варақани назорат этиш учун Симферополда цензура органи ходими-йўқлигини важ қилиб, яна уни чиқаришга рухсат бермайди.

Гаспринский узоқ уриниш ва ҳаракатлар натижасида 1881 йили “Тўнғич” ва “Шафақ” номида икки кичик варақа чиқаришга муваффақ бўлди. У мақру кичик газеталарни чоп қилиб тарқатар экан, аввало, мусулмонлар она тилларидаги бу газеталарни қандай қабул қилиши ва диндан бошқа масалалар муҳокамасига қай даражада эътибор қаратишини билмоқчи эди. “Тўнғич”нинг биринчи нашри сифати ўта ёмон чиққанидан Гаспринский уни қайтадан чоп қилишга мажбур бўлади. Ушбу газета Қримдан ташқари Волга бўйи мусулмонлари орасида ҳам тарқалди ва яхши қабул қилинди. Шундан сўнг “Шафақ” “Тўнғич”нинг давоми сифатида дунё юзини кўрди. Иккала варақа ҳам Тифлисидаги ака-ука Унсизодалар босмаҳонасида чоп этилди. Чунки бу вақтга қадар Гаспринскийнинг типографик ускуна сотиб олиш учун берган аризасига жавоб бўлмаган эди.

1881 йил ўрталаридан 1882 йил бошларига қадар Гаспринский бир-икки саҳифалик кичик ҳажмдаги 12 варақа чоп қилади. Россия империясининг XIX аср сўнгида ижрода бўлган “Матбуот тўғрисидаги Қонун”га мувофиқ матбуот бир марталик ва доимий турларга ажратилган эди. Доимий чиқадиغان матбуот органи бир марталикдан фарқли ўлароқ Ички ишлар вазири рухсати билан нашр этилган. Гаспринский вазирдан рухсат олмаслик мақсадида нашр қилган кичик ҳажмдаги варақаларига бошқа-бошқа ном берган. Бироқ цензура бундай варақалар нашри мунтазам тус олганини кўрсатиб, бу ишни тақиқлаган. Оқибатда Исmoilбек газеталар нашрини давом эттириш учун Ички ишлар вазиридан рухсатнома олишга мажбур бўлган.

Гаспринский газета-варақаларини нашр қилар экан, биринчи галда ўқувчи ва обуначи масаласини ҳал этиши зарур эди. 1881 йилнинг август ойида у Бутунрусия мусулмон савдогар ва ишлаб чиқарувчилари йиғиладиган Нижний Новгород кўргазма-бозорига борди. Бу кўргазма-бозорда туркистонлик савдогарлар ҳам иштирок этган. Сафари давомида Гаспринский кўп савдогарлар билан миллий таълим ҳамда матбуот тўғрисида музокаралар

олиб боради ва издошлар топишга муваффақ бўлади. Музокаралар натижасида савдогарлар почта орқали жўнатиладиган газеталарни ўзлари истиқомат қиладиган вилоятларда тарқатишни зиммаларига олади. Гаспринский Нижний Новгороддан Боқчасаройга 250 обуначи рўйхати билан қайтиб келди.

1882 йил ўрталаридан Гаспринский доимий равишда нашр қилинадиган газета учун рухсат олишга қаттиқ киришади. Бир йил давом этган елиб-югуришлар туфайли у ниҳоят 1883 йил 10 апрелда “Таржимон” газетасининг биринчи сонини босмадан чиқарди. “Таржимон” таъсис этилгач, унинг муҳаррири дастлабки уч йил давомида мундарижа ва рукнларни бойитиш, тўлдириш мақсадида ҳукумат идораларига етти марта мурожаат қилади ва ҳар сафар ижобий жавоб олади.

Исmoilбек газета ва матбаачиликдан ташқари тижорат ишлари билан ҳам шуғулланади. Умрининг охириги йилида “Исmoil Мирза Гаспринский ва ўғли ширкати”ни тузади ва хусусан нефть савдоси билан шуғулланишини эълон қилади. Аммо Биринчи жаҳон уруши сабабли ширкат ишлари икки йилча тўхтаб қолади.

“Таржимон” газетаси 20 йил давомида Россия империясидаги ягона мусулмон матбуоти бўлиб қолди. Бу давр мобайнида газета ҳафтасига бир-икки марта кичик ҳажмда босилди. Лекин шу кичик газетанинг туркий миллатларга кўрсатган таъсири жуда катта эди. “Таржимон” даъвати билан Россия империясининг турли ўлкаларида мусулмонларнинг кўп сонли янги мактаблари очилди, хайрия жамиятлари ташкил этилди, янги адабиёт шаклланди. Гаспринский моҳир сўз устаси эди, фикрларни содда, қисқа ва лўнда ифодаловчи услуб қўллади, “Таржимон”нинг “ўртал” тилини яратди. У бутун туркий миллатларни “Таржимон”нинг ягона адабий тили остида бирлаштиришни орзу қилди. Бунинг учун умрининг охирига қадар “Тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида курашди. Исmoilбек ҳатто оилавий ҳаётини ҳам ана шу улўф мақсадга бўйсундирди. Шундай экан, нанки унинг ижтимоий фаолияти, балки маиший ҳаёти тўғрисида ҳам зўр масъулият ва ҳурмат билан сўз юритмоқ маъқулдир.

Турсун АЛИ

# Қо'нгил yorishganda...

*Шеър ёзилмайди, шоир руҳиятида, кайфиятида тугилади. Шеър – ҳар қандай ижтимоий воқеадан кўра шиддатлироқ.*

\* \* \*

*Таржимон ўзи ўгираётган шоир ёхуд адиб руҳига кира олсагина, ҳақиқий таржима дунёга келади. Акс ҳолда, таржима ўзининг чўлтоқ асарига айланади.*

\* \* \*

*Аҳён-аҳёнда шеър ёзаман, шунда ҳам... кўпайиб кетмадимикан деган хавотир билан.*

\* \* \*

*Ёзишда аввал руҳимда ҳис-ҳаяжон, завқ-шавқ пайдо бўлади ёхуд кўнглимни маъюслик, дилгирлик, ёлғизлик қамраб олади. Шундагина нималардир қозоғга тушади. Шеър дегани балки шудир?..*

\* \* \*

*Кўшиқчи кўшиқ куйламаса, кўшиқ уни куйлатса – айни муддао.*

\* \* \*

Замон каби адабиёт ҳам янгиланади. Зотан,  
янгиланмаган адабиёт қўлмак сув янглиг  
секин-аста пастлай боилайди. Адабиётнинг  
чўкиши – миллатнинг чўкишидир.



\* \* \*

Шундай шеърлар бўладики, бир ўқийсиз-у, қайтиб ўқиёлмайсиз. Шундай  
шеърлар бўладики, такрор-такрор ўқиб, сира қонмайсиз. У гўё сизнинг  
кўнглингиз учун ёзилгандек...

\* \* \*

Нўноқ бир ёзувчининг улуг шоир ҳақидаги хотираларини гўё шоир май-  
йити тепасида ўқигандек бўлдим.

\* \* \*

Боёқиш шу қадар кўп ёзадики, саногини хотинидан бошиқа ҳеч ким аниқ  
билмайди.

\* \* \*

Қаламкаш ўз асарини билибми-билмайми, шиқилиб, кўкка  
кўтараверади. Нақадар аянчли “аламкаш”дир у.

\* \* \*


Тунни китоб билан ўтказган одамнинг тонги чарогондир.

\* \* \*

Адабиёт чўққисида ҳаёт булоқлари қайнаб турмас экан, унинг эртаси  
тақир сахрога айланиши шубҳасиз.

\* \* \*

Бир ижодкор халқ қалбидан жой олмаган-у, фақат кўксига нишон  
таққан, холос. Бир кун келиб шу нишони билан бирга дафн этилиши ҳеч  
хаёлига келармикан шўрпешонанинг?..



ШОҲ АСАРНИНГ ШОҲОНА БЕЗАКЛАРИ

**Бабур-наме. Миниатюры из собрания Государственного музея Востока. Самара, "Агни", 2005.**



Биз ҳар бир санъат намунасида Ҳақиқат, Эзгулик ва Гўзаллик уйғунлигини кўрмоқ истаймиз. Шу уч унсур тугал бўлган асарни эса мукамал ва, бинобарин, боқий ҳисоблаймиз. Миллий мумтоз насримизнинг "Қисаси Рабғузий" дан кейинги муаззам обидаси – "Бобурнома", шак-шубҳасиз, ана шундай асарлардан. Бу китобни қайта-қайта мутолаа этиб, ундан олган бор таассуроту завқ-шавқим ҳақида кўп ва хўб ёзгим келади. Лекин бу галги фикр-мулоҳазалар "Бобурнома"нинг ўзи эмас, унга чизилган миниатюралар хусусида. Гарчи, бадиият мезонларига кўра, "Бобурнома"га тенглаша билмаса-да, лекин ёвуқлаша оладиган бу расмлар қандай пайдо бўлганининг ўзиёқ бутун бошли тарих.

Маълумки, Бобур бунёд этган йирик салтанатни 1556-1605 йилларда, яъни роппа-роса ярим аср Акбаршоҳ идора қилади. Кўп вақтини Шимолий Ҳиндистон ҳукмдорларини тобе этишга сарфлаган бу тахт соҳиби империя ҳудудини кенгайтириш баробарида ялпи ислохотларга ҳам бел боғлайди. Бундан кўзланган мақсад эса ўз қаламравидаги барча халқлар ўртасида тенглик ва адолатни устувор этиш асосида марказлашган давлатни барпо қилиш эди. Ушбу борадаги долзарб вазифа сифатида у Турон, Эрон ва Ҳиндистон аъналаридан озикланган янги миллий маданиятни яратишга ҳам азму қарор қилади. Жаҳон маданияти тарихига бобурийлар тасвирий санъати деган ном билан кирган бадиий феномен шу саъй-ҳаракат маҳсули бўлди. Мазкур тасвирий санъат мактаби ўзини асосан китоб миниатюраси соҳасида намоён этди. Акбаршоҳ даврига мансуб расмлар кўпроқ портрет жанрида бўлиб, уларда бобурий ҳукмдорлар ва сарой мулозимлари қиёфаси акс топди. Акбаршоҳнинг вориси Жаҳонгир (1605-27) ҳукмронлиги даврига келиб миниатюра услуби янада латиф, майин тус олди. Бу давр расмлари ижодида портрет билан бирга ҳайвонлар, қушлар ва гулларни тасвирлаш урфга кирди. Ундан кейинги подшоҳ Шоҳжаҳон даврида эса (1628-58) машшоқлар иштирокидаги базмлар, бог ё кўшда дил рози қилаётган ошиқ-маъшўқлар, гулхан атрофида суҳбат қуриб ўтирган дарвешларни акс эттиришга мойиллик кучайди.

Уч аср мобайнида бу мактабдан Фаррухбек, Мискин, Устод Мансур, Нидҳамал каби юзлаб баркамол мусаввирлар етишиб чиқди. Улар зўр ҳавас ва иштиёқ билан безаган асарлардан бири Бобурнинг шоҳ асари бўлиб, ҳозирда шу туркумга мансуб 400 дан зиёд гўзал миниатюра дунёнинг турли музейларида сақланмоқда. Асосий коллекциялар уч мозийгоҳда жамланган, булар – Деҳлидаги Миллий, Лондондаги Британия ва Москвадаги Шарқ музейларидир. Деҳли музейида 114 та, Лондон музейида 93 та миниатюра сақланаётир. Бизга мавзу бўлган китоб асосини эса Москва музейидаги 57 та ажойиб миниатюра ташкил этади. Китобдаги илова-мақолаларда Бобурнинг тажимаи ҳоли, “Вақоъе” асарининг мазмуни, Москва коллекциясининг тарихи, расмларнинг сюжет мотивлари, рангтаъбир ва коллиграфия услуби ҳақида маълумот берилди. Расмларга ёзилган таъсирлар, “Бобурнома” матнидан парчалар, расмлар сюжетининг уч қўлёзма нусха асосидаги қиёсий жадвали бу маълумотларни янада бойитди.

Маълумки, “Бобурнома” – серқирра асар. Унда тарих, сиёсатшунослик, география, этнография, тилшунослик, адабиётшунослик сингари кўпдан-кўп соҳаларга тегишли қатламлар мавжуд. Миниатюралар расмлар асарни безашда ана шу хусусиятга алоҳида эътибор бергани сезилиб туради. Бир сўз билан айтганда, серқирра асарга ишланган расмлар ҳам худди шундай серқирра. Ўз-ўзидан аёнки, миниатюраларнинг аксарият қисми ҳинд халқи ҳаёти ва бу ажойиб ўлканинг табиатида бағишланган. Бобурнинг ўзи Ҳиндистонни фатҳ этиш асосида бу заминдан кўп бор ҳайратга тушган. “Бобурнома”нинг ҳозирги тилимизга табдилди, чунончи, шундай сўзлар бор: “Нингаҳорга етгач, ўзга бир оламга назарим тушди: гийҳлар ўзгача, дарахтлар ўзгача, қушлар ўзгача, эл ва улуснинг расму одатлари ўзгача. Ҳайратда қолдим. Зотан, ҳайратга арзийдиган жойлар эди.” Бобур, масалан, Ҳиндистоннинг ҳайвонот олами ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирар экан, фил ва карк тўғрисида, айниқса, мароқ билан ҳикоя қилади. Филни йирик жуссали ва зийрак жонивор деб таърифлаган адиб унинг бозордаги нархи ёшига қараб ўлчанишини таъкидлайди. (“Ҳар неча ёши каттароқ – баҳоси баландроқдир...”) Филнинг куч-қувватига эса у “Ҳартумининг икки ёнида – юқориги энгагида икки йирик тиши бор, томга ва дарахтга ушбу тишларини қўйиб, зўрлаб қулатади”, дея баҳо беради. Яна бир йирик ҳайвон – қаркни эса “катталиги уч сигирча бўлади”, дея таърифлаб, бурни устида жойлашган бир қарич узунликдаги шохи асосий ҳужум қуроли эканини таъкидлайди. “Бир овда Мақсуд номли танқўриқчи отини шохи билан бир найза бўйи кўтариб ташлади”, деб мисол ҳам келтиради. Миниатюра мактаби асарларида бу ҳайвонлар улуг бобомиз услубига мос равишда реалистик акс этирилган. Бундан ташқари, Бобур таърифу тавсиф этган қуш ва балиқ турлари ҳам ҳаққоний тасвирланган.

Ҳўш, Самара нашрининг ўзига хослигию бадиий қиммати нимада? Бу саволга жавобни, бизнингча, энг аввало китоб мундарижасидан қидириш лозим. Ушбу миниатюралар халқимизнинг ўтмиш ҳаёти ва маданиятини англашда нечоғли бебаҳо манба бўлишга қодир! Тўғри, коллекциянинг мамлакатимизда эмаслиги кишида таассуф уйғотади. Бироқ бу билан унинг қиммати ва аҳамияти асло пасайиб қолмайди.


“Бобурнома” безакларининг Москва коллекцияси мунтазам намоиш этилувчи экспозициялар сирасига қирмайди. Бизнингча, самаралик матбаачилар чоп этган мазкур китоб шунинг оқибатида юзага келадиган маънавий бўшлиқ ўрнини бемалол тўлдиради. Зотан, ушбу нашр туфайли биз шоҳ асарининг шоҳона безакларидан ҳар лаҳза баҳра олиш имконига эга бўламиз. Дарвоқе, ҳар сония фахр-ифтихор ҳисларига чўмиш имконига ҳам...

## БИР ТАҚДИРДА ТУТАШГАН ИККИ ҚИТЪА

Георгий П р я х и н. Хазарские сны. Роман. Москва, “Воскресенье”, 2006.

Ҳозирги замон рус ёзувчиси Георгий Пряхин номи, афсуски, ўзбек китобхонига унчалик таниш эмас. Ваҳоланки, ўнлаб катта-кичик насрий асарлар ёзган ушбу ижодкор китоблари қатор нуфузли муқофотларга сазовор бўлган, дунёнинг кўпгина тилларига таржима қилинган.

Пряхиннинг илк қиссаси “Интернат” 1979 йили “Новый мир” журналида чоп этилган ва адабиёт ихлосмандлари орасида шов-шувга сабаб бўлган. Асарга Чингиз Айтматовдек буюк ёзувчи сўзбоши ёзгани ҳам асло тасодиф



эмас. Қисса автобиографик хусусиятга эга бўлиб, унда муаллиф XX асрнинг 50-йилларида ўзи тарбияланган интернетда рўй берган воқеаларни ҳаққоний тасвирлайди. Дарвоқе, қисса ўзбек тилига таржима қилingan ва босилиб чиққан.

Болалик мавзуи Пряхин ижодининг етакчи мавзуларидан, десак асло янглишмаган бўламик. Бу ўринда "Интернат" асаридан ташқари, яна "Унда кўрилган тушлар" қиссасини ҳамда адиб жажжи набирасига ҳикоя қилган – бир қарасангиз росмана чўпчагу бир қарасангиз айни ҳаёт бўлиб туюладиган – воқеалардан иборат "Осмондан тушган мактуб" асарини тилга олиш мумкин.

Пряхин "Осийлар жаннатда" деб номланган трилогия ҳам яратган, унда катта бир тарихий давр "солнома"си адибнинг киндик қони тўкилган юрт – Ставрополнинг "соҳиби кудрат"лари ва оддий одамлари тақдири орқали тасвирлаб берилди. Дарвоқе, адиб қачон кўлига қалам олмасин, ўзи туғилиб ўсган замин – Ставрополь ўлкаси бадий маконга айланаверади.

Бир танқидчи, рус адабиётида икки ибтидо азалий кураш олиб боради, деган мазмунда қизиқ бир назарияни илгари сурган эди. Бу икки ибтидои "Ўз юртини кўмсаш" ва "Ёт юртларга талпиниш" деган кўш ибора билан ифодалаш мумкин. Ватан дегани, бу – пойимизда ястаниб ётган замин, бизни қуршаб турган одамлару дов-дарахтлар: барчаси юракка яқин, барчаси қадрдон. Ёт юртлар деганда эса катта олам, дунё маданияти, чўнг саргузаштлар тушунилади. "Ўз юртин"ни танлаш кишини муқим ва ватанпарвар этади. "Ёт юртлар"ни танлаш эса дарбадарга, космополитга айлантиради. Хўш, Пряхин уларнинг қайси бирига мансуб? Комил ишонч билан айтиш мумкинки, у – ватанпарвар. Лекин адибдаги бу туйғу мазкур тушунчанинг одми маъносидан анча теран. У ватанпарвар ўлароқ ҳақиқат ва адолатни севади!

XX аср англиз адиби Редьярд Киплинг, Шарқ билан Ғарб ҳаргиз туташмайди, қабилда фикр билдирган эди. Бироқ Яратганнинг ўзи, бунинг зидма-зиди ўлароқ, бош қахрамон Сергейга Шарқу Ғарбни туташтирувчи ажиб тақдир ато этади. Отаси осийлик, онаси оврупалик бўлган бу болакай, аслида, муаллифнинг бадийи эгизагидир. Сергейни қуршаб турган кишилар ҳам муаллифнинг қариндош-уруғлари, таниш-билишлари... Зеро, адиб "Тушларимга кирар Ҳазора"да бош қахрамон тилидан "Гап шундаки, қариндош-уруғларни қаламга олмоқчи бўлсам, тўқиб-бичиб, ўзимни қийнаб ўтиришим шарт эмас – улардан шундоқ нусха кўчириб кўя қоламан", дейди очик-ойдин қилиб. Шунга таянган ҳолда, Пряхинни реалистларнинг аниқ ҳужжатлар асосида иш кўрадиган ўта "инжиқ" тоифасига кириши мумкин. Бироқ, айни чоқда, у мазкур ҳужжатларни бадий тасвир ва ифода этишга бениҳоя эркин ёндашади. "Мана, ҳозир, шу тобда фақат битта ўқувчи, яъни ўзим учун ёзаяман. Қандай хоҳласам, шундай ёзаяман", дейди адиб яна Сергей тилидан. Дарҳақиқат, бутун роман бўйлаб сочилиб ётган беҳисоб лирик чекинишларни ана шундай услуб натижаси деб баҳолаш тўғри бўлади.

Пряхин жамиятда рўй бераётган эврилишларни шахсда кечаётган руҳий шаклланиш билан ҳамоҳанг тасвирлайди. Шу жиҳатдан, романнинг бош масаласини ижтимоий-маънавий муаммо деб таърифлаш тўғрироқ бўлади. Зеро, айнан маънавият Сергейга ҳар қандай бало-қазолардан омон чиқиши, ҳар қандай хавф-хатарни енгиб ўтиши ва оқибат-натижада галаба маррасини ишғол этишида кўмаклашади. Нафсиламри, инсон ҳаёти аслида шу маънавият боис қимматли, фақат угина сергавго ва серташвиш дунёмизга, озроқ бўлсин, нур ва таскин бағишлашга қодир!

Пряхин рус тилига гўё муқаддас бир ҳилқатдек қарайди. Шу боис, роман тили – соф, жонли, ширали. Бу эса жўшқин сюжет билан кўшилиб, ўқувчини сеҳрлаб кўяди. Ҳатто гаров боғлаш мумкинки, романни бир ўтиришдаёқ ўқиб битирасиз. Одатда, бундай мутолаага нисбатан "ютоқиб ўқимоқ" деган ифода қўлланади. Шу билан бирга, Пряхиннинг асари асло енгил-елли беллетристика намунаси эмас. Бу ҳозирги воқеликнинг долзарб масалаларини кўтариб чиқувчи жиддий асар, фикрчан яраткидир.

Ёзувчи бир-бирини мазмунан тўлдириб, бойитадиган икки воқеани ёнма-ён кўйиб ҳикоя қилишни хуш кўради. У мазкур романини ҳам бир қадар мураккаб бўлган ана шу композицион усул асосида курган. Асарда собик Иттифоқ ҳамда кўҳна Ҳазора воқелиги гўё тарозининг икки палласидек таҳликали "лопиллаб" туради. Сиз муаллифнинг тасвир объектига киноя-

вий муносабати орқали бу икки салтанат тақдирдаги ўзаро уйқаш жиҳатларни гоҳ аниқ-тиниқ, гоҳ гира-шира илғаб оласиз.

Муаллифнинг нуқтаи назари, гоҳ-хулосаси бизга қадрдон ва тушунарли. Пряхин бир фикрни қайта-қайта ҳайқириб айтади: "Қайси халқнинг маънавий қуввати сўнмаган бўлса, демак ўша халқ – барҳаётдир!" "Тушларимга кирар Хазора" романини мутолаа қилар экансиз, Одам авлодига нечоғли зарур ана шу куч асарнинг ўзида ҳам қайнаб-жўшиб тураганига имон келтирасиз...

Пряхиннинг ушбу асари бадий воқелик ўзанига сиғмай реал воқелик қирғоқларига тошиб чиққандай таассурот уйғотади. Муаллифнинг бадий эғизаги – Сергей ўз "Мен"ини англаш жараёнида, чунончи, "Отам ким?" деган саволни қайта-қайта беради. Тақдир туҳфасини қаранги, бу саволга жавоб китоб босилиб чиққандан сўнг Ўзбекистондан топилди. Пряхинга Бухоронинг Пешку туманида отаси Тўхтасин Қурбонов қабрини тавоф этиш насиб қилди. Тўхтасин 1931 йили онаси Маъмура опа билан ҳеч қандай тергов ва судловсиз Россиянинг чекка-овлоқ Николка қишлоғига сургун қилинган ва тақдир уни бу ерда рус қизи Анастасия билан қовуштирган эди. Сиёсат бир мунча юмшаган даврда, ўлими шу бегона юртларда қолиб кетадими, дея ҳадиқда қолган Маъмура хола Тўхтасинни Ўзбекистонга қайтишга кўндиради. Оқибатда киндик қони тўкилган рус қишлоғини тарк этишни хоҳламаган Анастасия Тўхтасин билан ноилож видолашади. Орадаги зурёд – Георгий эса отасини бир умр фақат хаёлларидагина кўриб яшашга маҳқум бўлади.

Бу гал ўзбек қизига уйлаган Тўхтасин тўрт ўғил, тўрт қиз кўради. Бирок, ўнта бўлса ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиги, деганларидек мудом олисда қолган тўнғичини соғиниб яшайди. У ҳатто икки марта Россияга бориб, ўғлини топиш ва олиб келишга жазм этади. Топганда эса ўгли аллақачон улғайиб, "Комсомольская правда"да ишлаётган, таникли инсонга айланган эди. Ота, айниқса, ўгли иштирокидаги телекурсувларни кўз узмай томоша қилади. Лекин энди ўзини ошкор қилишга журъат этолмайди. Сабаби – бир вақтлар қулоқ қилинганим ўғлимнинг таржимаи ҳолига доғ бўлиб тушмасин, амал-мартабасидан жудо қилмасин, дея ҳадиқсирайди. Ота ўлимидан уч кун олдин катта қизини қошига қорлаб, Россиядан тўнғич ўғли йўқлаб келажагини башорат қилади. 1991 йили видео оҳангида айтилган бу башорат 16 йил ўтиб рўёбга чиқади. Пешкулик жигарбандлар Россиядан келган меҳмон куйиб қўйгандек оталарига ўхшашидан кўзларига ёш олади. Шу тариқа Георгий Пряхин – Жўра Қурбоновнинг чувалашиб кетган тақдир или ниҳоят ўзбек заминида ечилади. У онаси қабридан келтирган бир сиқим тупроқни отасининг мозори устидан сеплади. Сўнг онаси турбати устидан сепиш учун отаси қабридан ҳам бир сиқим тупроқ олади. Ўзбек йигити ва рус қизидан бино бўлган фарзанд қафтидаги икки сиқим тупроқ ғаддор тузум боис узилиб қолган муқаддас риштани қайта боғлайди...

## ЧЕТДАГИ КИШИНИНГ ХОЛИС НИГОҲИ

**Н а у м к и н В.В. Ислам и мусульмане: культура и политика. Статьи, очерки, доклады разных лет. Москва – Нижний Новгород, "Медина", 2008.**

Минг қатла шукр, ҳозирги тижорий замонда ҳам шундай жиддий исломшунослар борки, улар илмий изланишларида фақат аниқ текширилган ва илмий асосланган далилларга таяниб иш кўради. Асосий диққат-эътиборни бирламчи манбаларга қаратади, кейинроқ кириб қолган қатламларни эса ё "супуриб" ташлайди, ёки шарҳлаб беради. Бундай олимлар, одатда, пухта академик тайёргарликка эга бўлади, бир қанча хорижий тилини ва, аввало, араб тилини мукаммал билади, қолаверса, талқин ва хулосаларини қайта-қайта текшириш асносида "игна билан қудуқ қазиб" дон чарчамайди. "Ислом ва мусулмонлар: маданият ҳамда сиёсат" китоби муаллифи, Россия ФАнинг Шарқшунослик институти директори Виталий Наумкин ана шундай олимлардан.

Мазкур илмий тадқиқот олимнинг ўзига хос "сайланма"си, қирқ йиллик илмий изланишларининг сара мевасидир. Унга жамланган мақолалар исломий жамиятлардаги маданий



ва сиёсий ҳаётнинг ҳам тарихий, ҳам замонавий масалаларига бағишланган. Китобнинг ўтмишга доир саҳифаларини варақласак, тарих, сиёсатшунослик, фалсафа, этнология, филологиянинг кўплаб назарий муаммолари исломий маданият фониди кўриб чиқилганига гувоҳ бўламиз.

Наумкиннинг китобини мутолаа қилиш асносида, гарчи ўзингиз ҳам шу оламга мансуб бўлсангиз-да, ислом дунёси ва унинг халқлари хусусида жуда оз билимга эга эканингиздан хижолат тортасиз. Билагонлик билан ёзилган мазкур асарда баҳс-мунозарали нуқталар ҳам мавжудки, улар асосан ислом оламида бугун юз бераётган ягона қилимга сифмайдиған чигал жараёнларга тааллуқлидир.

Муаллиф турли-туман хорижий манбаларга эркин ёндашади ва уларни таққослаш асосида қизиқарли ғояларни илгари суради. "Ислом жамоавий ўйин сифатида" деган мақола шу жиҳатдан айниқса мароқли. Олим бой сиёсий маълумотларни таҳлилга жалб этган ҳолда китобхонларни ғоят жиддий амалий аҳамиятга молик янги, оҳорли хулосаларга тайёрлаб боради.

Наумкин мусулмон олами нечоғли чуқур билишига "Исломнинг барқарор тараққийёт концепцияси" деган мақоласи далил бўла олади. Олим унда ислом олами тараққийётини қандай англашини мусулмон жамиятларида кечаётган эврилишларни кенг ва теран кузатиш неғизиди ифодалаб беради. Бунда ўз фикр-мулоҳазаларини нуфузли ислом илоҳийчлари ва сиёсий арбоблари иқтибослари билан мустаҳкамлаб боради. Натижада, муаллифнинг илмий хулосалари алоҳида салмоқдорлик касб этади.

Юқориди таъкидланганидек, китоб бир талай мавзуларга бағишланган ва шу боис кўплаб маълумотларни ҳам ўз ичига олади. Наумкиннинг салкам ярим асрлик илмий фаолиятига сарҳисоб ясаган бу китоб олимнинг қизиқиш доираси ниҳоятда кенг, илмий хулосалари эса ғоят залворли эканидан гувоҳлик беради.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ: СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ИЛМИЙ ТАҲЛИЛЛАР

**З в я г е л ь с к а я И. Д. Становление государств Центральной Азии: политические процессы. М., "Аспект Пресс", 2009.**

Кейинги вақтда Марказий Осиё ҳақида китоблар пайдар-пай чиқиб турибди. Айни мавзу ҳатто "улоқ"қа айланиб, қўлдан-қўлга ўтиб юрибди, десак ҳам муболага эмас. Дунёнинг бошқа ҳудудлари бўйича мутахассислар ҳам ўзини шу минтақа бўйича тадқиқотчи қилиб кўрсатишга интилаётгани кузатилмоқда. Бир жиҳатдан, шундай бўлгани ҳам дуруст, сабаби – бир талай пухта ва теран назарий ишлар юзга келмоқда. Оқилона ва ҳолисона ёндашув бундай тадқиқотчиларга қайси воқеа-ҳодисаларни энг муҳим деб ажратиб олиш ҳамда мазкур воқеа-ҳодисалар ривожига доир энг ишончли фаразларни илгари суришга имкон бераётир. Лекин бошқа жиҳатдан, "босилиб чиқса кифоя" қабилидаги "асар"лар ҳам пайдо бўлмоқдаки, улар Марказий Осиё давлатларининг қарор топиш давридаги сиёсий жараёнларни таҳлилу талқин қилишда уқув ва маҳорат йўқлиги ёхуд танқислиги сабаб бу борадаги ишга катта зарар етказмоқда. Бундай муаллифлар кўпинча минтақа давлатларида кечаётган жараёнлар моҳиятини, халқнинг миллий ўзига ҳослигини, сиёсий қарорлар қабул қилиш механизмларини тузук-қуруқ билмай туриб айрим сиёсий назарияларни мазкур ҳудудга тўғридан-тўғри тадбиқ этишга интилаётир.

Таниқли рус олими, тарих фанлари доктори Ирина Звягельскаяя ўхшаш тадқиқотчилар тўпланган маълумотларни чуқур ўрганади, батафсил таҳлил қилади, ҳар бир далилга авайлаб, синчиклаб ёндашади, оқибат-натижада чиндан-да зарур ва фойдали тадқиқотлар майдонга келади. Звягельскаяянинг "Марказий Осиё давлатларининг қарор топиши: сиёсий жараёнлар" деган янги китоби ана шундай асарлардан. У илгари эълон қилиниб, сўнгра жиддий қайта ишланган мақолалар билан бирга кейинги йилларда қозоғга туширилган асарлардан таркиб топган. Бир жиҳатни алоҳида қайд этиш жоиз: автор мақолаларни шундай бир тарзда жойлаштирганки, китобхон шунинг ўзиданоқ минтақада хоҳ мустақилликка қадар, хоҳ



муस्ताқилликдан кейин бўлсин, сиёсий жараёнлар қай тартибда кечганини осонгина англай олади. Олима бунда асосий эътиборни Марказий Осиёда давлатчилик қайта тикланишидаги энг муҳим нуқталарга қаратади ва янги давлатлардаги ўзгаришлар жараёни маданий-тарихий ўзига хослик ва ўткир ижтимоий зиддиятлар, рақобатчи "ташқи кучлар" таъсири остида кечганини ҳисобга олади.

Китобнинг Марказий Осиё минтақасида давлатчилик қайта тикланиши йўлидаги баъзи изтиробни йўқотишлар, шунингдек, замонавий таҳдидларга доир қисмини алоҳида тилга олиш жоиз. Муаллиф қайси масала ҳақида сўз юритмасин, муаммонинг негизини кўрсатиб беради, ўз нуқтаи назарини ифода этади, ҳар хил ечимларни солиштириб кўради. Масалан, олима янги давлатлар қарор топиши даврида ҳар бир мамлакат дуч келган муаммоларни бир сидра кўрсатиб ўтади. Бунда масалалар жуда кенг қамровда, яъни давлат ва жамият қурилишидан тортиб наркотрафик ва терроризмга қарши курашгача бўлган миқёсда олинади.

Тўғри, асарда барча масалалар ҳам кенг ва батафсил ёритилган эмас. Аслида тадқиқотчи бундай вазифани ўз олдига қўймаган ҳам. Бизнингча, бошқа бир жиҳат муҳим: бу – мамлакатларнинг ҳам ички ҳаёти, ҳам ташқи алоқаларидаги энг долзарб масалалар, энг оғриқли нуқталар ажратиб олинганидир. Муаллифнинг айна масалаларни минтақа ичида эмас, ташқи туриб саралагани ва баҳолагани тадқиқотнинг шу қисмини янада муҳим ва фойдали қилган. Қолаверса, Звягельская воқеалар ривожининг минтақадаги ҳолатини Россиядаги аҳвол билан қиёсий таҳлил ҳам этадики, бу тадқиқотдаги энг устун жиҳатлардан бири бўлиш баробарида хорижий мутахассисларга гоёт асқотиши тайин.

Минтақага ташқи кучлар таъсири масаласи кўриб чиқилган боблар айниқса диққатга сазовор. Негаки, китобда мазкур таъсир динамикаси гоёт аниқлик билан кўрсатиб ўтилган ҳамда йиллар оша ўзгариб, турлиби бораётган манфаатлар асослаб берилган. Муаллиф фикрича, ҳозирги халқаро муносабатлар тизимидаги асосий тенденциялардан бири – Марказий Осиё минтақаси етакчи давлатлар сиёсатининг таъсир объектидан дунё сиёсий ва иқтисодий жараёнларининг фаол иштирокчисига айланганидир. Муаллиф ана шу нуқтаи назарга таяниб асосий ташқи "ўйинчи"ларнинг усул ва воситаларини кўздан кечириди ҳамда шу усул ва воситалар ҳам тобора ўзгача шаклу шамоийил касб этаётганини уқтиради. Звягельская фикрича, ташқи кучларнинг ўзаро таъсирлашуви оқибатида асосий ташқи "ўйинчи"лар манфаатлари орасида номуносаблик кўзга ташланмоқда. Муаллиф ана шу вазиятдан келиб чиқиб "...ташқи кучларнинг ўзаро таъсирлашуви бирор дақиқа ҳам тўхтамайди. Унинг моҳияти турли даврларда устунлик қилувчи ҳар хил омилларга боғлиқ бўлади" деб ёзади. Асосий ташқи "ўйинчи"ларнинг манфаатлари гоҳ ўзаро яқинлашса, гоҳ аксинча узоқлашади, баъзи ҳолларда бир-бири билан тўқнаш келиши ва ҳатто бир-бирини инкор этиши ҳам мумкин. Тўғри, муаллиф ушбу манфаатларни ипидан-игнасиғача муфассал ёритиб бермаган, аммо уларни аниқ гуруҳлаш ва изчил ифодалашни уддалай олган. Бизнингча, шунинг ўзиёқ минтақадаги ички жараёнларни, гарчи умумий йўсинда бўлса ҳам, тўғри фаҳмлаб олишда катта аҳамият касб этади.

Звягельскаянинг мазкур асари нафақат илмий тадқиқот, айна чоқда, зарур маълумотнома ҳамдир. Масалан, китобга Марказий Осиёда илгари фаолият олиб борган ёхуд ҳозир ҳам иш юритаётган ислом партиялари ва ташкилотларига доир бой маълумотлар киритилган. Эҳтимол, бу китобни биз кўли одатланган маълумотномалар билан айнан бир хил дейиш қийиндир. Шунга кўра, балки уларни ўзида муаллиф муносабатини ҳам акс эттирган умумлашма ахборотлар десак тўғрироқ бўлар...

Албатта, олиманинг мазкур китобидаги барча фикр-хулосаларни бирдек хайрихоҳлик билан қабул қилиб бўлмайди. Баъзи ўринларда унинг қарашлари нафақат шунчаки баҳсли, ҳатто ўта баҳсли тус олади. Масалан, китоб сўзбошисида муаллиф Ўрта Осиё мамлакатлари ҳаётида уруғ-аймоқчилик ва маҳаллийчилик муҳим роль ўйнайди, деган фикрни илгари суради. Ваҳоланки, бу қараш бугунги воқеликка сираям тўғри келмайди. Аммо ҳеч қачон бахсу мунозарали ўринлар илмий тадқиқотларнинг қусури бўлиб ҳисобланмаган. Бу фикрни "Марказий Осиё давлатларининг қарор топиши: сиёсий жараёнлар" китобига нисбатан ҳам бемалол татбиқ қилиш мумкин.



## Ommaviy madaniyat: mazmun va tadrij

Йигирманчи аср интиҳосига келиб, замонавий социумнинг муҳим омилларидан бири оммавий маданият эқани тилга олина бошлади. Шу муносабат билан оммавий маданият феноменини тадқиқ қилиш ижтимоий фалсафанинг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда. Бу ҳақда гап кетганда, аввало ҳар бир халқнинг туб маънавий-эстетик эҳтиёжлари билан боғлиқ асл оммавий маданият ҳамда дунёдаги айрим ижтимоий гуруҳларнинг кўнгил майли, бойлик орттириш, одамларни ҳақиқий бадиий-эстетик қадриятлардан қалғитишга қаратилган ғаразли мақсадлар ифодаси – сохта “оммавий маданият”нинг фарқлаш лозим. Биринчидан, “маданият” тушунчасининг мазмунини аниқлаштирмасдан туриб, оммавий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалаб бўлмайди. Иккинчидан, оммавийлик маҳсулотнинг тарқалиш даражасини англатади – масаланинг бу жиҳатини ҳам эътиборда тутмоқ керак.

Маълумки, ҳозирги замон маданиятшунослигида “маданият” тушунчасининг юзлаб таърифи мавжуд. Гап шундаки, маданият феноменини ўрганишга қўл урган ҳар бир тадқиқотчи бор диққатини унинг муайян аспектига қаратади, натижада тушунча дефинициясида маданиятнинг бир томони ифодалаб берилади, холос. Лекин шунга қарамай, мутахассисларнинг барчаси маданият, энг аввало, инсоният яратган моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисидан таркиб топишини қайд этади. Бунга қўшимча қилиб шуни таъкидлаш жоизки, маданият нафақат моддий ва маънавий қадриятлар йиғиндисини, балки шу қадриятларни яратishi йўллари, улардан инсоният тараққиёти йўлида фойдаланиш малакаси, уларнинг энг яхши намуналарини ажодлардан авлодларга мерос қолдириш тажрибасини ҳам ўзида мужассам этади.

Маданият ҳақида мулоҳаза юритганда, уни яратувчи ва ривожлантирувчи куч эътибордан четда қолмаслиги керак. Бу – нафақат ахлоқий-амалий, балки жиддий назарий аҳамиятга ҳам молик масала. Маданият тўғрисидаги ҳар қандай мулоҳазанинг марказида инсон турмоғи даркор, чуқи инсонгина маданиятнинг мавжудлиги ва динамикасини таъминлайди. Инсондан, жамиятдан ташқарида маданият йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Мазкур назарий позиция оммавий маданият-

нинг мазмунини англашда қўл келади. Моддий ва маънавий қадриятларнинг яратувчиси ҳамда истеъмолчиси сифатида шахс, бирор ижтимоий гуруҳ ёки синф, маълум табақа, омма, миллат, бутун инсоният олиниши мумкин. Шунга кўра, шахс маданияти, муайян гуруҳ маданияти, табақа маданияти, миллий маданият, умуминсоний маданият ҳақида гапириш мумкин. Оммавий маданият ҳам маданиятнинг ана шундай кўринишларидандир.

Оммавий маданиятнинг асосий истеъмолчиси омма бўлгани боис унинг асосий атрибутларига ҳам назар ташлаш зарур. Оммага хос бўлган хусусиятлар оммавийлик дейилади. Оммавийлик қуйидаги хусусиятларга эга: 1) оммавийлик таркибий элементларга бўлинмаган яхлитлиқдан иборат; 2) оммавийлик ягона мақсад, барқарор манфаат, ҳислат ёки фазилатдан холи реалликдир; 3) оммавийлик ҳиссийлик элементлари устуворлиги билан ажралиб туради; 4) оммавийлик муваққат, тез ўзгарувчан хусусиятга эга.

“Маданият” ва “оммавийлик” тушунчаларининг мазмунига доир мулоҳазаларимиз “оммавий маданият” категориясини таърифлаш имконини беради. Шундай қилиб, оммавий маданият деганда омма томонидан яратилган, оммага мўлжалланган, омманинг кундалик турмушида қўлланаётган моддий ва маънавий қадриятлар, ушбу қадриятларни концентрациялаш, трансформациялаш, ажодлардан авлодларга етказиш механизми англади. Оммавий маданият элитар маданиятдан фарқли ўларок, аниқ элементларни, қатъий мақсад ва манфаатларни ўзида мужассам қилмайди ва тез ўзгарувчан, асосан эмоционал характерга эга бўлади.

Ҳар бир миллатнинг ўз оммавий маданияти бор. Миллий маданиятлар ўртасида доимий мулоқот бўлгани каби, оммавий маданиятлар ўртасида ҳам ўзаро таъсир мавжуд. Айтилик, Шарқ халқларига хос бўлган оммавий маданият Ғарб оламига, Ғарб оммавий маданияти эса Шарқ жамиятларига жиддий таъсир ўтказиб туради. Бундай алоқадорлик механизмини тўғри тушуниш учун “маданий шок” назариясига мурожаат этиш зарур бўлади. Мазкур назарияни ўтган асрнинг 70-йилларида америкалик антрополог Ф.Бок илгари сурган. Муаллиф “Culture Shock. A reader in modern cultural anthropology” (“Маданий шок. Замонавий маданий антропология

уқувчиси”) деб номланган ва 1970 йили Нью-Йоркда нашр қилинган мақолалар тўпламида маданиятлар ўртасидаги ихтилофларнинг (бунда ихтилофли маданиятлар ўртасидаги кураш деб эмас, турли маданий меъёр ва мўлжаллар орасидаги зиддият ва ушбу зиддиятларнинг бартараф этилиш жараёни тарзида тасаввур қилмоқ (лозим) беш кўринишини баён қилган.

Биринчи кўриниш геттоизация деб аталган. Бегона жамиятга кўчиб келган, маҳаллий тил, дин, одат-анъаналарни билмаган киши ўзга маданиятни ўзлаштиришдан бош тортади. Бундай вазиятда у ўз маданий муҳитини вужудга келтиришга интилади. Ғарб мамлакатларида шаклланган хитой, турк, араб, арман кварталлари айнан геттоизация натижасидир.

Иккинчи кўриниш ассимиляция деб номланиб, геттоизацияга тескари бўлган жараёндр. Бунда индивид ўз маданиятидан воз кечиш ва ўзга маданиятни ўзлаштиришга мажбур бўлади. Албатта, бу жараён айрим муаммоларни юзага келтиради. Уларнинг баъзилари индивиднинг ўзлаштириш имкониятлари чеклангани, бошқалари эса ўзга маданий муҳитнинг бегона кишини қабул қилишга ошиқмаётгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. Худди шу сабабга кўра, масалан, XX аср охирида ва XXI аср бошларида Россиядан Франция ёки Англияга кўчиб ўтган мигрантларнинг янги маданий муҳитга мослашуви қийин кечаётир.

Учинчи кўриниш маданий алмашинув ва ўзаро алоқадорлик билан боғланган. Албатта, маданий алмашинув содир бўлиши учун ҳар иккала томон (индивид маданияти ва у кўчиб ўтган мамлакат маданияти) бу жараёнга тайёр бўлиши керак. Шу боис мазкур жараён ниҳоятда камдан-кам содир бўлади. Бироқ тарихдан бунга мисоллар топилади. Масалан, Варфоломей даҳшатларидан сўнг Германияга кўчиб ўтган гугенотлар, немис фанзимидан қочиб, Америкага келган немис олимлари янги юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшган.

Тўртинчи кўриниш жузъий ассимиляция деб аталган. Ф.Бок бу жараёни ўзга маданий муҳитни қисман ўзлаштириб, бошқа ҳолатларда ўз маданиятини сақлаб қолган индивид мисолида очиб беради. Янги мамлакатга кўчиб ўтган индивид жамиятда янги маданий муҳит талабларига бўйсунса-да, оилада ўз маданий қадриятлари асосида ҳаёт кечиради.

Ниҳоят, бешинчи кўринишни муаллиф колонизация деб номлайди. Бу бир мамлакат вакилининг ўз маданий қадриятлари, меъёрлари, ҳуқ-аъвоқ моделларини бошқа мамлакат вакилларига синдиришида намоён бўлади. Маданий жараёнлар ва ихтилофларнинг бошқа кўринишлари асосан кишилар миграцияси билан боғлиқ бўлса, колонизация учун миграциянинг ҳожати йўқ. Глобаллашув жараёнлари жадаллашаётган, ахборот технологиялари

юксак суръатда ривожланиб бораётган бугунги кунда радио, телевидение, Интернет, кино ва бошқа ахборот тармоқлари ҳам маданий колонизация воқитига айлиши мумкин.

Маданий колонизация жараёни оммавий маданият соҳасини ҳам қамраб олмақда. Ушбу жараён куйидаги икки векторга эга:

1. “Шарқ-Ғарб” вектори. Шарқ халқларига хос бўлган оммавий маданият элементлари Ғарб жамиятларига кириб бораётир. Бунга асосан миграция жараёнлари замин яратмоқда. Масалан, И.Цапеленконин “Иммиграция населения как фактор экономического развития (на примере развитых стран)” (“Аҳоли иммиграцияси иқтисодий тараққиёт омилли сифатида (ривожланган мамлакатлар мисолида)”) мавзусидаги докторлик диссертациясида келтирилишича, ривожланган мамлакатларга миграция билан бориш тенденциявий хусусият касб этгани боис бу юртлардаги мигрантлар сони кейинги 50 йилда умумий аҳоли сонининг 3,4 фоизидан 10,3 фоизга етди. Натижада Шарқ оммавий маданиятига хос бўлган фаолият меъёрлари, ахлоқий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар Ғарб жамияти маданиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

2. “Ғарқ-Шарқ” вектори. Ғарб оммавий маданияти элементларининг Шарқ халқлари маданиятига таъсири кучайиб бормоқда. Ғарбда ахборот технологияларининг жадал ривожланаётгани, ахборот оламида Ғарб мамлакатлари нуфузининг баланд экани бу жараёнга айниқса хатарли тус бермоқда. Айни чоқда, “Юксак маънавият – энгилмас куч” китобида таъкидланганидек, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гоъларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепасандлик, уларни кўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмасдан қўймайди (*Ислом Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 117-бет*).

Кўриниб турибдики, оммавий маданият бугунги кунда мураккаб хусусият касб этмоқда. Айниқса, ўзининг асл миллий маданият намуналаридан тўлиқ хабардор бўлишга улгурмаган ҳозирги ёшлар учун сохта “оммавий маданият” кўринишларини ҳақиқий қадрият сифатида қабул қилиб, маънавий-руҳий жиҳатдан алдинш, адашиш ҳавфи тобора кучайиб бормоқда. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун болаларимизда мурғак ёшидан бошлаб маданиятни онгли равишда қабул қилиш кўникмасини шакллантиришимиз лозим.

**Раъно САЙДУЛЛАЕВА,**

*Қарши Давлат унiversитети  
тадқиқотчиси*

# Ma'naviyatga tahdid – o'zligimizga tahdid

Бугунги кунда яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги зиддият билан кураш фақат салтанатлар, халқлар ва шахслар ўртасида эмас, балки ҳар биримизнинг қалбимизда, онгимизда кечмоқда. Яъни, бу муаммолар фақат ёш авлодга тааллуқли эмас. Душман очиқ-ойдин ўзини кўрсатмайди: дейлик, сиз кабель телевидениеси орқали берилиб кино томоша қилиб ўтирибсиз ёки интернетдаги муайян сайтлардаги маълумотлар билан танишяпсиз, кўчада турли рекламалар диққатингизни тортяпти, оғоҳ бўлинг, сиз керакли йўналишда “тарбия” қилиняпсиз, ёт қарашлар турли воситалар билан онгингизга сингдирилмоқда. Шундай, “улар кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва гоаялар пардаси остида иш қаради.” Бизни эса сал гафлат босдимми, онгимиздаги ўзгаришларни ўзимиз ҳам пайқамай қоламиз. Гўёки ҳеч ким бизга тажовуз қилгани йўқ, мажбур ҳам этгани йўқ, ўз ихтиёримиз билан, “мустақил” равишда шу “хулоса”га келдик. Бу ҳолатларда таъсир ўтказишининг шундай макорона усуллари қўлланмоқдаки, унча-мунча одам алданиб қолиши ҳеч гап эмас.

Аслида имонли, эътиқодли одам бундай макру ҳйяларни осонгина билиб олиши мумкин – одамлар онгининг туб-тубида жойлашган биологик (ҳайвоний) инстинктларни кўзгага қаратилган фильмларда энг эзгу ниятлар ҳам “қўлда автомат” билан амалга оширилади, энг ижобий қаҳрамонлар ҳам шахватга берилади, оддий ҳазиллар ҳам ўзини ҳурмат қилган инсон учун ҳақоратли ҳолатлар шаклида ёки ҳаёсиз иборалар воситасида ифодаланаяди.

“Лунда қилиб айтадиган бўлсак, – деб таъкидлайди Президентимиз, – бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, ўйлайманки, юртимизда яшайдиган соғлом фикрли ҳар бир одам яхши тушунади” (*Ислом Қаримов. Юсак маънавият – энгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008, 14-бет*).

Глобаллашув жараёнида ёшлар маънавиятига таҳдид солаётган ҳолатлар уяли телефон, Интернет, аудио-видео дисклар, китоблар, плакатлар, оддий футболка ва кийимлардаги бехаё расмлар, ёзув ва даъватлар орқали кириб келмоқда. Маълумки, зўравонлик, бузғунчилик тарғиботи бизнинг Конституциямиз ва қонуларимиз асосида

тақиқланган. “Оммавий маданият” деб аталган, аслида ҳақиқий оммавий маданиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, ялтироқ ниқоб остида қўллаб халқларнинг асрий қадриятлари, миллий урф-одатлари, фарзандларининг таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган иллатларни тарғиб қилувчи воситалар қаторига бугун, таассуфки, уяли телефонлар ҳам қўшилди.

Маълумки, бугунги аҳборот асрида мобил телефон ҳар бир одам, жумладан, ёшлар учун муҳим алоқа воситаси бўлиб хизмат қилмоқда. Ёшлар ўта қизиқувчан, янгилликка интилувчан, дунёда содир бўлаётган воқеа-ходисаларни тезкорлик билан билиб олиш ва ўз яқинлари орасида тарқатишга мойил бўлади. Буни яхши билган замонавий аҳборот-коммуникация тизимидаги айрим нопок йўл билан бойлик орттиришга интиладиган кучлар аввало ёшлар қалбини нишонга олиб, уларнинг ҳиссиётларини ўлдириб, мўмай даромад топмоқчи бўлади. Ёшларни қизиқтираётган муаммо ва маълумотлар ўрнига улар ҳар хил порнографик фильм ва расмлар, таниқли шахсларнинг интим ҳаёти, зўравонлик усулларини зўр бериб тарқатади, ҳали суяги қотмаган ўсмирларни зарарли гоаялар гирдобига тартади.

Барчамиз яхши биламиз, бугунги кунда Интернет тармоғи орқали иш ахтариш, соҳалар бўйича ҳамкор дўстлар топиш ёшлар учун улкан имкониятлар очмоқда. Аммо, таассуфки, айнан шу тармоқ одам савдосининг янада кенгайишига, ҳаётий тажрибаси йўқ ёшларнинг тўғри йўлдан чалғиб кетишига ҳам “ҳисса” қўшмоқда.

Кейинги йилларда компьютер ўйинлари орқали бизнес қилиш оммалашиб кетди. Ҳар қандай моддий неъматлар билан савдо қилувчилар бозори мавсумий бўлади. Бироқ компьютер ўйинлари бозори мавсум танламайди. Қишин-ёзин бирдай гавжум. Айрим ота-оналар фарзандларининг мактабга номигагина бориб, дарс ўқиш ўрнига компьютер ўйингоҳларидан ярим тунгача чиқмаётганидан ҳанузгача таъвишланаётгани йўқ.

Компьютер ўйинлари орасида киши хотирасини мустаҳкамловчи, тез фикрлашга ўргатувчи ўйинлар билан бир қаторда афюн сингари нафақат болани, балки катта ёшчиларни ҳам ўзига боғлаб оладиганлари жуда кўп. Бундан ташқари, ўйинлар орасида ислом динига ва мўмин-мусулмонларга

нисбатан нафрат уйготувчи, шунингдек, миссионерлик мақсадида қўланаётганлари ҳам бор. Масалан, агар ўйинчи Каъбани портлатса, 100 балл, Бағдодни портлатса, 50 балл тўплайди, христиан динининг рамзи бўлган хоч (крест) ёнидан ўтса, кўшимча жон ва кучга эга бўлади.

Сайёраларо уруш, йиртқич ҳайвонлар билан кураш, сеҳргарликни тарғиб қилувчи, яланғоч аёллар тасвирланган ўйинлар болаларда ёвузлик, шафқатсизлик, асабий кайфиятни шакллантироқда. Бундай таъсирга тушган ёшлар ота-онасига гап қайтариш, қўл кўтариш, ҳаттоки қотиллик содир этишдан ҳам қайтмайди.

Ёшлар ўртасида тобора урчи бораётган иллатларнинг пайдо бўлиши ва томир отишига ҳозир кенг тус олган ноқонуний дисклар савдоси ҳам сабаб бўлмоқда. Бу борада қонунбузарликларнинг олдини олиш, киновидео маҳсулотларини ёзиш, ижарага бериш ва сотиш фаолиятини тартибга солиш мақсадида давлатимиз томонидан аниқ чоралар кўриломоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартда қабул қилинган "Киновидео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда бу борадаги тартиб-қоидалар белгилаб қўйилган. Шундай бўлса-да, жойларда ушбу фаолият тури бўйича қўлаб қонунбузарликлар қайд этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Фарғона вилояти бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, 2010 йилда 125 ҳолатда 294 дона беҳаёликни тарғиб қилувчи порнографик расмлар ва видеороликлар ёзилган уяли телефон видеокартаси ҳамда диск, 22 ҳолатда контрафакт мусиқа, клип, концерт ва видеофильмлар аниқланган. Жорий йилнинг ўтган даври ичида эса 3 та шундай ҳолат бўйича тегишли чоралар кўрилди.

Биз учун мутлақо ёт бўлган гоёлар, оқимлар ва турли иллатларнинг кириб келишига йўл қўймастик, ҳали оқ-қорани яхши ажрата олмайдиган навниҳол фарзандларимизнинг юксак маънавият соҳиби бўлишини таъминлаш истиқболимизни ҳимоялаш демакдир.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди. Аммо хотиржам бўлишга ҳаққимиз йўқ. "Шуни унутмаслик кераки, – деб таъкидлайди Президентимиз, – бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин" (Ислом Каримов. Юксак маънавият – ёнгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 115-бет).

Иқтисодий танглики, таъминотдаги узилишларни ва ҳатто табиий офатларни ҳамжиҳатликда, оқилона чора-тадбирлар билан енгиш мумкин, аммо маънавий тангликни енгиш осон кечмайди.

Бунинг сабаби – нияти холисликдан йироқ кучлар бугунги глобаллашув замонида ўзга бир халқ, ўзга бир миллат маънавиятига хуруж бошлар экан, бир қарашда беозор кўринадиган мафтункор, жозибали воситалардан, жумладан, Интернет тизимидан, радио ва телевидение имкониятларидан, кино маҳсулотларидан унумли фойдаланиб қолишга уринади. Бунда асосий куч ҳали суяги қотмаган, ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган ёш авлоднинг онги ва қалбига таъсир ўтказиш, уларни тўғри йўлдан оғдиришга қаратилади. Бу хуружнинг яна бир тури – ўзга бир халқ, ўзга бир миллат ҳаётига ўз қадриятларини сингдиришга уринишда намоён бўлмоқда. Бундай кучлар шахсий манфаат дея дунёдаги ҳар бир миллат ва элатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзига хос ва мос йўл танлаш, ўзига мақбул тарзда умргузаронлик қилиш ҳуқуқи борлигини унутиб қўяди.

Маънавият тушунчаси ҳаётимизга истиқлолга эришганимиздан кейин кириб келди, десак муболага бўлмайди. Тўғри, бу тушунча аввал ҳам мавжуд эди. Аммо мустабид тузум шароитида инсоннинг маънавияти, руҳий олами, адолат, қонун устуворлиги, миллий-ахлоқий қадриятлар тўғрисида ҳатто мулоҳаза юриштиш ҳам мумкин бўлмаганини яхши биламиз. Давлатимиз раҳбари маънавиятнинг маъно-моҳиятини узоқ йиллик ҳаётий кузатишлари, мустақиллик йиллари тажрибалари ва бугун дунё миқёсда юз бераётган шиддатли воқеа-ҳодисалар, хусусан, ахборот оламининг глобаллашуви ва бу мураккаб жараёнларнинг инсон руҳий оламига таъсири мисолида аниқ-равшан таърифлаб беради: "Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир" (Ислом Каримов. Юксак маънавият – ёнгилмас куч. Т., "Маънавият", 2008, 19-бет).

Бундай таърифлар ва хулосалар бугунги ахборот ва маънавият оламида курашлар авж олган ўта мураккаб замонда биз учун ўз олдимизга аниқ мақсадлар қўйиб, она Ватанимиз, бағрикенг халқимизга садоқат билан яшашда ҳаётий дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Соҳиба ОДИЛОВА,**

*Фарғона Давлат университети талабаси*

# Manfaatlar mushtarakligi – taraqqiyot omili

XXI asrga kelib insoniyat mislsiz kashfiyotlar qilib bekiyib taraqqiyotga erishdi. Bunga muvofiq ravishda uning ehtiyoj va manfaatlari ham o'ziga boraётir. Ushbu aksilalokadorlik nisbati hozirgi makon va zamonda yanada yaqqol namoён бўлмоқда.

Taraqqiyot zarurati va umuminsoniy madaniyat tanazzulga sabab бўлувчи salбий ҳолатларнинг олдини олишни, бунинг учун эса ҳар бир субъектнинг ehtiyoj ва manfaatlari муштараклигини таъминлашни долзарблаштирмоқда.

Тарихда ҳам сиёсий арбоблар manfaatlari тўқнашуви боис низоллар келиб чиқмаслиги учун олимлар маслаҳатига таянган, турли ижтимоий қатлам вакиллари билан музокаралар олиб бориб, имкон қадар "олтин" ўрталикни топишга интилган. Insoniyat ҳар қанча taraqqiyot этмасин, бу масала бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Манфаат субъектни ҳаракатга ундовчи, унинг ўсиб борувчи ehtiyojларига мутаносиб ривожланувчи қудратли маънавий омил ҳисобланади. Фикримиъза, унинг қайси манбадан келиб чиқиши ҳар доим ҳам осон идрок этилавермайди. Бу борада янглишиш эса талай муаммоларни тўғдиради, чигал вазиятларда аниқ ечимни топишга тўқинлик қилади. Шундай экан, ижтимоий зиддиятлар олдини олиш, manfaatlarni оқилона уйғунлаштириш ва бошқариш унинг келиб чиқиш сабабини ўрганишни тақозо этади.

Модомики, манфаат – ehtiyojнинг онгдаги ифодаси экан (*ушбу нуқтаи назар бир қанча manfaatlarni олимлар томонидан илгари сурлган ва асослаб берилган. Қаранг: Кикнадзе Д.А. Потребности. Воспитание. М., 1968, стр.60; Здравомыслов А.Г. Потребности, интересы, ценности. М., 1986, стр.87; Бегматов А.С. Стимулы: сущность и действие. Т., 1990; Абдурахмонов Ф.Р. Узбекистон Республикасининг мустақиллик шароитида мўллий manfaatlarni муаммолари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари доктори... Дис. Т., 1995, 28-бет; Иминов Б.К. Манfaatлар – сиёсат ва мафкура манбаи. Т., "Минҳож", 2002, 5-бет*), унинг манбаини ҳам умумий маънода, субъект ehtiyojлари ташкил этади. Чунки инсон зотининг ҳар бир хатти-ҳаракати муайян даражадаги етишмовчиликдан келиб чиқади. Мазкур манбаларни муайян сатҳларга ажратиб, фарқлаб ёндашиш мақсадга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Манfaatлар – унинг субъекти хоҳ алоҳида шахс, хоҳ миллат ёки давлат бўлсин – қуйидаги

манбалардан "ўсиб" чиқади: 1) субъектнинг экзистенциал ehtiyoj; 2) тўкин турмуш тарзига интилиш; 3) ривожланишга бўлган қизиқиш; 4) бошқарув ва ҳокимият майли.

Субъектларнинг экзистенциал ehtiyoj уларнинг "мавжуд" бўлишини таъминловчи табиий manfaatlarni юзага келтиради. Мазкур экзистенциал ehtiyojга ҳам, унинг анланган ҳолатига (манfaat) ҳам дахл қилиш нафақат гайриинсоний, балки гайритабиийдир. Шунинг учун ўзаро муносабатларда субъектнинг ушбу манfaatи "олий даражадаги ҳуқуқ" сифатида ёндашуви талаб этади. Буни классик давлат ва ҳуқуқ назарийчилари "табиий ҳуқуқ" сифатида тавсифлаган. Бироқ тарихда ҳам, ҳозир ҳам экзистенциал ehtiyoj ва ундан келиб чиқувчи манfaatни писанд этмаслик ҳолатларини учратиш мумкин. Улар аксарият ҳолларда геноцид, қатл каби кўринишларда намоён бўлади.

Манfaatларнинг яна бир тури тўкин турмуш тарзига интилиш ҳисобланади. Бунда мавжудлик ehtiyoj қондирилган субъект, энди ўз экзистенциясини ҳар томонлама мустақамловчи воситалар билан таъминланиши хоҳлаб қолади. Манfaatнинг бу манбаи, ўз табиатиға кўра, моддий ёки маънавий бўлади. Ҳозиргача яратилган, кашф этилган, инсон ҳаётини енгиллаштиришга хизмат қилувчи мавжуд моддий маънавий маданият дурдоналаридан баҳраманд бўлиш иштиёқи иккинчи даражали муҳим манба сифатида манfaatlarni ҳосил қилади.

Манfaatларнинг навбатдагиси ҳали яратилмаган, мавжуд бўлмаган қулайлик, имконият ва воситаларға қизиқишдир. Тўкин турмушға интилиш иштиёқи яратилган, ammo субъект эға бўлмаган қулайликларни англата, ривожланишға бўлган мойилликдан келиб чиқувчи манfaatдорлик ҳали дунё юзини кўрмаган мутлақо янги тартиб ёки муносабатларни назарда тутади. Уларнинг ўхшашлиги эса моддий ёки руҳий характер касб этишидир.

Манfaatларнинг сўнгги манбаи – инсон табиатидаги бошқарув ва ҳокимиятга бўлган майли. Бу манfaat моҳиятан сиёсийдир.

Манfaatлар муштараклигини таъминлашда камида учта субъект иштирок этади. Манfaatлари тўқнаш келган икки томон ва уларнинг муносабатини мувофиқлаштирувчи учинчи холис субъект. Холис субъект, ўз вазифаси тақозосига кўра, муайян ҳокимият, ҳуқуқ ва масъулиятға эға бўлади. Маса-лага бундай ёндашилганда, инсонлар ўртасида ву-жудға келадиган муносабатларни тартибға солиш

ва манфаатларни оқилона бошқаришда давлат ҳам масъул экани кўзга ташланади. Бундай ҳолларда тўқнаш келган икки субъектдан бири – инсон, иккинчиси жамият, миллат ёхуд инсоният бўлиши ҳам мумкин ва бунда масъуллар доираси кенгайиб, давлат билан биргаликда тегишли минтақавий ёки халқаро ташкилотлар бирдай масъул бўлади.

Ҳўш, қандай манфаатлар бугун инсоният учун муҳим аҳамиятга эга бўлаётир? Ушбу манфаатларни қай йўл билан уйғунлаштириш, тартибли бошқариш мумкин?

Баъзи олимлар, тадқиқотчилар шахс манфаати устуворлашгани ҳақида гапирса, бошқалари миллий манфаатларнинг фаоллашганига ургу бермоқда. Айрим манбаларда эса булардан ҳам юқори турувчи умуминсоний манфаатлар долзарблик касб этиб бораётгани таъкидланади. Жумладан, агар озон қатламининг емирилиши, иқлим ўзгариши, халқаро терроризм, тезлик билан тарқалувчи ҳар хил эпидемиялар каби глобал муаммоларга эътибор қаратилмаса, бутун инсониятни турли офат ва балолар кутажгаи башорат қилиб келинмоқда. Мана шундай тадқиқотлар натижаси ўлароқ, ҳозирга келиб алоҳида шахснинг манфаатдорлиги, инсоний ҳуқуқ ва эркинликлари мутлақ қадрият сифатида баҳамжиҳат эътироф этилаётгани инсониятнинг катта ютуғидир. Аммо мазкур манфаатлар билан боғлиқ жараёнларни оқилона бошқариш асосий муаммо бўлиб қолмоқда.

Ўз навбатида, бошқарув субъектларининг фаолият дастурларида уларга тааллуқли инсонлар ҳаётини оптималлаштириш мақсадида мавжуд қулайликлар мажмуини яратиб бериш, аҳолини янги марраларга сафарбар этиш, фаоллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда муайян давлат ёки минтақа доирасида бир гуруҳнинг “табиий” манфаатига, иккинчисининг эса тўқинликка, ҳатто ривожланишга интилиши уйғун ва мувофиқ келишига эътибор бермоқ муҳим.

Ривожланишга интилиш ва бундан манфаатдорлик масалаларини тартибга солиш бирмунча

мураккаблиги ҳақида юқорида қисқача тўхталган эдик. Бу ўринда мазкур масалани бошқаришда ким масъул экани ва у қайси асосда амалга оширилишини изоҳлаб ўтсак. Табиий манфаати топталган субъект ҳам қачондир ривожланишга умид боғлайди ва баъзи йўқотишлар эвазига бўлса ҳам бу йўлда ҳаракат қилади. Муаммоларнинг аксари ана шундай тизимсизлик ва узвийликнинг бузилишидан келиб чиқади. Масалан, бугун дастлабки эҳтиёжлари қондирилмаётганига қарамай, турли оламшумул кашфиётларни қўлга киритишга, дахшатли қуролларни яратишга зўр бераётган давлатларни шундай субъектлар тоифасига киритиш мумкин. Дунёнинг энг “қайноқ нуқталари” сифатида тилга олинадиган аксарият минтақаларда айнан ана шундай гармоник бузилишлар рўй бераётган экан, бундай вазиятда юксак интеллектуал салоҳият эгаларининг масъуллигини таъкидлаш ўринлидир. Бинобарин, манфаатлар муштарақлигини таъминлашда эксперт-зиёлилар гуруҳидан ташкил топган ва уларнинг ҳулосаси асосида фаолият дастури ишлаб чиқадиган махсус комиссияларга таянишга инсоният учун фойдалидир.

Ҳулоса ўрнида таъкидламоқчимизки, қаерда турли субъектлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашуви оқилона ҳал этилиб, бошқарув самарали йўлга қўйилган бўлса, ўша жойда ўзаро муносабатларда барқарорлик таъминланган, инсонлар фаол саъй-ҳаракатга киришган ва пировардида ҳар томонлама юксалиб борган. Ҳар қандай натижа бошқарувда қўриладиган чора-тадбирларнинг қай даражада амалга ошишига боғлиқ экан, демак, бошқарув учун тайёрланаётган кадрларда манфаатлар муштарақлигини таъминлаш мақалаларини шакллантириб бориш ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

Аслиддин СУЛТОНОВ,

Тошкент Кимё-технология институти аспиранти

## Davlat hokimiyatining tayanchi

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳар қандай демократик жамиятда давлат ҳокимиятининг таянч устунларидан ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳуқуқий демократик давлат куриш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш масаласи алоҳида ўрин эгаллади.

Бу борадаги дастлабки қадамлардан бири 1992 йил 4 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши бўлди. Ушбу қонунга кўра, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимиятининг икки мустақил тармоғи – вакиллик ва ижроия ҳокимияти ташкил этиладиган бўлди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ҳокимлик институтининг жорий қилиниши жойларда ислохотларни изчил амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизимида бундай янги бошқарув усулининг жорий қилиниши миллий давлатчилигимиз тарихидаги тажрибаларга асосланганини қайд этиш жоиз. Бу эса юртимизда мустақилликнинг дастлабки давридаёқ демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлмиш маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантириш масаласига катта эътибор берилганини кўрсатади.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган принципага ёндашувига биноан аввал фаолият кўрсатган вакиллик органларининг вилоят, туман ва шаҳар бўғинлари бирмунча вақт сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасида, жумладан, бундай дейилади: "Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар".

Шу ўринда Кенгаш атамасининг қўлланиш масаласига ҳам тўхталиб ўтиш лозим. "Кенгаш" сўзи "кенгашмоқ" сўздан олинган бўлиб, "Халқ депутатлари маҳаллий кенгаши" атамаси муайян маъмурий-ҳудудий бириққдан сайланган туман, шаҳар ёки вилоят аҳолисининг манфаатларини ифода этувчи депутатларнинг кенгаши, йиғилиши маъносини англатади.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига маҳаллий ҳокимият қонунчилик тармоғи тузилмалари, яъни вилоятлар, туманлар, Тошкент шаҳри, шунингдек, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар кенгашлари кирлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига мувофиқ, туманга бўйсунувчи шаҳарларда, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи ту-

манларда тегишли кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов округлари тузилмайди, халқ депутатлари кенгашлари ташкил этилмайди, табиийки, бу маъмурий-ҳудудий бириққларда кенгаш депутатлари сайланмайди. Демак, биз маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари деганда халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман кенгашларини тушуномимиз лозим.

Ўтган давр мобайнида юртимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини йўлга қўйиш ва самарадорлигини ошириш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. Айтиш кераки, миллий тараққиётимиз талабларини инобатга олган ҳолда бу асос мунтазам равишда мустаҳкамланиб бормоқда. Шу ҳақда гапирганда, Президентимизнинг "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" деган концепцияси асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни таъкидлаш ўринли. Бу жараёнда марказий ҳокимият идораларига тегишли айрим бошқарув ваколатлари босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият идораларига ўтказиб берилмоқда. 2008 йил 1 январдан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонунга мувофиқ маҳаллий кенгашларнинг ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш борасидаги ваколатлари кучайтирилди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида баён қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқролик жамиятини ривожлантириш" Концепциясида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича баъзи амалий тақлифлар илгари сурилган. Буларнинг барчаси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқролик жамияти қуриш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ўрни ва таъсири тобора ортб боришидан далолат беради.

**Наримон ДЕҲҚОНОВ,**

*Наманган Давлат университети аспиранти*

## Ma'no inkishofi va shaxs kamoloti

Ҳаёт — воқеа ва ҳодисалар мажмуидир. Ҳеч қандай ҳаётий жараён маъносиз бўлмайди. Демак, инсон маънолар дунёсида яшайди. Том маънода, ҳаёт бу — маънони субъективлаш ва дисубъективлаш орқали узлуксиз давом этадиган маънолар ижодиёти жараёнидир. Инсоннинг дунёда камол

топиши, унга ижодий мослашиши ёки ноқобил бўлиб қолиши айнан шуларга боғлиқ. Шахснинг шаклланишида унинг маъно яратиши қандай кечадди, у қандай босқичлардан ўтади, бунда у қандай механизмлардан фойдаланади? Шу масалалар ҳақида мухтасар фикр юритайлик.

Маъноларни англашда ижтимоий кадрятларнинг биринчи ташувчилари бўлган ота-оналар таъсири алоҳида роль ўйнайди. Бу жараёнда илк ижтимоий бўгин сифатида ака-укалар ва опа-сингиллар таъсири ҳам бекиёс аҳамиятга эга. Шунингдек, ўсмирлик даврида, бу даврга хос истак ва талабнинг юксак ифодасини рағбатлантирувчи сеvimли одам тимсоли бошқариш ва бўйсунушига бўлган талабларни шакллантиришда алоҳида ўрин тутadi. Маъноларни англашда яширин суҳбатдошлар – ўқилган китобу кўрилган фильмлардаги ёрқин образлар, теле ва радиодастурлар, интернет ва матбуот мақолаларининг муаллифлари ҳам катта таъсир кучига эга.

Маъноларни англаш ва уларни самарали тасарруф этишда ўз-ўзини тарбиялаш, ўз устида ишлашнинг алоҳида ўрни бор.

Маъноларни тўғри англаш – бу талаб ва эҳтиёжларнинг оқддийгина танлови бўлмай, балки аини эҳтиёжларни ўзаро таққослаш ва ўйгунлаштиришнинг руҳан тўйинган жараёни ҳисобланади ва у онгости ғояларини ҳам, анланган мақсадларни ҳам фаоллаштиради. Ўйгунлаштириш жараёни эҳтиёжларни минималлаш ва максималлашни назарда тутadi. Бизнинг ҳар бир қадамимиз эҳтиёжларнинг намоён бўлиш меъёрини топишдан иборат.

Буюк аждодимиз Абу Наср Форобий асарларида меъёр муаммосига икки қарама-қаршиликнинг ўртасини топишдан иборат масала сифатида қаралган. Ўз тутдан йўллари ва қилган ишларида, бир сўз билан айтганда, эҳтиёжларини қондиришда меъёрни топа билган одам қомилликка эришган ва яхшлик бобида кўпгина одамлардан устун саналган.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, инсоннинг ички меъёр мезони унинг билим теранлиги ва тафаккури кенлиги билан белгиланади. Инсон қанча кўп ўқиган, ҳаётни кузатган бўлса, улардаги ижобий ва

салбий жиҳатларни таҳлил қилиб, мезон кўя билса, ҳаётда хатога йўл қўймайди, кўпроқ муваффақиятга эришади.

Субъектнинг маъноларни англаши ва тасарруф этишида унинг ҳаётидаги “бошқа”лар таъсири ҳам бекиёс. Бу “бошқа”лар кўринмас, номуайян эканига қарамай, инсон ҳаётини бошқариш, йўлга солиш, камолотга етаклашда доимий раҳбарлик, йўл кўрсатувчилик вазифасини ўтади. Улар инсоннинг ўз-ўзини бошқариш механизминини ишга солиб ва қувватлантириб туради. Мухтасар қилиб айтганда, “бошқа”лар инсоннинг бутун ҳаёти давомида унинг ҳамжояси, ҳаёти ва ижодининг ҳамқори ролини бажаради.

Демак, инсон тафаккури унинг онгидаги мавжуд маънолар заҳирасини ижобий ва салбий дея тафтиш қилади, хулосалайди. Сўнгра инсон бу жараёнлар натижасини ўз ички меъёр мезони асосида баҳолайди ва ҳаёт фаолиятига татбиқ этади.

Ушбу муаммога доир ижтимоий-психологик тадқиқот ва кузатувлар хулосаларининг турмушдаги инъикоси сифатида кўплаб ҳаётин лавҳаларни келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инсон бошдан ўтказган воқеа-ҳодисалари, ўқиган бадий, илмий адабиётлари, кўрган кинофильм ва бошқа санъат асарлари, ОАВ ҳамда интернетдан олган маълумот ва билимлари асосида ўзи дуч келган маъноларни чуқур таҳлил қилиши, саралаш ва ўзлаштириши, шу асосда ижобий ҳаётин кўникма ва йўл-йўриқлар ҳосил қилиши ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, инсоннинг ўз “мен”ини кашф қилиши, ўз ҳаётин мезонларини яратиши унинг тафаккур ва дунёқараш теранлиги, маъноларни англаш ва кашф этиш даражасига чамбарчас боғлиқдир.

Раҳима МАМАТҚУЛОВА,

ЎЗМУ доценти

## Tarix fanining “dastyor”i

Насл-насаб мавзусида илмий тадқиқот олиб бориш инсониятнинг сиёсий ва ижтимоий тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки шахснинг жамиятдаги ўрни унинг келиб чиқиши ва қайси хонадонга мансублигига ҳам боғлиқ экани тарихдан маълум. Қон-қариндошлик, оила, уруғ ташувчилари ижтимоий тузумни тарих нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, генеалогия фани ва унинг услубларига мурожаат қилиш лозимлигини кўрсатади. Тарихнинг ёрдамчи тармоғи ҳисобланган генеалогия миллатга, этник ғуруҳга хос менталитетни,

инсонга хос феноменни аниқлашда ҳам катта имкониятга эга. Чунки генеалогик тадқиқотда ҳар бир индивидуумнинг нафақат насаби ва биографияси, балки унинг шахсий сифатлари, сийрати, ўзига хос жиҳатлари ҳам ўрганилади. Бундай тадқиқотдан кўзланган мақсад насл-насаб моҳиятига тушуниб етиш, аждодлар тарихини билиш, оила ва унинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини англаб олишдан иборат. Генеалогияни тўғри тушуниш маҳаллийчилик, миллатчилик ва этник зиддиятлар каби иллатларнинг олдини олишга хизмат қилиши мумкин. Инсоний муносабатлар, одамлар ва турли мавқедаги

оилалар ўртасидаги ўзаро муносабатни тартибга солишда мазкур фанинг имкониятлари кенг.

Ўрта Осиёда насл-насабга қизиқиш доим катта бўлган. Қариндош-уруғчиликда ҳар доим аънъана-вийлик кўзга ташланади. Уруғ-аймоқчилик урф-одатлар ва удумлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Насаб масаласи ҳамма даврда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Мовароуннаҳр тарихини ўрганишда генеалогик тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Бизда насл-насабга оид манбалар кўп, махсус адабиётлар мавжуд. Афсуски, генеалогик тадқиқотлар етарли эмас. Кейинги вақтда Мовароуннаҳр тарихига оид тадқиқот ишлари амалга оширилиши муносабати билан генеалогик муаммоларга ҳам эътибор қаратилди. Бироқ айнан генеалогик муаммо шу вақтгача махсус тадқиқот объекти қилиб олинмаган. Жаҳон миқёсида эса бундай ишлар анча ilgari бошланган.

Генеалогик муаммолар билан Беруний (973-1048) ҳам махсус шугулланган, бу масалага катта қизиқиш билан қараган. Айрим тарихий чалкашлиқларни генеалогия орқали ҳал қилишга интилган. Насл-насабни аниқлашда қиёсий-солиштирма услубини ишга солган. У "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарига Искандар Зулқарнайн шахсиятини аниқлашда турли миллатларнинг ихтилофлари хусусида тўхталиб, насл-насаб масаласига ҳам эътибор қаратган. Жамиятда мавжуд қарама-қарши кучларнинг насл-насабдан фойдаланиши баъзан айрим уйдирмаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлишини кўрсатган. Мақтовга лойиқ кишиларни, ҳақиқатга зид равишда, улуғ ва номдор шахсларнинг насабига боғлаш аънъанаси тарихда мавжудлигини мисоллар орқали кўрсатиб берган.

Қадим давлардан бери ҳукмдорлар уруғ-қабила бошлиқларининг шажаралари тузилган. Аждодларнинг намунали ишлари авлодлар учун ўрнак бўлган. Насабнома давлат ҳукмдорига отабосидан мерос қолган. Бундай ҳужжат султон ёки хон учун жуда катта қимматга эга эди. Шажара подшоҳнинг буюртмасига биноан муаррихлар томонидан ёзилган. У китоб ҳолида ёки узун қоғозларда баён этилган. Баъзан насабномаларни қабртошларда ҳам учратиш мумкин. Айрим ҳолларда яхши ишланган ва силликланган мраморшо сиртида битилган шажара қоғозга нисбатан ишончлироқ бўлган.

Мусулмон давлатларида, шу жумладан Марказий Осиёда яшаган хос тоифалар – саййидлар, хожаларнинг насабномалари мазкур қатламларни алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганишда муҳимдир. Бундай тоифалар ўрганиш ислом жамиятида насаб ва ҳасаб билан боғлиқ айрим зиддиятли муаммоларни ечишга хизмат қилади. Ҳақиқатда,

зодагон, оқсуяклик каби элементлар ҳозиргача сақланган, жамиятга унинг илдизи анча чуқур кириб борган.

Марказий Осиёда тоифалар ва табақаларга хос тушунчалар орасида ҳаммага маълум эшонлар, уларнинг кимлиги хусусида ҳам мунозарали фикрлар мавжуд. Эшонлар муридлар томонидан бениҳоя ҳурмат қилинган ва иззат-икром нишонаси сифатида уларга нисбатан форс-тожиқ тилида учинчи шахсга мурожаат қилишда ишлатиладиган "улар" яъни "ишон", "эшон" терминлари қўлланилган (*Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь, под ред. С.М.Прозорова, Т.1, М., "Восточная литература", 2006. стр.164*). "Эшон" истилоҳига яқин "эзизон" атамасини ҳам ишлатиш мумкин. Эшонликка фақат имтиёзли табақа вакиллари эриша олади деган қараш ва тасаввурлар ҳам кенг тарқалган. Бироқ имтиёзли тоифага кирмаган ва ўз ҳаракати билан муршидлик даражасига эришган шахслар ҳам оз эмас. Қабртош битикларида бунга дахлдор фактлар талайгина. Эшонларнинг авлодлари эшонзода увони соҳиби бўлган, отаси вафотидан кейин унинг муридларига муршидлик қилган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) ва Маҳдуми Аъзам (1464-1542) Ҳазрати Эшон деб аталганлар, уларнинг фарзандлари эшонзода ва эшон унвонлари билан танилган.

Марказий Осиёдаги ҳукмдорлар орасида саййид унвонига эга шахслар ва уларни генеалогик жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳам бу масалага ойдинлик киритишга имкон беради. Давлат тахтида мустаҳкам туриш, раҳбарликни диний жиҳатдан қонунлаштириш, нафақат дунёвий, балки диний раҳбар сифатида мамлакатни бошқариш ишида саййидлик катта имтиёз берган. Саййидлик Бухоро амирлари ва Қўқон хонлари орасида кенг тарқалган. Бу ҳақда кўплаб насабномаларда маълумот берилган. Тарихдан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, насабнома ва шажараларга оид илмий асосланган тадқиқотлар бўлиши, бу мавзуни чуқурроқ ўрганиш учун тарихда юз берган воқеалар, турли маълумотлар ва манбаларга эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида қайд қилиш керак. Мартаба соҳиблари, лавозим эгалари ва амалдорларнинг насабномалари ҳам ўрганилиши лозим бўлган алоҳида мавзу саналади. Қилинадиган асосий ишлар шундан иборатки, барча шажаралар, насабномалар тўлланиб, уларнинг схемали жадвалларини тузиб комплекс ўрганиш даркор.

**Бобур АМИНОВ.**

*тарих фанлари номзоди*

# Janubiy Koreya: oilaviy xoldinglar

Корейс концернлари – чэболь тарихи Корейнинг илчил иқтисодий тараққиёти ёхуд корейс иқтисодий мўъжизаси билан узвий боғлиқ. Бу концернлар бир вақтлар ўта қолақ бўлган Жанубий Корейнинг буюк саноат давлатига айланишида асос бўлиб хизмат қилди. Бугунги кунда ҳам мамлакат иқтисодиёти кўп жиҳатдан уларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Чэболлар – узок йиллар давомида Жанубий Корей иқтисодиётида давлат кўмагида етакчилик қилган ҳамда тижорат корхоналарининг ноёб тури саналган кўптармоқли оилавий конгломератлардир. Бошда чэболлар концерн асосчисининг оила аъзолари томонидан бошқарилган, кейинчалик ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш жараёнида бошқарув аппаратини ривожлантириш зарурати туғилгани боис профессионал менеждерларга бўлган талаб ҳам ортиб борди. Чэболлар назорати дастлабки асосчилардан кейинги авлодларга ўтиши билан боғлиқ жараёнлардаги ўзгаришларга қарамай, концернлар бошқаруви маълум даражада ибтидоий табиятини ҳам сақлаб қолган.

Чэбол XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган бўлиб, эркин бозордаги табиий ракобат натижасида эмас, балки аниқ мақсад асосида шакллانган. Жанубий Корей табиий ресурслардан маҳрум эди. Унинг ягона ресурси арзон, айна чокда интизомли ишчи кучи эди. 1961 йилги давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган генерал Пак Чжон Хи ҳукумати экспортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. У нисбатан истиқболли саналган ўнлаб фирмаларни тасарруфига олади. Бу жараёнда фирманинг хусусияти эмас, балки раҳбарнинг шахсий сифатлари эътиборга олинар эди. Бундай “танлаб олинганлар” рўйхати XX асрнинг 60-йиллари ўрталари ва охирига қадар шакллантирилади. Алоҳида имтиёзга эга бўлган компанияларни ҳукумат ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлар, уларга имтиёзли шартлар асосида хориж сармояси ва ички кредитдан фойдаланиш имкони яратилар эди. 1961 йили Жанубий Корейнинг барча банклари миллийлаштирилади. Имтиёзга эга бўлган компанияларга мўлжалланган хорижий кредитлар давлат томонидан кафолатланган эди. “Имтиёзли”лар ўз миннатдорлигини ҳукумат қарорларини виждонан бажариш, қандай қилиб бўлмасин, экспортни амалга оширишга эътибор қаратиш орқали билдириши талаб этилар эди.

Президент томонидан танлаб олинган фирмалардан бири XX асрнинг 30-йилларида ишни гуруч

улгуржи савдосидан бошлаб, 40-йилларига келиб автомобиль таъмирлаш устaxonаси очган Чоннинг Hyundai фирмаси эди. 1947 йили қурилиш ва фуқаролик мажмуалари бўйича Hyundai компаниясига асос солинган. 50-йиллар ўрталарига қадар компаниянинг қурилиш бизнесида илҳомли силжиш кузатилмаган. У фуқаролик қурилиши бўйича кичик субподрядчи, яъни оддий хизматлар кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари билан шугулланар эди. Hyundai асосчисининг давлат раҳбари билан ўрнатган дўстона алоқалари компаниянинг чэболга айлантирилишида муҳим омили бўлиб хизмат қилди.

Samsung бошқа чэболлардан кўра илгарирок, яъни колония даврларида музофотдаги компания сифатида шаклланган бўлиб, унга қоқ балиқ ва шакар улгуржи савдоси билан шугулланувчи Ли Бён Чхоль асос солган. Daewoo етакчи чэболлар сафига нисбатан кечроқ қўшилган, унинг асосчиси Ким У Чжун ҳам президент билан шахсан таниш бўлган.

Корей раҳбари Пак Чжон Хининг иқтисодий сиёсати муваффақият қозонди. 60-йиллар бошларида Осиёдаги энг қашшоқ давлатлардан бўлган Корей 80-йилларнинг охирига келиб тараққий этган саноатлашган давлатга айланди. Компанияларнинг ўзида диверсификация жараёни жадал суръатларда кечаётган эди. XX асрнинг 70-йиллари охиридаёқ кўплаб чэболлар радиоузаткичлардан тортиб йирик танкерларгача, автомобиллардан тортиб пулемётгача ишлаб чиқарадиган кўптармоқли фирмалар сифатида фаолият юрита бошладилар. Масалан, Samsung ва Daewoонинг кўп томонлама бизнеси текстилдан тортиб электроника, автомобиль ва кemasozликкача йўналтирилган эди.

1987 йили, яъни ҳокимият демократик йўл билан сайланган фуқаролик ҳукумати қўлига ўтган даврда чэболларда вазиятнинг кескин ўзгариши кузатилмади: улар аввалгидек корейс иқтисодиётининг асоси, ўсиш суръатларининг муҳим бўғини бўлиб қолаверди. 90-йиллар бошида Жанубий Корей иқтисодиёти жадал ривожланишида давом этди, чэболлар эса янги бозорларни ўзлаштириш ҳамда маҳсулотларини жаҳон бозорларига сотувга чиқариш орқали трансмиллий корпорацияларга айлиниб борди.

1997 йилги Осиё инқирозидан сўнг президент Ким Дэ Чжун парламент орқали давлатнинг 30 нафар йирик концерни эркин фаолиятини чеклай-

диган махсус қонун қабул қилинишига эришди. Ҳукумат босими остида ҳазорлар раҳбарияти таркибига ҳукмрон оиллага мансуб бўлмаган, ҳаттоки ўзаро никоҳ билан боғланмаган малакали менежерлар киритиладиган бўлди.

Изчил ривож ва йирик ҳажмда кенгайиб боришга қарамай, барча ҳазорлар оилавий фирмалар

сифатида фаолият юритиб келмоқда. Аксарият ҳолларда фирмаларни асосчи бўлган кишилар ёки уларнинг ўғиллари бошқаради.

**Вячеслав КАРИМОВ,**

ЎзР ФА Шарқшунослик  
институтини аспиранти

## Ekrandagi Navoiy

Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоий сиймосини кино экрани ва театр сахнасида гавдалантириш борасида юртимиз ижодкорлари узок йиллар давомида самарали изланишлар олиб борди. Ана шу изланишлар самараси бўлмиш спектакллардан баъзи кўринишлар ва фотоляригина сақланиб қолган. Кино санъатида режиссёр Комил Ёрматов яратган фильм буюк шоирга қўйилган ҳайкал мисол ҳамон кўпчилиқда ҳайрат уйғотиб келмоқда десак муболага эмас. Кино санъатимизнинг олтин хазинасидан жой олган бу фильмнинг ўзига яраша тарихи бор.

1937 йили улуг шоирнинг 500 йиллик таваллуд тўйи арафасида "Алишер Навоий" фильмини тасвирга олиш мўлжалланган эди. Иккинчи жаҳон уруши сабабли бу иш бирмунча кечиктирилади. Уруш тугагач, "Навоий" фильмини яратиш яна кун тартибига қўйилади ва ижодий турухга янги муаллифлар келиб қўшилади. Мутафаккир ҳаётини имкон қадар ҳаққоний акс эттирадиган сценарий яратилади. Лекин фильмин суратга олиш масаласи яна орта сурилади. Шунда кинорежиссёр Комил Ёрматов собиқ КПСС Марказқўмининг идеология секретари А.Жданов ҳузурига кириб, Навоий сиймосини кинода яратиш нечоғлиқ аҳамиятли экани ҳақида тўлиб-тошиб гапирди. А.Жданов унинг сўзларидан таъсирланиб, фильмин суратга олишга руҳсат беради.

Маълумки, собиқ шўро даврида яратиладиган асарлар партиявийлик принциpidан четга чиқиши мумкин эмас эди. Ана шунга кўра, Алишер Навоий билан Хусайн Бойқаро ўртасидаги зиддият фильмнинг асосий конфликтини ва воқеалар ривожини белгилаб беришини тақозо этар эди. Шунга қарамай, ўзбек ижодкорлари шоир ва ҳукмдорнинг болалик чоғидаги самимий дўстлигини фильм бошида кўрсатиш орқали тарихий ҳақиқатни сақлашга эришган. Чунончи, Алишер Навоийнинг ижодий фаолияти, саройдаги мушоиралар, Мўмин Мирзонинг ўлими, Навоийнинг Астрободга сургун қилиниши билан боғлиқ лавҳаларда тарихий ҳақиқат имкон қадар акс эттирилган.

"Биз Алишер Навоийнинг ҳаёт саҳифаларини кўрсатиш билан XV асрда Осиё кўтасининг қоқ марказида аҳамияти Европадагидан асло қолишмайдиган инсонпарварлик ғояларининг ву-

жудга келганини дунёдаги миллион-миллион кишилар онгига етказишни истар эдик. Яна ўз фильмимиз орқали санъаткорнинг юксак инсоний бурчи ҳақида, унинг жамият ҳаётига, ватан ва халқ тақдирига таъсири ҳақида мулоҳаза юритишни мақсад қилиб қўйдик. Бу ғояларни буюк шоир ва файласуф Навоий билан унинг йигитлик давридаги дўсти, ўткир истеъдод эгаси, шеърятни ғоят қадрлайдиган, унинг энг нафис жиҳатларини пухта ўрганган шоир – султон Хусайн Бойқаро ўртасидаги баҳс-мунозаралар орқали очиб беришга ҳаракат қилдик", деб ёздаи атоқли кинорежиссёр Комил Ёрматов. (*Ёрматов К. Кечмишларим. Т., Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 190-бет*).

Тарихга мафқуравий ёндашув Хусайн Бойқаро характеридаги салбий жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратишни талаб этарди. Бу эса фильмнинг айрим лавҳаларида бирёқламалиққа йўл қўйилишига олиб келган. Масалан, саройдаги ички низолар Алишер Навоийнинг Астрободга сургун қилинишига сабаб бўлади. Фильмнинг якунида Астрободдан қайтган Навоий Бойқаро ҳузурда "Мен сўқирнинг олдида шамчирок ёқиб турган эканман" деган гапни айтади. Аммо Навоийдек инсонпарвар, андишали, диндор одам жондек дўстининг кўзига тик қараб бундай кескин хулоса айтиши ҳаёт ҳақиқатида зиддир. Ана шундай ўринларда коммунистик мафқура тарафдорлари гуё Навоий кўлига партиблет тутқазиб, бошига кепка кийдиришга уринганини кўрамыз.

Алишер Навоий ролини юксак истеъдод эгаси Раззоқ Ҳамроев ижро этган. Унинг маҳоратли актёр бўлиш билан бирга, аслида филолог экани ҳамда шоир ҳаёти, ижодини яхши ўргангани ҳам бу ролнинг жонли ва муваффақиятли чиқишида кўл келган.

Хусайн Бойқаро ролига эса ҳали ўрта маълумот олиб ҳам улгурмаган, лекин тугма истеъдод эгаси бўлган Асад Исматов тақлиф қилинган. У болалигиданоқ отаси таъсирида Шарқ мумтоз адабиётига меҳр қўйгани боис бу ролни ўзига хос талқинда ижро этган. Якуний саҳнада, яъни Навоий Астрободдан қайтганда Бойқаро образидаги актёр ўзини жуда таъсирчан тутганидан бутун ижодий гуруҳ аъзолари, ҳатто табиатан сентиментал одам бўлмаса-да, режиссёр Комил Ёрматовнинг ҳам кўзидан ёш чиқиб

кетган экан... Иккинчи, учинчи дубллардан кейин ҳам бу актёрнинг ижроси кучайиб боравергач, Навоий образи бир чеккада қолиб, Бойқаро бош ҳахрамон сифатида гадалана бошлагач, сценарийга ўзгартириш киритишга мажбур бўлишди.

"Фильмга муаллифлар томонидан киритилган тўқима персонажлар (чунончи, шоирнинг севгилис Гули, ошпаз Абдумалик ёки тоштарош Жалолiddин) драманинг ижтимоий руҳини, халқчиллигини кучайтирган" (*Тешабоев Ж. Асад Исмаилов. Т., Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967, 56-бет*).

Фильмда Алишер Навоийнинг қўли билан битилган ва Камолiddин Беҳзоднинг нафис миниа-

туралари билан безатилган китоблардан, XV асрга хос либослар, ҳаётини манзаралардан фойдаланилгани ўша даврнинг тарихий ва миллий калоритини акс эттиришда муҳим аҳамият касб этган.

Навоий юбилеи комиссияси аъзолари "Алишер Навоий" фильмини яратишни кинорежиссёр К.Ерматовга топшириб янглишмаган эди. Чунки "Алишер Навоий" фильми нафақат ўзбек кино санъати, балки жаҳон кинематография маданиятида катта воқеа бўлди.

Динора ОРИФОВА,

Давлат ва жамият қурилиши академияси  
тадқиқотчиси

## Semiotikaning ijtimoiy-falsafiy qirralari

Семиотика юнонча "semeiotikos" – белги, тим-сол, аломат деган маънони англатувчи сўздан олинган. Бугунги кунда мазкур тушунча орқали белги ва белги тизимлари тўғрисидаги таълимот ёки маълумотларни сақлаш ва узатишда қўлланилган белгиларни ўрганадиган фан назарда тутилади. Ушбу фан инсоният ҳаётида муҳим ўрин тутувчи белгилар ва белги тизимлари қандай шаклланиши ҳамда қайси қонунлар асосида бошқарилишини тадқиқ қилади.

Семиотика "белгилар ҳақидаги фан" сифатида XX асрда вужудга келди. Унинг умумий қоида ва асосий хусусиятлари дастлаб америкалик мантиқшунос Чарльз Пирс (*қаранг: Pierce, Ch.S. How to make our ideas clear. New York: New Press. 1968. Пирс Ч. С. Избранные философские произведения. М., 2000*) ва швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр (*қаранг: Соссюр Ф. де. (Ferdinand de Saussure). Труды по языкознанию. М., 1977*) асарларида ўз ифодасини топган. Ушбу фанини Пирс "Семиотика", де Соссюр эса "Семиология" деб номлаган эди.

Чарльз Пирс фикрича, "ҳар қандай белги – фикр ва ҳар бир фикр – белгидир". Тил эса шундай белгилар тизимидирки, биз бу белгилар орқали янада кўпроқ нарсани билишимизга йўл очилади.

Пирс ғояларига асосланиб айтиш мумкинки, белги (репрезентант) ва у ифодалаётган нарса (референт) ўртасидаги муносабат уч хил бўлиши мумкин. Бу муносабатларга кўра семиотикада барча мавжуд белгиларни уч тоифага ажратиш расм бўлди:

1) иконалар (*икона* юнонча *εἰκων* – образ деган маънони англатади) – белги ва у ифодалаёт-

ган объект ўртасидаги ўхшашлик ва яқинликка асосланади. Уларга истиора, тасвирий суратлар, ҳайкаллар, фото ва видеотасвирлар ҳамда чизма, диаграмма кабилар кирди.

2) индекс (лотинча *index* – хабарчи, кўрсаткич бармоқ, сарлавҳа маъносиди) – бу шундай белгики, бунда белги муайян объектнинг таъсирида вужудга келади ва айтиш шу объектнинг мавжудлигига далolat қилади. Масалан, ойнани тешиб ўтган ўқ изи ўқотар қуролдан фойдаланилгани белгиси бўлса, кўйлакка томган сиёҳранг доғ, одатда сиёҳ белгиси деб тушунилади. Математик ҳарфлар ҳам шундай индекс белгиларга мисолдир.

3) рамз юнонча *Σμβολον* – шартли белги, сигнал маъносини беради. Семиотиклар фикрига кўра, ҳақиқий белги – мана шу рамзлардир. Чунки уларда ўзи ифодалаётган объект билан заррача ўхшашлик йўқ. Рамзнинг объект билан боғлиқлиги шартли бўлиб, одамларнинг ўзаро қелишуви орқали вужудга келади.

Де Соссюр фикрича, семиология – ижтимоий белгиларни ўрганадиган фан бўлса, лингвистика – мана шу фanning бир бўлагидир. У "Семиология – белгилар тўғрисидаги фан бўлиб, шартли асосларда қабул қилинган воситалар орқали фикрни ифодалашда юз берадиган жараёнларни ўрганади", деб ёзган (*қаранг: Ветров А. Семиотика и ее основные проблемы. М., 1968. стр.22*). Тип-даги белгилар – нарса ва унинг номи ўртасидаги боғлиқлик эмас, балки тушунча ва акустик (товушли) образнинг йиғиндисидир. Тушунча – предмет ва ҳодисанинг инсон онгидидаги схемали образи, унинг муҳим ва хос аломатларини қамраб олган таърифидир. Масалан, стул – суянчиги ва оёғи бўлган

ўриндиқдир. Стул суянчиги борлиги билан курсидан фарқ қилади. Акустик образ эса товуш воситасида намоён бўлувчи белги бўлиб, биз сўзларни талаффуз этишимиз ёки этмаслиғимиздан қатъи назар айнан шу товушли белгини назарда тутамиз.

Белгининг ҳар икки жиҳати – тушунча ҳам, товуш ҳам инсон онгидоғига мавжуд бўлган руҳий, идеал ҳодисадир. Фақат акустик образ моддий табиатга эга бўлиши мумкин. Бироқ биз сўзларни талаффуз қилмасдан, лабимизни қимирлатмасдан ўз-ўзимиз билан гаплашган ҳолатлардан ташқари у моддийлик касб этади.

Шундай қилиб, белги – белгилаётган тушунча ҳамда белгилаётган акустик товушдан таркиб топган.

Белги назарияси тўрт унсур – таркибий қисмдан иборат бўлади. Булар, агар мисол тариқасида "даррахт"ни олсак, куйидагилардир:

1. Биз белги билан ифодаламоқчи бўлган моддий объект – ҳақиқий, объектив мавжуд даррахт.

2. Тушунча – белгининг идеал образи, руҳий (психик) шакл.

3. Акустик образ – идеал образнинг товушли белгиси.

4. Товуш белгилари – идеал образнинг моддий ифодаси, "даррахт" сўзини талаффуз этишда қўлланадиган товушлар ва уларнинг ёзма ифодаси бўлмиш ҳарфлар.

Семиотика фоясини ривожлантирган америкалик файласуф Чарльз Моррис (1901-1978) (қаранг: *Morris C. "Signs, Language and Behaviour". New York: George Braziller, 1955; Моррис Ч. Основы теории знаков. М., 1988*) "Белги назарияси асослари" (1938) номли рисоласини эълон қилди. У кейинчалик ўз гоёларини янада ривожлантириб, семиотиканинг фундаментал назарий масалалари таҳлил қилинган

"Белгилар, тил ва одатлар" (1946) асарини яратди.

Моррис Пирс гоёларини янада ривожлантириб, семиотиканинг уч таркибий қисмини кўрсатди:

– семантика (грекча *σημα* – белги маъносиди) – белги ва у ифода этаётган нарса ўртасидаги муносабатни ўрганади;

– синтактика (грекча *συνταξις* – алоқа, қатор маъносиди) – белгиларнинг ўзаро муносабатини ўрганади;

– прагматика (грекча *πραγμα* – иш, фаолият, хатти-ҳаракат маъносиди) белгилар ҳамда улардан фойдаланувчилар (нутқ субъектлари ва адресатлари) ўртасидаги муносабатларни ўрганади.

Белги ва белги тизимлари жуда қадимдан мавжуд ва уларни ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам, табиийки, узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, семиотиканинг муҳим объекти – инсон сўзлашадиган тилни ўрганиш узоқ тарихга эга. Қиёсий тилшуносликнинг XIX асрда жадал ривожланиши ва лингвистиканинг назарий асослари мустақамланиши маълум маънода семиотиканинг вужудга келиши учун замин ҳозирлади.

Семиотика белги тизимларининг структураси ва унга боғлиқ қонуниятларни ўрганиши билан фалсафага яқиндир. Семиотик тадқиқотлар натижалари фалсафий умумлашмалар, методологик хулосалар чиқариш учун зарурдир.

Фалсафа, тилшунослик, тарих, антропология ва психология фанлари кесишган нуқтада пайдо бўлган "Семиотика" фани муаммолари ҳали тўлиқ тадқиқ этилган эмас.

Малоҳат ОРТИҚОВА,

Тошкент Ислон университети  
тадқиқотчиси

## Sho'rolarning biryoqlama yer-suv islohoti

Ўтган асрнинг 20-йилларида Ўрта Осиё минтақасида миллий-худудий чегаралаш ўтказилган, шўролар ҳукмати аграр ислохотларни амалга ошира бошлади. Бу ҳаракатлар аввал-бошданок адолатсиз бўлиб, юзаки ва бирёқлама эди. Ўлкамизда 1924-25 йилларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 85 фоизи қишлоқ хўжалигида банд эди. Ялли маҳсулот таркибиди қишлоқ хўжалигининг салмоғи қарийиб 80 фоизни ташкил қиларди. Саноат корхоналарининг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш билан шуғулланарди. Ана шу рақамларнинг ўзиёқ аграр ислохотлар ўтказиш нақадар ҳаётий заруратга айланганини кўрсатади. Лекин шўро ҳукмати

бундай ислохотни ўлкамиз аҳолисининг туб манфатлари эмас, аввало, ўзининг босқинчилик ва таллончилик мақсадларини кўзлаб амалга оширди. Шу боис бу ўзгаришлар том маънодаги ислохот эмас, балки маҳаллий халқни, унинг бойлиқларини кўпроқ талаш, хонавайрон қилишга қаратилган мустабид сиёсатни янгича шаклда давом эттириш учун бир баҳона эди, холос.

Бу фикрни Самарқанд вилоятининг ўша даврдаги иқтисодий аҳволига доир рақам ва мисоллар ҳам тасдиқлайди: 1920-21 йилларда Самарқанд вилояти бўйича бой деҳқон ва йирик ер эгаларидан 25 минг 959 десятина ер мусодара қилиниб, ерсиз

ва кам ерли деҳқонларга берилди. Шунга қарамай, 1924-25 йилларда аҳолининг 2,1 фоизи, яъни 2 минг 462 хўжалик тамомила ерсиз эди.

1925 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг фавқулодда сессиясида "Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида" декрет қабул қилинган. Унда "Ўзбекистон ССР ҳудудидаги барча ер, ўрмон, сув ва ер ости бойликлари, кимнинг қарамоғида бўлса бўлсин, Ўзбекистон ССРнинг давлат мулки ҳисобланади", деб ёзиб қўйилган. "Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида"ги декретга кўра, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида 50 десятина ва ундан ҳам кўпроқ ери бўлган "помешчик типи"даги хўжалиқлар, Фаргона вилоятидаги 40 десятина ери бор хўжалиқларнинг суғорма ер майдонлари, иш ҳайвонлари ва асбоб-ускуналари мусодара қилиниши керак эди. Ўзига тўқ хўжалиқлар учун Фаргона вилоятида 7 десятина, Тошкент, Самарқанд вилоятларида 10 десятина норма белгиланади. Бундан ортиқ ери бўлган хўжалиқларнинг ери мусодара қилинади.

1925 йил 29 декабрида Самарқанд вилоят партия комитетининг мажлисида ер-сув ислохотининг бориши ҳақидаги масала муҳокама қилинади. Мажлисида вилоят қишлоқларида ислохотнинг қандай ўтаётгани ҳақида гап борар экан, 5 декабр-гача энг катта ер эгаларининг ерлари мусодара қилиниб, хўжаликлари тугатилгани ва ер-сув ислохоти соҳасидаги дастлабки ишларнинг натижалари таъкидланади.

Самарқанд вилояти ҳудудий жиҳатдан анча тарқоқ бўлгани учун бундай "ислохот"лар, вилоят ҳудудини аввал 18 та, кейин эса 28 та районга бўлиб амалга оширилади. "Ислохот" даврида Самарқанд вилоятида 220 та йирик ер эгаси ва савдогар хўжалиги тугатилади, 3 минг 77 та хўжаликнинг ери тортиб олинади. Натижада вилоят

ер фондига 26 минг 575 десятина ер топширилиб, шу асосда 8 минг 42 та янги жамоа хўжалиги ташкил этилади.

Ер-сув ислохоти декретига кўра, бойлар ва "қулоқ"ларнинг ишчи ҳайвонлари ва асбоб-ускуналари мусодара қилиниб, чорваси тортиб олинади. Шундай қилиб, мусодара қилиш натижа-сида Самарқанд вилоятида 2 минг 239 бош мол йиғилади, бу республика бўйича 28,4 фоизни ташкил этади.

Ер-сув "ислохоти" муносабати билан сувдан фойдаланишни тартибга солиш, бу борада техник усулларни жорий этиш учун мелиоратив ширкатлар фаолияти йўлга қўйилади. Туркистонда 1923 йилдан мелиоратив ширкатлар тузиш бошланган бўлиб, улар озчиликни ташкил этар эди. 1924 йили ҳаммаси бўлиб 9 та мелиоратив ширкат фаолият кўрсатади. Шундан 2 таси Самарқанд вилоятида эди. 1925 йилга келиб эса Ўзбекистон ССРдаги 52 та бундай ширкатлардан 13 таси Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келади. 1926 йили уларнинг сони 29 тага етди. Лекин бу ишларнинг барчаси зўравонлик билан амалга оширилиб, асрлар давомида шаклланган суғориш тармоқларини йўқ қилишга, пировардида ўлкамиздаги миллий деҳқончилик маданиятини барбод этишга қаратилган эди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда 1925-29 йилларда амалга оширилган ер-сув ислохоти совет ҳукуматининг жамият таянчи бўлган мулкдорлар синфини чеклаш ва тугатиш, синфсиз жамият қуришга қаратилган навбатдаги тадбирлардан бири бўлди. Бу ҳолат кейинчалик қишлоқ хўжалигини зўравонлик йўли билан ялпи жамоалаштириш жараёнини тезлаштириш учун қулай шарт-шароит яратди.

**Абдурахмон БОДИРОВ,**

*Самарқанд Давлат университети  
тадқиқотчиси*

## *Badiiy tanqid muammolari*

Ўзбекистонда санъатшунослик фан сифатида ўтган асрнинг 20-йилларидан шакллана бошлаган. Дастлаб бадий танқидчилик жадал ривожланган бўлса, кейинчалик эса бу соҳада соцреализм тамойиллари ҳукмронлиги яққол сезилиб турди. Фақат 50-80-йилларда долзарб масалалар, кўпқиррали реалистик изланишлар руҳидаги тадқиқотлар пайдо бўлди.

Ҳозирги вақтда бадий танқид санъатшуносликнинг энг фаол турларидан ҳисобланади. Унинг портрет, реферат, рецензия, эссе, назарий мақола, танқидий мақола, интервью, шарҳ каби

ўндан ортиқ жанри бўйича соҳа вакилларининг тадқиқотлари эълон қилинмоқда. Айниқса, портрет ва шарҳ жанрларида кўпроқ мақолалар ёзилмоқда. Бундан ташқари, интервью ва эссе жанрларида ҳам фаоллик сезилмоқда. Матбуот нашрларининг шакли ва йўналишига қараб бадий танқиднинг турли жанрлари қўлланмоқда. Масалан, журналларда портрет, шарҳ, эссе ва реферат каби жанрлар кўпроқ кўзга ташланади. Амалий жиҳатдан ёндашилса, бу — табиий ҳол. Чунки бу жанрлар хусусиятига кўра чуқур изланиш ва таҳлилни, шунингдек, кенг қамровли ёндашушни талаб этади.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида, унинг тезкорлик хусусиятига кўра, интервью, хабар ва ахборотлар кўпроқ чоп этилади. Шунингдек, жанрларнинг намоён бўлиш сабаблари сифатида муаллифларнинг турли соҳа вакиллари эканини кўрсатиш мумкин. Мисол учун, "San'at" журнали муаллифлари асосан санъатшунослар, шу боис улар бадий танқиднинг мураккаброқ жанрларида ижод қилишади. Шунга ҳам айтиш кераки, тасвирий санъатнинг ёритишда санъатшунослар билан бошқа соҳа вакиллари ёндашувида сезиларли фарқ mavjud. Дейлик, санъатшунослар рассом ижодини ёритишда эътиборни асосан санъатнинг фундаментал қондалари, йўналишлари ва замонавий бадий жараёнга қаратса, бошқа соҳа вакиллари рассомнинг оилавий муҳтига, шахсий-инсоний хусусиятларига, бадий тафаккурига қаратади.

Бадий-танқидий мақолаларнинг аксарияти бадий-эстетик принциплар асосида тасвирий санъат асарини таҳлил қилишдан кўра, рассомга, унинг ижодига мақтов ёғдириш билан қаноатланади. Масалан, санъатшунослик фанлари докторлари А.Ҳақимов, К.Оқилова, Элмира Гул ва Н.Аҳмедованинг мақолаларида, айрим ўринларни ҳисобга олмаганда, тасвирий санъат соҳасидаги ижобий жиҳатлар саналган, эътироф этилган, ҳолос. Тасвирий санъат асарларини ижтимоий ҳаёт билан боғлаган ҳолда, ижодий, теран таҳлил қилинган мақолалар кам чоп этилмоқда. Оқибатда рассомларда санъатшунос танқидчининг иши уларни жамоатчиликка танитиш, мақтаб мақола ёзишдан иборат деган бирёқлама қараш пайдо бўлмоқда. Бундай қараш кейинги йилларда бадий танқиднинг мавқеи янада тушишига сабаб бўлди. Бизнингча, санъат танқидчиси жимжимадор сўзларни териб, оғзидан бол томиб кимнингдир мақтовини келтирадиган сафсатабоқ эмас, бадий-эстетик таҳлил салоҳиятига эга бўлган, нозик дид билан фикр юритадиган юксак таъб ва тафаккур эгасидир.

Санъатшунослик ва бадий танқидчилик соҳасидаги бундай сусткашлик беиз кетаётгани йўқ. Оқибатда бугун тасвирий санъатга доир мақолаларни кўпроқ санъатшунослар ва танқидчилар эмас, аксинча, бошқа соҳа вакиллари – филологлар, журналистлар, адабиётшунослар, тарихчилар ва ҳатто иқтисодчилар эълон қилмоқда.

Таниқли санъат журналисти Гулчехра Умарова "Санъатшунос лоқайд бўлмаслиги керак" мақоласида матбуотда айна соҳага доир мақолалар камайиб кетаётгани ҳақида куйиниб ёзади: "Анчадан буён шундай қизиқ ҳолат кузатилади. Кўпгина муаллифларимиз матбуотдан буюртма кутиб ўтиришади... Ҳатто баъзи олимларимиз, ўз соҳасининг билимдон мутахассисларига "Анчадан буён ёзмайсиз", деб мурожаат

қилганимизда, "Буюртма беринг, албатта ёзмайсиз" деган жавобни оламиз" ("ЎзАС" газетаси, 2002 йил 12 июль, 29-сон).

Тўри, матбуот ходимлари ташаббус билан чиқиб, баъзи мавзулар бўйича муаллифлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин. Бироқ ўз соҳасини чуқур билган, унинг бугуни ва келажиги учун қайғурадиган мутахассис таклиф кутиб ўтириши тўғримикин? Соҳадаги ютуқ ва нуқсонлар ҳолис таҳлил қилинган, долзарб муаммолар кўтарилган, раvon тилда ёзилган мақолалар барча газета-журналларимиз учун зарур-ку! Бундай ишнинг уддасидан чиқиш учун киши ўз касбининг фидойиси, ўз соҳасининг жонқуяри, ёзма нутқ маъласига эга бўлиши керак. Аксар мутахассисларимиз эса ҳамон эскича фикрлаш ва ёзиш услубидан қутулолгани йўқ.

Ҳар йили санъат ва маданият ўқув юртларини қанчадан-қанча мутахассислар битириб чиқаётганига қарамай соҳадаги ютуқ ва камчиликларни ёритиш кўпроқ журналистлар зиммасига тушаётир. Бунинг сабаби нимада деган савол туғилиши табиий. Аввало, ёш мутахассислар ўз соҳасига оид мақолалар ёзиб матбуот нашрларида чоп эттирмайди, бирор муаммони кўтариб чиқиб, унинг ҳал бўлиши учун жон куйдирмайди. Г.Умарова зикр этилган мақоласида яна бундай деб ёзади: "Баъзи журналистлар томонидан ёзилган муайян асарга доир мақолалар баъзи мутахассисларимизга ёқмайди. Улар дарҳол санъат асарларига баҳо бериш фақат мутахассисларнинг иши деган даъво-ни билдирадилар... Қизиқ ҳол: санъатшунос мутахассислар ёзаётган мақоланинг тили ғализлиги учун тахрирларда қайта-қайта тахрирдан сўнг ўқийдиган ҳолга келтирилиб, чоп этилиб турганда бундай иззатлалабликлар ортиқча эмасмикан?"

Бугун баъзи бир санъат турларида замонавий қаҳрамон сиймосини яратиб борасида талай муаммолар мавжудлигига ҳам айнан шу "мутахассис"ларнинг ўз касбига лоқайдлиги, масъулиятсизлиги сабаб бўлмаятимикан?

"Катта илмий тадқиқот институтларида фаолият кўрсатаётган номдор мутахассисларимиз, ҳар йили санъат олий ўқув юртларини битириб чиқаётган ёшларимиз қачон фаол бўлади? Қачон биз уларнинг мавжуд жараёнларга доир мулоҳазаю муносабатларини ўқиймиз. Мен санъатшунос мутахассисларимизни шу хусусда очиқ баҳс-мунозарага чорлайман", деб ёзади мақола муаллифи. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг маъzur мақола чиққандан кейинги сонларида журналист Г.Умарованинг ушбу чорловига бирон жавоб – акс садо бўлмагани кишини таажужуба солади.

М.Мўйдинованинг истеъдодли ёш рассом Ч.Шамсиев билан қилган "Ранглар олами" деб номланган суҳбати мухтасаргина бўлса-да, жиддий

мулоҳазалар билдирилгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, мухбирнинг бугунги тасвирий санъат соҳасига оид муаммолар ҳақидаги саволига Ч.Шамсиев қуйидагича жавоб беради: "Тасвирий санъат халқ учун хизмат қилиши керак. Назаримда, бугунги кунда тасвирий санъатнинг тарғибот ва ташвиқот ишлари кўнгилдагидек эмас... Балки тасвирий санъатдек кишидан ўта нозик дид, жиндек ижодкорлик ва яна жиндек масъулият талаб этадиган соҳанинг ютуқ ва камчиликларини, моҳиятини ойнаи жаҳон орқали кенгроқ тарғибот қилиш керакдир..." ("УзАС" газетаси, 2001 йил 27 апрель, 18-сон).

Ушбу газетада Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур билан ҳам суҳбат эълон қилинган. Суҳбатда рассомнинг бадиий танқид ҳақида билдирган фикрлари эътиборни тортади: "Яхши санъатшунослар бармоқ билан санарли даражада. Санъатшуносу ўзига ёққан асарни мақтайди, кўнглига ўтирмаганини танқид қилади. Бу мавзуда истаганча бахslashиш мумкин. Яқинда ўз асарим ҳақидаги бир мақолани ўқиб, тўғриси, ҳайрон қолдим, шу қадар жимжимдор, тушунарсиз сўзлар билан ёзилганки, шу меннинг расмим ҳақидами ўзи, деб ўйлаб ҳам қолдим" (Шаҳрибону. Мен ўзимни қидираман. "УзАС", 2002 йил 1 февраль, 6-сон).

Санъатшунослик ва танқидчилик ҳақидаги баъзи мақолаларда соҳанинг бугунги муаммолар

ри авлодлар алмашинуви билан боғлаб талқин қилинади. Масалан, "Янги Ўзбекистон санъати" номли мақолада "Кўп нарсалар авлодлар алмашинуви билан боғлиқлиги табиий. 1980 йилларда матбуотда фаол қатнашган Р.Тоқтош, Т.Маҳмудов, А.Умаров, Л.Шостко, А.Эгамбердиев, А.Абдуллаев, И.Булкина, Н.Зиганшина, М.Соколова ҳозир ҳам, кам бўлса-да ёзишмоқда, аммо уларни аввалгидек теран деб бўлмайди" ("San'at" журнали, 1999 йил, 2-сон, 12-15-б.) дейилади. Мақолада танқидчиларнинг "фаол янги авлодни тарбиялаш" муҳим вазифа экани ҳам алоҳида таъкидланади.

Шундай қилиб, миллий матбуотимизда ораси бўлса-да, бадиий танқид муаммолари ва уларни бартараф қилиш йўллари хусусида фикр-мулоҳазалар билдириб борилмоқда. Муаммонинг сабаблари ўлароқ малакали кадрлар етишмаслиги, соҳа мутахассисларида эса нафақат фидойилик ва фаоллик, айни чоқда ҳаётга кенг қараш, ёзиш ва фикрлаш малакаси йўқлиги кўрсатилмоқда. Шундай экан, санъатшуносу мутахассислар олдида соҳага оид муаммоларни янада чуқурроқ, атрофлича таҳлил этиш ва улар ечимига доир аниқ фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар билан чиқишдек вазифалар турибди.

Лазизжон БАХРАНОВ,

Санъат институти тадқиқотчиси

## Sirli ultimatum

Ахамонийлар давлатининг ҳар жиҳатдан кучга ўлишида шоҳ Доро I нинг (550-486) хизматлари катта бўлган. У бутун мамлакатни сатрапликларга бўлади, асосий эътиборни ҳарбий бошлиқлар тарбиялашга қаратади. Мамлакатда пул ислоҳоти ўтказида, савдо-сотикни ривожлантиради. Ўз давлатида осойишталик ўрнатган, ота-боболари амалга ошира олмаган мақсадни рўйбга чиқаришга киришади. Баъзи ҳудудларни эгаллагач, Доро I миллоддан аввалги 513 йили кўп сонли, пухта тайёрларлик кўрган қўшин билан Қора денгиз бўйидаги скифлар ерига бостириб боради.

Скифлар – Қора денгиздан шимоли-ғарбда, Дунай ва Дон, Днепр ва Днестр дарёлари қуйи ҳавзаларидан то Волга бўйигача бўлган ҳудудларда яшаган чорвадор аҳоли. Геродотнинг ёзишича, бу юртларга улар Осиёдан кўчиб келган. Скифларнинг асли ватани Волгадан шарқда, яъни Осиёнинг Қозоғистон чўллари, Жанубий Урал, Олтой ҳамда Жанубий Сибирь ҳудудлари бўлиб, улар аслида туркий тилларнинг турки лаҳжаларида сўзлашувчи орийлар эди. Улар яшаган ҳудудларни эллинлар

тарихда илк марта Скифия деб атай бошлаган. Миллоддан аввалги VII асрда Скифия жуда катта ҳарбий, сиёсий кучга эга бўлган.

Доро I нинг Скифияга қилган юришидан 60 йил ўтгандан сўнг юнон тарихчиси Геродот (мил. авв. 490-424) шимолги Қора денгиз бўйини зиёрат қилади. Шунда у мазкур юриш ҳақидаги хотиралар халқ орасида ҳамон оғиздан-оғизга кўчиб юрганига гувоҳ бўлади ва машҳур "Тарих" асарининг тўртинчи китобини шу жангга бағишлайди. Асарда ўша урушнинг ўз кўзи билан кўрган одамнинг ва оталари Доро билан жанг қилган кишиларнинг ҳикоялари келтирилган. Геродот, Доро қўшинларида 700 мингдан ортиқ жангчи ва 600 та ҳарбий кема бўлган деб ёзади. Бу ўша даврда жаҳондаги энг кучли ҳарбий қўшин ҳисобланган.

Доро кўл остидаги халқларга Фракия Босфор (Босфор бўғози) ва Истрга (Дунай) маҳсус кўприклар қуришни буюрган ва шу кўприклар орқали қўшинини Кичик Осиёдан Скифияга олиб ўтган. Скифларга иттифоқдан бўлган қўшни қабилалар – агафирслар, неврлар, адрофаглар,

меланхленлар, таврлар ва бошқалар бундай кескин вазиятда уларга ёрдам беришдан бош тортган. Скифларнинг ўзи Доронинг улкан қўшинига қарши жанг қила олмас эди. Шунинг учун ҳам улар хийла ишлатган. Чекина туриб, йўлдаги қишлоқларга ўт кўйиб, қудуқларни кўмиб ташлаган. Шу билан бирга, скифлар агафирслар, меланхленлар ва бошқа қабилаларни қандай қилиб бўлса ҳам, урушга тортиш учун Эрон қўшинларини уларнинг ерларига киритган. Тунда кичик-кичик скиф жангчи қисмлари Эрон қўшинларининг олдинги сафларига қўққисдан ҳужум қилиб, уларни бир неча марта кириб ташлаган. Бениҳоя кўп пистирмалар, чўл бўронлари ҳам эронийларнинг тинкасини қуритиб, уларга катта талофат етказган. Бир сўз билан айтганда, скифлар ҳақиқий партизан урушини олиб борган. Натижада Доро қўшинлари сафи тезда сийрақлаша бошлаган. Шунга қарамай, улар скифларни таъқиб этишдан қайтмаган. Ниҳоят, Доронинг сабр-тоқати тугаб, скифлар шаҳаншоҳи Иданфирсга бундай мазмунда мактуб йўллаган. "Тентак! Сенга икки йўлдан бирини танлаш имкони берилган, сен эса ҳамон қочиб юрибсан. Агар ўзингни менга қарши туришга қодир ҳисобласанг, дайдиб юравермай мен билан жанг қил. Агар заифлигингни тан олсанг, қочиб овора бўлма, ундан кўра ер-сувингни ўз султонингга сийлов қилиб бергин-да, у билан келишув битими туз!" Иданфирс жавобни кечиктирмаган, "Менинг аҳволим бундай, шоҳ! Илгари ҳам бирор тирик жондан кўрқиб қочмаганман, сендан нега қочай?! Бизнинг шаҳарларимиз ҳам, экин экадиган ерларимиз ҳам йўқ, ахир. Биз уларнинг талон-тарож қилиниши, яксон бўлишидан кўрқмаймиз, шунинг учун ҳам сизлар билан дарҳол жанг бошламадик. Агар биз билан жанг қилишга жуда иштиёқманд бўлсанг, унда ота-боболаримиз қабрларини топиб, уларни бузиб, оёқости қилиб кўр-чи, ана шунда биласан, жанг қиламизми-йўқми. Бироқ ўзимиз лозим топмагунча сизлар билан жанг қилмаймиз... Ўзингни менинг султоним, ҳокимим деб атаганинг учун ҳали кунингни кўрасан!" Иданфирс мағрурона жавоб қайтарган. Бироқ унинг айтганлари қуруқ гап эмас эди.

Доро бийдай скиф даштига кириб бориб, мушкул аҳволга тушиб қолган, скифлар шоҳи даҳшатли истилоқига антиқа совға: қуш, сичқон, қурбақа ва бешта камон ўқи юборади. Эронийлар бундай совғанинг маъносини чопардан ҳар қанча сўраб-сўраштирамаган, у бир гални такрорлайверади: унга "совға"ни топширишга буюрилган, унинг

маъносини тушуниш келгиндиларнинг ўзларига ҳавола. Эронийлар совғанинг маъносини топишга обдон уринишган. Доронинг ўзи мугамбирлик қилганми ё совғанинг маъносини ҳақиқатдан ҳам шундай тушунганми, ҳар ҳолда унинг маъносини ўз фойдасига, бир ёқлама тушунтирган. Сичқон ерда яшайди ва инсон каби ерда битадиган неъматлардан баҳраманд бўлади. Қурбақа эса сувда яшайди, бинобарин, скифлар ўзларини суви ва ери билан бирга Эрон шоҳи ихтиёрига топширади. Ўқлар эса скифларнинг эронликлар олдига қуролларини ташлаганини билдиради. Лекин бу шарҳдан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмагач, Доронинг маслаҳатчиси Гобрий уни жуда тўғри шарҳлаб беради. Бу скифларнинг ультиматуми бўлиб чиқади: "Агар сиз, эронийлар, қуш каби учиб ғойиб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбақа сингари ботқоққа шўнғимасангиз, у ҳолда бу ерларда мана шу ўқлар ёмиридан ўлиб кетасиз".

Гобрийнинг ҳақлиги кейин маълум бўлади. Эронийларнинг кучи борган сари камаяди, кўп ўтмай Доро ортга чекинади, чунки шиддат билан ҳужум қилиб яна яшиндек аллақайёққа ғойиб бўлаётган скиф отликларининг дўлдек ўқ ёғдиришига у бардош беролмайди. Шу тариха жаҳонда энг йирик давлат ҳисобланган Доро I подшоҳлиги шармандаларча мағлубиятга учраган. Сирғи ультиматум кўйган скифлар ва уларнинг шоҳи Иданфирс тарихий ғалаба қозongan.

Қудратли ҳарбий қўшинга эга бўлган Доронинг кўчманчи скиф қабилаларидан мағлубиятга учрашининг бир неча сабаби бор эди. Биринчидан, Доро скифлар ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган. Иккинчидан, Доро скифларнинг кўчманчи қабила эканини ҳисобга олмаган, кўчманчилар учун бир жойдан бошқа жойга тезда кўчиб ўтиш муаммо эмас. Учтинчидан, Доро скифлар ерини бир ҳамлада босиб оламан деб ишонгани учун ўзи билан етарлича озиқ-овқат ва қурол-яроқ гамлаб олмаган эди. Тўртинчидан, скифлар шоҳи Иданфирс моҳир саркарда эканини исботлаган ва жанглар у тузган режа асосида бўлган.

Санаб ўтилган сабаблар скифларнинг Дородек ҳукмдор устидан ғалаба қозонишига ёрдам берган. Доро I скифлар ерига қайтиб юриш қилмаган.

## Бобомурод ИНАТОВ,

*Жиззах давлат Педагогика институту талабаси*

# SUMMARY



**T**he discussion between prof. Abduqodir Ergashov, ecologist, PhD in Biology, and journalist Murod Abdullayev (“Justice is the sole Mother if Being”) on current environmental problems, their causes and solutions as well as the changes in public mind and views in the process of ecological degradation. Interlocutors stress the links between environmental and moral crisis. They came to conclusion that mitigating ecological deterioration as soon as possible brings not only healthy lifestyle and prosperous life, but, at the same time, prevents degradation in spiritual life of people.

**T**he democratization of society demands complex transformation in state of mind and attitudes of individuals. Makhmoud Khojimirzayev in his article “Founder of Perfect Society” analyses this process in the context of several relations: democracy and liberty; democracy and leader; democracy and rule of law; democracy and NGOs; barriers in the way to democracy. The author argues that democratization must begin with the education of individual. It is impossible to build democratic society without changes in the mind of public.

**X**IV-XV centuries were the period of extensive transformations in the history of our homeland. The article entitled “The deep roots” by Abdukhilil Razzoqov tells about economical situation in Movarounnaxhr in the period of Amir Temur and temurids. Author states that monetary and fiscal policy was highly developed, state budget was formed, and mechanisms of the welfare state was put into practice by temurid kings.

**T**he twentieth century was rich of numerous literary movements and teachings emerged in literature and art. The style of narration known as “stream of consciousness” in the West gained in popularity. It tends to describe and

narrate human mind in a dynamic, ever-changing state. "Stream of consciousness" which characterized as new and perfect style by supporters of modernism has several typical features as following below:

- Streamness of mental processes.
- Perception of external world is not indivisible but fragmentary.
- Divisibility of existence

The discussions on the issue of whether "stream of consciousness" is a form of narration or literary movement or genre have not found any satisfactory solution yet. Many literary scholars oppose the view that "stream of consciousness" is a genre. Mukhammadjon Kholbekov in his article "Stream of consciousness – is it a genre or style of narration?" tries to prove that "stream of consciousness" is not a style but genre.

**I**qbol Qushayeva in her article entitled "The World without Gate" severely criticizes growing mass culture arisen from globalization in Uzbekistan. She explores the ways of protecting our nation, especially youth from destructive influence of this threat; emphasizes that our national values and identity which has been formed for centuries are very reliable source of defense from undesirable changes in the spiritual air of our society.

**I**n the article "Love and Enlightenment" by Gulnara Abdullayeva and Zaynobiddin Abdirashidov's article "Women who Ismoilbey loved" two contradictory views on private life and relations of Ismail Gaspirinsky with women were maintained. G. Abdullayeva argues that Ismailbey married several times to gain material profit and pursue his activity in publishing and teaching. Z. Abdirashidov puts his own arguments against G. Abdullayeva's claims.



## МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

2011 йили журнал саҳифаларида эълон қилинган сара асарлари учун фаол муаллифлардан — адабиётшунос **Муҳиддин РАҲИМ** ("Милорад Павичнинг кашфиёти" мақоласи, 3-сон);

тадқиқотчи **Хуршид ЙЎЛДОШЕВ** ("Фалсафадан нима наф?" (1-сон), "Дэвид Юм таълимоти ва замонавий фалсафа" (3-сон) мақолалари);

шоир **Шодмонкул САЛОМ** ("Мезон торларига дилни боғладим..." шеърий туркуми, 4-сон)

таҳрир ҳайъатининг қарорига асосан "Тафаккур" совриндорлари деб топилсин ва эсдалик совғалар билан тақдирлансин.

Бош муҳаррир

Эркин АБЗАМ



ноҳар

Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нархда

# ТАФАККУР

ТАФАККУР 4/2011

